

«МАЖБУРИЙ НУСХА»
МУМИНЖОН МАЪМУРОВ
ОЙДИНОЙ ҒОЗИЕВА

ҚАҚНУС

(Хотиралар, ҳикоялар, мақолалар, шеърлар)

“Andijon nashriyot-matbaa” МЧЖ
2014 йил

УЎК: 812.512.133
КБК: 84 (5 Узб) 7
М – 12

Чуб. араб.

М – 12. Мўминжон Маъмуроғ, Ойдиноғ Фозиева. "Қақнус" (Хотиралар, ҳикоялар, маколалар, шеърлар) – "Andijon nashriyot-matbaa" МЧЖ, 2014 йил, 132 бет.

Азиз ўкувчи, қўлингиздаги ушбу "Қақнус" китоби икки қисмдан иборатdir.

Биринчи қисми шахрионлик таниқли журналист Мўминжон Маъмуроғнинг (мархум) турли даврларда ёзган макола ва шеърлардан иборат бўлган бўлса, иккинчи қисми Мўминжоннинг ардокли фарзанди Ойдиноғ Фозисеванинг ижодидан намуналар, ўзини макола, ҳикоя, ривоят ва шеърларидан ташкил топган. Уларни ўқиб ўзингиз баҳо берарсиз, деган умиддамиз.

42336
10 391
42336
10 391

ISBN 978-9943-4138-3-2

2014/18

A

1564

MK

© М. Маъмуроғ, О. Фозисева, 2014.
© "Andijon nashriyot-matbaa" МЧЖ,
2014 йил.



Мўминжон Маъмуроў 1945 йилнинг 2 февралида Шаҳриҳон тумани Полосон қишлоғига туғилган.

1966-1971 йилларда Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг сиртки бўлимида таҳсил олган. 1966 йили илк иш фаолиятини Шаҳриҳон туман ҳокимлиги нашри “Янги ҳаёт” газетасида мухаррир ўринбосарлигидан бошлаган, 1973-1987 йилларда Комсомолобод (хозирги Улугнор)даги “Комсомолобод тонгги” газетаси мухаррири, 1987-1991 йиллари Асака туман ҳокимлиги муассислигидаги “Асака ҳаёти” газетаси мухаррири, 1991 йилда эса Асака туман ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. 2005 йил нафакага чикиб, маҳалла фаоли сифатида барча ишларда бош-кош бўлган.

Мўминжон Маъмуроў Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг фаол аъзоси эди. 2013 йил 14 май куни вафот этган.

Азиз китобхон! Отажонимиз Мўминжон Маъмуронинг ижод намуналаридан сизларга тақдим этмоқчимиз. Агар бу ижод намуналари сизни ҳаяжонга солиб, ўзингиз учун нимадир олсангиз отажонимизни дуо айланг. Зеро, Сиз мухлисларнинг дуоингиз мустајсоб бўлгай.

Мўминжон Маъмуронинг фарзандлари:
Ойдиной, Хулкарой, Наргизахон, Нилуфархон,
Оматой, Гулираъно, Баҳодиржон, Сайёрахон.

*Ҳар кишининг фарзанди бор, боги бор,
Жуда улкан баҳт-саодат тоги бор.
Ёшлигида яхши қилиб ўстирсанг,
Охир сени иззат қиласр чоги бор.*

М. МАЪМУРОВ

ОТАЛАР ИБРАТИ ҲАҚИДА КИТОБ

Ота деган ном асли табаррук. Унинг номини улуглаш, раҳматлар олиб бериш фарзанднинг бурчидир. Бу бурчни кимдир ҳис қиласи, кимдир йўқ... Шу маънода ажойиб инсон, серкирра журналист Мўминжон Маъмуроғолти қиз ва бир ўғил эмас, етти бақувват илдиз қолдирибди, десак муболаға бўлмас. Мана энди бу илдизлар ўсиб, улғайиб, оталарининг асарларини мангуликка муҳрлаяптилар.

Ойдинойнинг отаси ҳақидағи ширин хотиралари, дўстларининг дил сўзлари “Қақнус” номи билан энди тарихда колишига шубҳа йўқ. Зеро, Мўминжон Маъмуроғол бундай эҳтиромга лойик инсон эди. У фидойилиги, меҳрибонлиги билан фарзандлари, шогирдларига ўрнак, олижаноблик тимсоли бўлиб ўтди.

Мўминжон Маъмуроғол забардаст журналист, теран тафаккурли зиёли эди. У ҳайётнинг кўпчилик илғамайдиган сирсиноатларини-да англашга, тушуниб етишга ҳаракат қиласиди. Яна у ўзгаларнинг ютуғидан самимий завқ ола биларди. Катталарга иззат, кичикларга ғамхўрлик унинг учун ибодат даражасига кўтарилиган эди.

Яна бир муҳим фазилати касбига чексиз меҳр-муҳаббатида зухурланиб туради. Румий ҳазратлари ёзганидек, “Кўрқса айтмасди, айтса қўрқмасди”. У бутун умр ҳикмат излади, ҳикмат топди, ҳикмат улашди.

Устозда камдан-кам инсонларга насиб этадиган беғуборлик, покдомонлик ва ҳалоллик хислати мужассам эди. Энг муҳими, у одамларни севиб яшарди. “Дунёни гўзаллик билан баб-баробар яхшилик кутқаради, яхшилик биз билган ва билмаган дунёning калитидир”, дея таълим берарди.

“Қакнус” китобини ўқиши жараённида устоз сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлиб турганлигининг ўзи ҳам бир хикмат. Демак, унинг суврати ва сийрати, руҳий олам қаламидан томиб китобга муҳрланибди. Демак, у ҳамон тирик. Демак, у сизу бизнинг онгу шууримизда, юрагимизда мудом яшамоқда.

Абдумуталлиб ҳожи АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон йўзувчилар уюпмаси аъзоси,
халқаро “Олтин қалам” мукофоти совриндори.

М. МАЪМУРОВ ДЎСТЛАРИ ХОТИРАСИДА

Чўллардаги йўлларга қаранг,
Тоғлардаги сўқмоқларга ҳам.
Бир четини босса ҳам аранг,
Из қолдириб кетади одам.
Орзу йўқдир шундан зиёда -
Изим қолсин, дейман дунёда.

М. МАЪМУРОВ

Тўлан Низом,
Ўзбекистон Ҳалқ шоири

Мен ҳам Мўминжон Маъмурони яхши билар эдим. Кўп давраларда, турли издаҳомларда бирга ўтириб сухбатлар курганимиз. Унинг серкирра, зиёли одам эканлигини, дилкашлиги билан бошқалардан фарқ қилишини билганман. У истеъоддли газета муҳаррири, сергак, хушёр журналист сифатида ҳалқка танилиб, дўст-биродарлари орасида обрўйи баланд бўлган.

Мўминжон хаётда ташкилотчи раҳбар, оиласда оса гамхўр ота, меҳрибон ва ибратли маслаҳатгўй эди. Унинг бу хислатлари ўз шеърларида, лавҳа, мақолаларида аниқ-тиник кўриниб туради.

* * *

Нусрат Абдусалом
(шоир)

Биз Мўминжон Маъмурон билан жуда кеч, яъни 1988 йилда танишдик. У камтар, меҳнаткаш, ҳар бир кишига иложи борича яхшилик қилишга интиладиган самимий ва меҳрибон инсон эди. Мўминжон Асакадаги туман газетасида муҳаррир вазифасида ишлабтга пайтларда (1987-1991 йиллар) кўп таплашганмиз, ижодий сухбатлар курганимиз. Аммо бирор марта мен ҳам шеър

ёзаман, деб шоирлигини ошкор этган эмас. У кишининг камтарлиги шу қадар эди. Унинг шеър ва ғазалларини ушбу “Қакнус” китобини нашрга тайёрлаш жараёнида ўқидим, холос. Лекин Мўминжоннинг шеърлари ҳам, аруздаги машқлари ҳам менга маъқул бўлди.

* * *

Мурод ҳожи Раҳмонов
(дўсти)

Мўминжон билан 50 йиллик қадрдон-дўст эдик.

Даврамизнинг энг билимли, энг зукко инсони Мўминжон бўларди. “Куръони карим” сураларини шарҳлашдами, турли шоирлар ғазалларини таҳлил қилишдами, бирор билмаган нарсамиз бўлса, даррон Мўминжонга мурожаат этардик. Биз дўстлар учун Мўминжон ҳамма маълумотни ўз ичига олган “Ўзбек тили энциклопедияси”, эди десам янгишмаган бўламан.

Мўминжонни йўқотиш мен учун жуда катта йўқотиш бўлди. Дўстимни Оллоҳ ўз раҳматига олсин.

* * *

Одил ҳожи Эргашев
(дўсти)

Мен Мўминжон туфайли адабиётга яқинлашдим. Чунки, ҳар гал дўстлар йигилганимизда Жомий, Фузулий, Жалолиддин Румий ғазалларини ўқиб, таҳлил қиласар эдик, бир-биримизнинг фикрларимизни тўлдирав эдик. Мумтоз қўшиклар куйлардик. Айниқса, бир йифинда Мўминжон билан Алишер Навоийнинг

Тун ақшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,

Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

ғазалини таҳлил ҳилиб, мазза қилган эдик. Бирор жойда қийналиб қолсак дарров Мўминжонга мурожаат этардик. Мўминжон ғазалхон, шеърхон, сўз қудратига эга, ажойиб дилкаш сухбатдош, том маънода маънавий стук, ўзидан маънавият нури, зиё тарқатувчи комил инсон эди.

* * *

Толив ҳожи Болтабоев
(дўсти)

Комсомолобод (Улуғнор) тумани 1974 йилда ташкил топганда бўлса, мен ўша йили Мўминжон билан танишганман. Мўминжон

“Комсомолобод тонгги” газетасига мухаррир этиб тайинланган. Биз, дўстлар Мўминжонни Мўмин Мирзо дер эдик. “Комсомолобод тонгги” газетаси узок йиллар мобайнида вилоят, ҳатто республикада энг яхши газета номини олган.

“Янги туман ҳокимияти биноси олдига мевали ёки манзарали дарахт кўчати ўтқазилсин”, деган буйруқ бўлган. Шунда Мўминжон қаердандир иккита тут кўчати (мажнунтолга ўхшаган) олиб келиб, эккан эди. Мана, бу йил Улуғнор туманига 40 йил бўлса, шундан бери туман ҳокимлиги олдида иккита тут дарахти чирой бериб турибди.

* * *

Пўлатжон ҳожи Шерматов

Мўминжон ака хушхулк, тўғрисўз, ҳазил-мутоибани яхши кўрадиган маърифатли, дўстлари, оиласига меҳрибон, оғир-босик, танти, яхши инсон эди. У киши билан сұхбатлашсангиз сира зерикмас эдингиз. Менга китобларни танлаб ўқишини, фойдали, ҳикматларга бой асарларни ажратади олишни ўргатган.

Мўминжон ака табиатни хуш кўтарди. Бир куни уйларига борсам, Мўминжон ака ҳовлисигаги экинларга қараётган экан. Ҳовлисига ҳавасим келди. Узун йўлак бўйлаб узумлар, ҳовлига экилган мевалар – боғу роғ. Боғнинг ўртасида сўлим сўри.

Мўминжон ака фарзандларига жаннат боғларини яратиб кетди.

* * *

Мұҳаррамхон Исакова, Иминжон Ғозиев (укалари)

Биз жуда катта жудоликка учрадик. Акам, Мўминжон Маъмуроғ ҳақида хотира ёзиш мен учун жуда оғир бўлди.

Дадам раҳматли айтганидек, бизнинг шажара, яъни авлодимизда илмли, қори, отинойилар кўп ўтган. Энамиз Норинса она отинча бўлган. Акам Мўминжон Маъмуроғ биз учун бизнинг ким эканлигимизни билдириб турувчи шажарамиз гултожи, авлодларимиз ойнаижаҳони бўлган.

Оилада тўққиз фарзанд камол топдик. Акам энг каттаси бўлиб, биз учун ҳаёт мактаби бўлган. Ёшлигимиздан бизга ҳалоллик, инсонийлик, маънавий баркамоллик, теран фикр сохиби

бўлишимизда, адабиётни, ҳаётни севишимизда акам Мўминжон Маъмуронинг таъсири жуда катта бўлган. Бугунги кунда оиласизда йигирмадан ортиқ фан ўқитувчиси, етти нафар филология ўқитувчиси, икки нафар шоира қизимизнинг ёш авлодга тарбия беришида акам Мўминжон Маъмуронинг роли бекиёсдир.

Акам сўнгги пайтларда араб тили грамматикасини, таржима луғатларини пухта ўргангандарди. Оилавий сұхбатларда бизга Куръони Карим оятларини сўзма-сўз таржима қилиб тушунирар, англаб ўқишимиз кераклигини уқтиради. Бу қадар илми билан бизни лол қолдирав эди. Улкан илм соҳиби, меҳмондўст, меҳрибон, давраларнинг гултожиси санаған инсон бугун орамизда йўқлиги бизни қаттиқ қайғуга солмоқда. Ўзини эмас, халқи, она-Ватани равнаки, фарзандлари камоли учун тинмай меҳнат қилган инсонни доимо қабрлари нурга тўлсун.

Акам ҳақида жуда кўп хотиралар ёзиш мумкин. Акам бебаҳо инсон эди. Кичик кўнгиллик, камтаришлик, инсонларварликни эзгу ният қилиб яшади. У киши ҳамиша бизнинг фахримиз бўлиб қолади.

* * *

Озодбек ҳожи Абдураҳмонов (кудаси)

Мўминжон билан танишганимизга узок йиллар бўлган. Бирга дўст бўлиб юриб, кизи Ҳулкаройни келин қилганман.

Мўминжонда ўзига ярашган викор, бағрикенглик, вазминлик хислатлари мужассам эди. Ундаги ижодкорлик фарзандларига ҳар соҳада бир шингилдан ўтган десак янгишмаймиз.

Бир куни катта бир даврада ўзаро сұхбатлашиб ўтирадик. Мўминжон кўп китоб ўқиганлиги учун сўзамоллиги, ҳозиржавоблиги билан ажралиб турарди. Савол-жавоб шу қадар қизидики, баҳсга қатнашмаётган дўстлар ҳам кўшилиб кетишли. Саволлар энди Мўминжонга берилар, у эринмай жавоб қайтарарди. Саволларнинг сўнгтиси берилганида, Мўминжон энди бир пиёла чойни оғзига олиб борган, саволдан чарчаганини сездирмай ёки “бас, энди мен жавоб бермайман”, дейиш ўрнига “кўп билганга ҳам қийин экан-да” - дея, саволга жавоб берганди.

Мўминжондек инсонлар ҳаётда жуда кам учрайди. Мўминжон ҳамиша қалбларда мангу яшайди.

* * *

Таваккал Топволдиев
(Ўзбекистон "Нуроний" жамгармаси
Андижон вилояти бўлими раиси)

Комсомолобод тумани янги ташкил топганда мен туман ҳокими, Мўминжон "Комсомолобод тонгги" газетаси муҳаррири этиб тайинланди.

Чўлни обод қилиш учун ҳаммамиз бел боғлаганмиз. Мўминжон ободончилик ишларига катта ҳисса кўшган. У гуллар ўстиришни, экин экишни хуш кўрарди. Масъулиятли, каттага – каттадек, кичикдек, халқ орасида кўзга кўринган инсон эди.

Қачон Улугнор туманига бориб қолсан, туман ҳокимлиги олдида ўз чирои билан бинога кўрк кўшиб турган бир жуфт мажнунтолдек тут дараҳтини кўриб Мўминжон ёдимга тушади.

Халқимиз "Яхшидан боғ қолар", деб бежиз айтмаган.

* * *

Юсуфбек Мўминжон ўғли
("Шаҳриҳон" газетаси мухбари, шоғирди)

Мўминжон ака Маъмурони 40 йилдан буён биламан. Илк ишга келган пайтимдаги устозларимдан бири бўлиб, ҳарбий хизматдан қайтганимдан сўнг у киши мени Улугнорга ишга таклиф килган эди. 1976-1981 йиллари чўлда, ўша даврлардаги оғир шароитларда бирга ижод қилдик. У менга масъул котиблик сирларини ўргатиб, университеттага ўқишга кириб, журналист бўлишимга ҳам туртки берганди.

Устоз дилкаш, қувноқ одам эди. Асқия, латифаларга ўч бўлганлиги учун ҳам биз, ижодий ходимларнинг ҳар бир гурунгимиз мароқли ўтарди. Иш юзасидан эса жуда талабчан эди. "Журналистнинг хато қилишга ҳаққи йўқ", дея таъкидлашни канда қиласди.

* * *

Баҳодиржон Маъмурон
(ўғли)

Мен оиласда ягона ўтил фарзанд бўлганлигим учун дадам катта суюнчигим эди. Гоҳида дўст бўлиб айрим масалаларда сухбатлашсак, гоҳида устоз, гоҳи ака бўлиб, ҳаётнинг турли хил

вазиятларида ўзининг пурмаъно маслаҳатларини бериб мени тўғри йўлга бошлар эди. Ҳамиша тўғри, яхши инсон бўлишга, бирорининг ҳаққига хиёнат қилмасликка ўргатган.

* * *

Ҳамдамбек Фозиев

(Шаҳриҳон иқтисодиёт коллежи ўқувчisi)

Биз 22 набира Мўминжон бобомни жуда яхши кўрардик. Чунки, бобом ҳар томонлама биз набираларига ўрнак бўлувчи инсон эди. Бирор мавзуда савол берсак, соатлаб вақти кетса-да тушунтириб берарди. Бизни спортга, фанга, ҳатто ҳайвонларга меҳр билан қарашга ўргатарди.

Эшиқдан кириб борсак, “Набираларим келди” деб жуда курсанд бўлиб кетарди.

Опоқим бизни ўқишиларга кириб, ҳаётда яхши инсон бўлишимизни хоҳларди. Оллоҳ насиб этса биз - набиралар Мўминжон Маъмуроғ номига мос фарзандлар бўламиз.

* * *

Муazzзамой Озодбекова

*(набираси, Жаҳон тиллари
университети, 2-босқич талабаси)*

Жаҳон тиллари университетига ўқишга ҳужжат топширдим. Мандатдан ўтгач, биринчи суюнчини бобомдан олишга чоғландим. Хабарни эшишиб, бобом жуда курсанд бўлди. “Мана ургимизда ўқитувчиларнинг тўртинчи авлоди бошланди”, дедилар. Аъло баҳоларга ўқиб, келажакда яхши ўқитувчи бўлишимни таъкидлади.

МҮМИНЖОН МАЪМУРОВ
ДЎСТИМ МЕНИНГ - АЗИЗ ОДАМЛАР
ЁНАЁТГАН ҚУШ

(Тарихнинг биз билмаган саҳифалари)

Марказий телевидение кўрсатувидан:

“Сталин репрессияси минглаб, миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Мен уни ҳалқаро судга топширишни таклиф киламан”.

“Менимча, репрессия даврида одамларга азоб берганларни эл-юртга таништириб қўйишнинг ўзи кифоя”.

“Репрессияга учраганларга ҳайкал қўйишимиз керак...”

Шахримиздаги Асакинская 2-торкӯча, 18-ўйда истиқомат килувчи, пенсионер Абдувойит Қобуловнинг ҳикояси:

- Мен асли Қобулов отанинг, яъни Абдуллајон акамнинг акасини ўғлиман. Лекин ёшлигимдан Абдуллајон акамнинг тарбиясида бўлганман. Шунинг учун кўпчилик мени унинг ўз укаси деб билишади.

Акам ва бизнинг уйимиз ҳозирги 1-пахта заводи ёнида бўлган. Ҳозирда бузилиб йўқ бўлиб кетди. Акамдан ҳам ном-нишон колмади. “Қобулов ота”, деса бутун республика танириди у одамни. Унинг ҳақида ҳатто қўшик битилган пластинкалар ҳам чиқарилган.

Акам то бизнинг Асакаларга озодлик шабадаси етиб келгунча Миршариф бойнинг ерида чорикорлик қилган. Унинг оға-инилари Тошмат ака, Исройл ака, Мухаммадёқуб акалар камбағал-дехқон бўлишган.

Акам 1918 йилда милиция отрядига кирди. 1924 йилдан аввал волост, кейин район ижроя комитетига раис бўлди. Кейин республикага кўтарилиди. Районимиз Кува билан бирлашганда раисполкомга раислик қилди.

Аниқ эсимда 1937 йилнинг охирлари эди. Мен бу пайтда Асакадаги кишлоқ хўжалик техникумидаги ўкирдим. Ўша пайтда “халқ душмани” деб жуда кўп раҳбарларни қамоққа олишаётган эди. Акамният ишдан бўшатиб кўйишган, уни ҳам бугун-эрта олиб кетадигандай туюлди. Мен индамасдан Тошкентга жўнадим. Тўғри Охунбоев отанинг олдига кирдим. Йўлдош ота Асакага кўп келган, акамни яхши танир эди.

- Акамни сақламасангиз бўлмайди, ота, - дедим унга.

Ота анча ўлланиб туриб:

- Ўғлим, сенга ростини айтмасам бўлмайди, Абдуллажонга ёрдамият тегиши қийин, ҳозир замон нотинч. Ҳафа бўлма, акангга айт, ўзини эҳтиёт қилсин, - деди.

Үйга келсан, акам айвонда ўй сурисиб ўтирибди.

- Ака, - дедим мен, - ишдан бўшаганингиздан хафамисиз?

- Нимага ундан дейсан. Ахир мен камбағал-дехкон боласиманку, анкетамда ҳам шундай деб ёзилган.

Акамни олиб кетган кун ҳеч эсимдан чиқмайди. 1938 йил январь, пайшанба куни эди. Акам мени гўшт олиб келишга буюрди. Кўчага чиқсан, ўша пайтдаги район прокурори Ҳамрабоевни НКВДнинг одамлари олиб кетяпти. Шоша-пиша гўштни олиб уйга қайтдим. Келибок Ҳамрабоевни олиб кетишаётганини айтдим.

Акам “а-а”, деди холос. Орадан бир соатлар чамаси ўтмай уч киши бизнинг уйга кириб келишди. Уйни ағдар-тўнтар килиб тинтуб килишди. Марказий ижрокомдан совға қилинган милтикни, ССРР ижроия комитети аъзоси деган кўкрак нишонни ва бир қанча хужжатларни олишиб, акамни олдиларига солиб чиқиб кетишиди.

Онам “дод” деб колди. Ҳаммамиз йиғладик. “Йиғламанглар, ҳақиқат аниқланади, қайтиб келаман”, деди акам.

Ўша кетган бўйи акамни кўра олмадик. Андижон қамоқхонасида ётди. Опам, аям, мен - кўпчилик кўргани бордик, аммо бирор марта ҳам кўролмадик, учрашгани рухсат беришмади.

Эски уст-бошларини қайтариб беришганида иштонбогига хат ёзиб чиқарган, “Мен соғман, ташвиш тортманглар, эшик олдидаги сўритокни бузиб юборинглар”, деган экан. Омонатгина қилинган сўриток бор эди, бузиб юбордик. Нимага бундай деганини ҳалигача тушунмайман. Қирқинчи йилда Ҳожи ака деган бир асакалик киши келиб “акангизни Андижон вокзалида, иккита милиционер вагонга олиб чиқиб кетди”, деди. Акамдан келган охирги хабар шу бўлди.

Акамнинг иккита ўғли бор эди. Катта ўғли Мадаминжон 1943 йилда немис-фашистларига қарши курашга кетиб кайтиб келмади. Кичик ўғли Турсунбойнинг ҳам умри қисқа экан. Катта бўлиб уйланиб-жойланди-ю, аммо ўзиям, хотиниям, болалари ҳам узок яшай олишмади. Умуман акамдан асар қолмади. Аям бечорани кичик ўғли Турсунбой билан уйдан хайдаб чиқаришди. Маркс колхозининг 10-бригадаси дала шийпонида бир неча йил яшади. Кейин уй-жой қилишдию, лекин эзилиб кетган эканми, билмадим, қазо қилди. Майрамхон аям “халқ душмани”нинг хотини бўлиб кўп азоб чекди.

Мен ҳам ўша пайтда – 1938 йилда техникумда ўқирдим. Техникумдан ҳайдашмоқчи, комсомолдан ўчиришмоқчи бўлишди. Аммо техникумда Илёсова, Аюпова деган фаол комсомолларимиз бор эди, ўшалар мени сақлаб қолишли.

Кейинги йилларда колхозларда, МТСда агроном бўлиб ишладим. Тошкентта раислар тайёрлаш курсига 4 кишини ўкишга жўнаташди. Ўкишдан келгач, З та шеригим колхозга раис бўлди, мен яна “халқ душмани”нинг укаси бўлиб четга сурилдим. Йигирма беш йилдан ортиқ агрономлик қилиб, нафақага чиқдим.

Қобулов отанинг номи билан иккита колхоз бор эди ўшанда. Қобулов ота республикада донғи кетган дехқон, пахтакор, эл севган раҳбар эди.

**“СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1989 йил 11 январь
№ 4-Н-3257/58 номерли**

С П Р А В К А С И

1938 йил 13 январь - қамоққа олинган қунгача Ленин район ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаган Қобулов Абдуллажонни айблаш буйиг'и иши СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан 1958 йил 2 сентябрда қайта кўриб чиқилди.

Қобулов Абдуллажонга нисбатан Ҳарбий коллегия томонидан 1938 йил 14 октябрда эълон қилинган ҳукм қайта кўриб чиқилиб составида жиноят бўлмаганилиги учун иш бекор қилинди.

Қобулов Абдуллажон вафотидан сўнг оқланди.

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси секретарининг бошлиғи, юстиция полковниги

А. НИКОНОВ”.

1958 йилда у оқланди. Аммо бирор жой унинг номи билан аталгани йўқ. Ленинск шаҳримизнинг 50 йиллик тўйида ҳам ўша оғир йилларда меҳнат килган, шаҳар ташкил топишида жонбозлик кўрсатган Маҳсум Икромов, Абдуллајон Қобуловларнинг номлари тилга олинмади. Мен акамнинг босган излари йўқолмаслигини истайман. Ўз кўли билан пойдеворини қўйган шаҳардаги 5-мактаб, колхозлар, кўчалар Қобулов номи билан аталишини истардим. Ҳакиқат рўёбга чиқаётган кунларда ҳалқ хизматида жон фидо этгану аммо номи “қора”га чиқкан акам каби кишилар оқланаётганидан хурсандман.

Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги Меднат Қизил Байроқ орденли партия тарихи институти – КПСС МК ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти филиали берган

АРХИВ МАЪЛУМОТИ:

Қобулов Абдуллајон - ЎзССР, Ленин райони, Асака қишлоғида 1893 йили туғилган, 1925 йил августдан партия аъзоси, институтнинг партия архиви ҳужжатларига асосан у қўйидаги вазифаларда ишлаган:

1905 йил октябрдан 1918 йил декабргача Туркистон ўлкаси, Фарғона область, Марғилон уездининг Асака қишлоғида муштумзўр бой қўлида батрак-чоракор;

1918 йил декабрдан 1920 йил декабргача – милиция отрядида қизил партизан;

1921 йил январдан 1922 йил декабргача дехқон ва почтальон;

1923 йил январдан 1924 йил октябрғача “Қўшчи” союзининг раиси;

1924 йил октябрдан 1928 йил декабргача волост ва район ижроия комитетининг раиси;

1928 йил декабрдан 1930 йил майгача Зеленский районлараро пахта союзининг раиси;

1930 йил майдан 1930 йил октябрғача Андижон шаҳар округ ижроия комитетининг раиси;

1930 йил октябрдан 1932 йил декабргача ЎзССР ер ишлари ҳалқ комиссарининг ўринбосари;

1933 йил февралдан 1934 йил декабргача Кува район ижроия комитетининг раиси;

1935 йил январдан 1937 йил октябргача Ленин район ижроия комитетининг раиси;

Қобулов Абдуллајон 1929 йилдан 1937 йилгача СССР Марказий Ижроия Комитетининг аъзолигига сайланган;

У 1925–1937 йилларда Скобелев область партия комитетининг Пленуми аъзоси; 1925–1930 йилларда Скобелев шахар комитети Пленуми аъзоси; 1925–1930 йилларда ЎзКП(6) Марказий Комитетининг аъзоси; 1927–1930 йилларда Андижон округ партия комитетининг Пленум аъзоси; 1927–1930 йилларда Зеленский район партия комитети аъзоси; 1933–1935 йилларда Кува район партия комитети аъзоси; 1935–1937 йилларда Ленин район партия комитетининг бюро аъзоси лавозимларига сайланган.

Кува районида пахта планининг ошириб бажарилғанлиги учун у ЎзССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ комиссарлари томонидан дастхат битилган курол билан мукофотланган.


Директор ўринбосари:

К. Фозилхўжаев.

Кува районида яшовчи, 54 йил ўқитувчилик қилиб, ҳозирда хузур-ҳаловатда яшаб келаётган етмиш беш ёшли онахон Тожихон Сиддикова шундай ҳикоя қиласди:

- 1936 йилда Асака билан Кува райони бирлашди. Шунда район ижроия комитети раиси бўлиб Қобулов ота ишларди. Унинг оти Абдуллајон aka эди-ю, аммо ҳамма Қобулов ота дерди.

Ота Кува зонасида жуда катта ишларни бажарди. Айниса, мактаб-маорифни ривожлантиришга катта ҳисса кўшиди. Мехнатобод қишлоғига ўқитувчи эдим. Ўқитувчиликдан ташқари комсомол ташкилотининг секретарлигини қиласдим. У пайтларда комсомол кучли эди, кундузи мактабда ишласам, кечалари уйма-уй юриб хотин-қизлар ўртасида ташвиқот ишларини олиб борарадик. Асосий мақсадимиз хотин-қизларни тўрт девор орасидан олиб чиқиш, колхоз меҳнатига жалб қилиш эди. Мен бу ишда фаол катнашганимдан сўнг, район комсомол комитети, кейинроқ бюро аъзолигига сайлашди.



Ўша пайтларда Қобулов отанинг кўзига тушганман. Бир куни чақириб, мени “женотдел” бўласан, деди. Ўша пайтларда районда шунака вазифа бўларди. Кейин “женотдел”да ишларимиз кўпайиб, фаоллашиб кетди...

Мен Қобулов отани шу икки йил (1936-1937 йиллар) давомида бирга ишлаб, таниганман. У киши ҳеч качон ҳалққа душманлик қиласидаги одам эмасди. Биз ўзимиз ҳам хайрон бўлардик, ҳар куни бир-иккита раҳбарни қамоққа олиб кетишарди.

Шоматов Ҳасанбой деган райкомсомолнинг биринчи секретари бўларди. Бир вакт у йўқолиб қолди. Анча вақт ўтгандан кейин Тошкентта мажлисга борувдим, Шайхонтоҳурдаги чойхонада уни кўриб қолдим. Шапкасини бостириб, чой ичиб ўтирган экан. Мен унинг олдига бориб сўрашдим. “Қочманг, боринг, сизга ҳеч ким ҳеч нарса демайди”, дедим. У бечора менинг гапим билан районга қайтиб келибди. Ўша куниёқ уни қамаб, йўқотиб юборишибди. Ҳали-ҳали менга алам қиласди.

Ҳа, ўтмишда хатолар кўп бўлган. Ўзимиз кўрган, дилдан ишонган раҳбарларимизни ҳам сақлаб қололмаганимиз. Мана энди, ҳаммаси оқланяпти...”

Асакада яшаб, меҳнат қилган ёши етмишга етган кишилар билан сухбатлашсангиз, ҳаммаси Абдуллажон Қобулов ҳакида яхши гапларни гапиришади. “Асл дехқондан чиққан раҳбар, республиканинг уста пахтакори эди” дейишади. Аммо, аммо, аммо...

“Шуҳратпараастликка муқасидан кетган “доҳий” шундай бир амал гулханини ёқдики, унда одамлар – Сталиннинг алаҳлаган амалдорлари пуч хаёли оқибатида пайдо бўлган сонсаноқсиз “душман”лар – бегуноҳ одамлар жизғанак бўлиб, кули кўкка совурилиб кетди...”

“Совет Ўзбекистони” газетаси, 1989 йил 1 февраль сони. “Жабрдийдалар беному нишон кетмайди” мақолосидан.

Қора шарпа: Мен сизга бир нарсани айтиб қўяй. Ўша ўттизинчи йилларда бир редакторимиз бор эди. Ўт юракли йигит эди, ҳеч нарсадан қўркмай пораҳўр, дангаса, маҳаллийчиликка берилган раҳбарларнинг шармандасини чиқаради. Ҳушёр бўлинг, деб кўрдик, бўлмади. Учтамиз бир бўлиб устидан ярим варак хат ёздиқ, холос, бир кечада йўқ бўлиб кетди. Маҳсум Икромов, Абдулла Қобулов, ҳе-ҳе, қанча-қанча мемман, деганларни ана

шундай кунпаякун қилғанмиз. Аммо биз яшәпмиз. Ҳа, ҳа, ука, сизга насиҳатимиз шуки, ҳушёр бўлинг...”

Ҳозирги шарпа: Қайта куриш деб ўзимизнинг этагимизни ўзимиз очавермайлик, ука. Бигта фелъетон ёзадиган бўларди, ўн йил шол бўлиб ётиб, оламдан ўтиб кетди. Сиз ҳам ҳушёр бўлинг...

Шарпалар: Ҳамиша яхшиларнинг гўрига ғишт ташиб юрувчи, ўз нафси ўпкони олдида ҳар қандай ҳақиқатни сариқ чақага сотувчи шарпалар ҳамон яшамоқдалар. Улар мисли зарпечакдек ялтироқdir, аммо жамият қони билан кун кечиравчи зулуклардир. Улар ўз ранги-тусини лаҳзада ўзгартириш кобилиятига эга бўлган буқаламунлардир. Ўша машъум репрессия даврида ҳалқ учун хизмат қилган, эннинг дурдонаси бўлган олиму фозил, шоиру доноларни киргингарот қилган кишилар билан “тургунлик” деб аталган кунларимизда кўнгилга келган ишни бажарган, қанча-қанча ҳақиқатгўйларни азоб-уқубатларга дучор қилган, пулдор, амалдорларнинг томирлари туаш эмасмикан? Ҳар иккаласи ҳам жамият дарахтини кемиравчи курт-қумурскалар, ичи тўла фиску фасод, ҳasad, кўролмаслик касалига дучор бўлган, инсон кўз ёшлари, изтиробларини амал курсисига алмаштирганлар эмасмикан?...

“Қакнус бир умр сайраб юриб, ўгин (чўп) теради. Кариғанида ўзи йиққан ўтин хирмони устида жуда ғамгин бир ун тортади, куйлади. Унинг бу куйини эшитиб ҳамма ҳайвон ва қушлар йигилади. Қакнуснинг куйидан кўп жоноворлар ҳалок бўлади. Охирида шундай бир отасин куй куйлайдики, бу куйдан у улуғ хирмонга ўт тушади. Қакнус ўзи сайраб туриб шу ўтда ҳалок бўлади, унинг ва хирмоннинг ўрнида факат кул қолади.

Аммо шу колтан кулда “бир Қакнусбача (Қакнус боласи) яшириниб олади. У бош кўтаради, ўз отасидек яшайди ва умри охирида у ҳам ўзини отасидек куйдиради, кулидан яна янги жўжа Қакнус пайдо бўлади экан”.

“Навоийнинг қалб дафтари” – *Иzzat Султон (66-67-бетлар)*.

Ёнаётган күш – Қакнус, сен ҳақиқат деб, эл-юртинг, сенга ёруғлик кун берган озод давлатинг деб хизмат қилиб охирида тухмат ила ёниб кул бўлган минглаб Қебулов оталарнинг рамзи эмасмикан?

Ёнаётгани күш, сен бугун ҳам ўз умрини ҳақикат йўлига тиккан эл-улуснинг ғами бирла куйиб кул бўлаётган фидокорларнинг йўлини ёритувчи машъала эмасмикан?

Юракларимиз ёнсин, гуриллаб ёнайлик, шу даражада кучли ва даҳшатли ёнайликки, бу азиз тупроғимизда ҳар қандай тур ва шакллардаги соялар, шарпалар бўлмасин.

М. МИРЗА,
Асака туман “Ленин йўли” газетаси.
1989 йил, 24 февраль.

ХАЁСИЗДА ИМОН ЙЎҚ

Наврўз байрами кунлари набирам Ҳамдамбек билан Андижон шаҳридаги Навоий номли маданият ва истироҳат боғида сайдиб юрибмиз. Бое дарвозасидан то бургут кўниб турган ҳовуз лабигача одам. Етти ёшдан етмиш ёшгача дегандек, ҳамма ясанган, күшчақчак, болалар қийқириғи, қизларнинг хандон стиб кулишлари, осмондаги ранг-баранг шарлар, чараклаб турган қуёш... Ҳамма-ҳаммаси гўзал, завқ-шавқли.

Каруселлар айланади, осмонга учади, қайтади. Ҳамдамбекнинг ўзибоп, энг кичик каруселга бордик. Икки кишилик ўринидикка набирамни ўтқаздим. Ёнига набирам тенгли қўғирчоқдек қизча ўтириди. Карусел айлана бошлади, секин-секин тезлади. Ҳамдамбек ўринидик четини ушлаб қизалоқка ёнбош килиб, калласини бошқа томонга буриб то карусел тўхтагунча қилт этмай ўтириди.

Ўйин тугагач, ҳовуз томон юра бошладик.

- Ҳамдамбек, ўғлим, нега ёнингдаги қизалоқка тескари қараб ўтириб олдинг? - атаяй сўрадим ундан.

- Ҳа...

- Нима, қўрқдингми? Танишиб ҳам олмадинг...

- Уятдим-да.

Ҳамдам бола “уятдимда” деган калимани зўрга, кийналиб чиқарди, юзлари қизариб ҳам кетди. Юрагимда бир покиза силкиниш, ёзги шаббода каби ёқимли хис пайдо бўлди. Олти ёшлик набирамнинг “Уятдим-да” дегани, уч дақиқа ёнидаги қизалоққа тескари қараб ўтиргани энди униб чиқаётган майса-неварар қалбидаги “ҳаё” нихоли эканлигидан суюндим.

Ҳаммамизнинг покиза қалбимизда болалигимизданоқ ҳаёс куртаклари уна бошлаган, уялиш, ор қилиш, номус... Ҳаёning барқ уриб турган шохлари каби инсон деган буюк маҳлуқотни яхшиликлар сари етаклаган, ёмонликдан қайтарган.

БИРИНЧИ ПАЙГАМБАРЛИК СЎЗИ...

Ҳадиси шарифда айтиладики, пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳи алайҳи вассалам: “Одамлар англаган биринчи пайғамбарлик сўзи шулки, агар уялмасанг, нима хоҳлассанг шуни қилгин”, деганлар.

“Ҳаё - имоннинг ярмидир”, дейилади мұқаддас китобларда ва у инсонни ҳамиша зэгу-ниятларни амалга оширишга етаклайди, ёмонлик ва ёвузылкдан қайтаради. Ҳаёсиз киши ҳар кандай қабиҳликни қиласверади, қылган ишларидан уялмайди, ор этмайди.

Имом Бухорий ривоят қиласверади, бир киши иккинчи кишини ҳаёга даъват этаётганларида Мұхаммад (с.а.в) айтибидилар: “Уни ўз холига қўйинг, ҳаё - имондандир”...

Ёшли, қарими, йигитми, қизми, ким қайси ёшда бўлишидан қатъи назар ҳаёли, иболи бўлишга мажбур. Бу ҳар биримизнинг мұқаддас бурчимиз. Ҳаё бўлмаса, имон йўқ, имон бўлмаса, мусулмон йўқ, дегани эмасми?

Шахримиз кўчаларида, бозор, гузарларда, автобус бекатларида бақириб-чақираётган, бир-бирини еб қўйгудек дағдага билан сўкинаётган кишиларни баъзан учратиб қоламиз.

БЕХАЁ СЎЗЛАРДАН АСРА, Аллоҳим!

Гапларни эшитиб, кўнглингиз ағдар-тўнтар бўлади, “томи кетган”, “ифлос”, “ҳароми”, “ҳарф” ва шунга ўхшаш ёмон сўзлар bemalol нутқ қасримизни бузиб кириб келмоқда ва шу беҳаё сўзлар ҳеч тортинмасдан одамлар орасида баралла айтилмоқда. Жаҳли чиккан йигит-қизларни-ю бир ёқка қўйиб турайлик, соч-соқоли оқарган, аммо ҳалиям ўзини кўча боласиман, деб юргувчи катталаримиз, қатор-қатор невараларнинг бувижониси бўлган сержаху онахонларимиз тилларида ҳам ўша беҳаё сўзлар айланиб қоляпти. Имом Абулҳасан Алмавруду ҳаёни учга бўлганлар:

- 1) Аллоҳдан ҳаё қилиш;
- 2) одамлардан ҳаё қилиш;
- 3) инсон ўзидан ҳаё қилиш.

Абдуллоҳ ибн Маъсүд ривоят қиласиларки, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) марҳамат қиласилар: “Аллоҳ таолодан чин хаё қилинглар!”. Шунда саҳобалар: “Бизларнинг чин хаё қилишимиз қандай бўлади?” деб сўрадилар. Пайғамбаримиз (с.а.в) шундай дедилар: “Кимки бошини ва ундаги кўз, кулоқ ва бурнини, корин ва унинг атрофидаги аъзоларини турли ҳаром ишлардан ҳифозот айласа ва бу дунё зийнатини тарқ этиб, ўлим ва азоби қабрни ўйласа шул киши Аллоҳ таолодан чин хаё қилган бўлади”.

Якинда бир танишимнинг таъзиясига бордик. Ўша ерда, яъни марҳумнинг жанозаси ўқилаётган жойда: “Уйларини каая, амир Олимхоннинг саройи-ку”, деди бирор шеригига. Униси: “Ҳа, энди бунча иморатни пешона тери қилиб солмаганда, ҳаромдан топган пуллар эвазига”, деб жавоб берди. Бу икки ҳасадчининг сук кўзлари уйда, бойликда, беҳаёлик билан марҳум устидан иғво ёғдирмокда эдилар. Ҳаммамиз ҳам шундай ҳолатларни кузатяпмиз. Бирорнинг ҳовли-ҳаятига паст назар билан, сук ва беҳаёлик билан қаровчи кишилар орамизда бор.

Донишмандларимиз айтадиларки: “Бирорнинг уйига бокма, бемаҳал эшигини қўкма”, яъни “бирорнинг оиласига, хотин-кизига ёмон назар билан қарама, кўз олайтирма, акс ҳолда сенинг оилангга бундан ҳам баттаррок кўз олайтирадилар”.

БЕҲАЁ КЎЗЛАРДАН САҚЛА, АЛЛОҲИМ

Дастурхон ёзилганда, турли издиҳомларда, тўй-маросимларда сұхбатимизнинг тўқсон фоизи иғводан иборат бўлади. “Фалончи - бой бўлди”, “Фалончи гадо бўлди”, “Фалончи хор бўлди”, “Фалончининг қизи бузилди” каби фисқу фасод тўла сўзлар даврани ўрайди. Бирортамиз туриб “Ҳой, биродарлар, келинглар, яхшилиқдан гаплашайлик, зора яхшиликлар кўпайса”, демаймиз. Сукут, сукунат... Бошимизни эгиб, ҳар қандай буйруқка “жон” деб итоат этишимиз кераклиги қонимизга сингиб кетган.

Сұхбатларда яхши одамлар, турли истеъодли кишилар, санъаткор, рассом, шоир, ҳунармандлар, масалан: боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев, шоир Муҳаммад Юсуф, санъаткор Шерали Жўраев, шахматчи Рустам Қосимжоновларнинг ҳаётини ибрат қилиб гапирсак бўлмайдими?...

Ҳеч бўлмаса, маҳалламиздаги ҳаёли, одобли ёшлар, пиру бадавлат кексалар ҳакида гаплашсак, қандай улуғ иш бўларди.

Маъракаларда эшитилган гап уйга етиб, ёшларимиз қулогига киради. Уларда ҳавас уйғотарди. Набирам Ҳамдамбекнинг қалбидаги энг покиза хиссиёт уялиш каби ҳаё уруғлари ёшларимиз юрагида барк уарди.

М. МАЪМУРОВ.
Асака шаҳар “Асака оқшоми” газетаси,
2005 йил, 15 апрель.

ИЖОДКОРНИНГ ЮРАГИ БУТУН

Шаҳар боғининг икки тарафи йўлакча. Юриб борар эканман шеър ўқидим:

Воажаб икки кўзим икки томонни илгамас,

Ўзи икки бўлса ҳам икки навода йиғламас.

Мисли икки кўз эрурмиз сен йиғласанг, мен бунда қон,

Сен агар кулсанг мабодо, дилга нур тўлгай, ишон!

ҚАЛБИМДАГИ ОДАМЛАР

Жим қулоқ солиб кетаётган ҳамроҳимдан сўрадим:

- Хўжа бола, айтинг-чи, бу назм ғунчаси кимники?

Хўжа бир лаҳза ўлади ва:

- Бу назм ғунчаси Навоийники, - деди.

- Йўғ-э..., - дедим.

- Адашдим, сал даража пастрок Эркин Воҳидовники бўлса керак, - деди.

- Йўғ-э..., - дедим.

Хўжанинг кўзлари чараклади:

- Топдим, бу шеър ғунча экан, ҳали очилмаган, хом нарса-да, хом..., билдимки бу пишмаган нарса сизники!...

- Топдингиз, - дедим.

Бараварига мирикиб кулдик.

Ана шу сухбат бўлиб ўтганига ҳам роса қирқ йил тўлибди. Аммо, Обидхўжанинг шумгина кулиб турган чехраси ҳамон кўз олдимда. Обиджон “Янги ҳаёт” таҳририятига ўнинчи синфни битирибօқ ишга келган экан. Орадан ўн беш кун ўтгач мен келибман. Таҳририятдаги энг кичкина лавозимлар бизда. Аммо, газетада ишлаётганимиз қанчалик юрагимизни гупиртираётганини ўзимиз билардик.

Ишга қабул қилинган кунимнинг эртасига Обиджон билан иккаламизни Холдевонбекдаги “Шарқ юлдузи” колхозига ғўза парвариши тўгрисида танқидий мақола тайёрлашга жўнатишиди. Уриниб-суриниб, йўловчи машиналарда колхозга етиб бордик. Идора қоровули бизни илиқ кутиб олди, шўрва, чой борлигини айтди. Хўжа секин қулоғимга “кетдик, шўрвасини ичсан, қандай қилиб танқид қиласми”, деди. “Тўғри”, дедим мен ҳам. Йўлга тушдик, бирор соат пиёда юрганимиздан сўнг қолок бригадага етиб бордик. Сув босган пайкаллар, тўхтаб турган трактор, қаровсиз шийпон... Хуллас, танқидий мақолага етарли далилларни олиб, орқага қайтдик. Обиджон шаҳарлик бўлгани учунми, йўлни кисқасига олди. Пиёда, кирк даражадан юкори иссиқда, тупрок дала йўлида терлаб-пишиб икки мухбирча келяпмиз. Ва ниҳоят “Байрок” деган кишлоққа келибмиз. Бу ерда тожиклар яшаркан. Кўчада ҳеч ким йўқ. Бир болакай уйидан югуриб чиқиб қолди. Ўша болага икки оғиз тожикчаладим. Битта иссиқ нон, бир чойнак совук чой олиб чиқди. Хўжа аввалига “нон сўраманг, гадоймизми”, деди. Аммо, нонни синдириб кўлига берганимда индамай олиб, кавшанди. Ахир ёз куни, соат тўртлар чамаси, очмиз, чарчаганмиз.

Ўша куни Обидхўжа Турсунов билан дўстлигимиз бошланди. “Янги ҳаёт” деган улуғ даргоҳда саккиз йил бирга ишладик. Бу орада ҳар иккаламиз сиртдан ўқиб журналист дипломини олдик, кичик ходим, катта ходим бўлиб, амалларимиз кўтарилиди. Устоз Зокиржон Шарафутдинов раҳбарлигида қаламимиз қайралди. Лавҳа, очерк, фельетонлар, турли мавзулардаги мақолалар биринкетин бизни элга таниди. Кечалари ҳам ишлай бошладик. “Районимизнинг бир куни”, “Районимизнинг бир туни” каби янги саҳифалар пайдо бўлди. Таҳририят жамоаси бақувват бўлиб борди. Обиджон Жуманазаров, Эргашбой Деконов, Бурҳонжон Отажонов, Сотволди Шарафутдинов каби ижодкорлардан журналистика сирларини ўргана бошладик. Айниқса, масъул котибимиз Абдуфаттоҳ Абдураҳимовнинг қаттиққўлиги бизда масъулиятни кучайтирди, ҳар бир гап, ҳар бир сўз эмас, балки бирорта нукта, вергулда ҳам хато қилмаслигимиз кераклигини ўргатди.

Ўша йиллари “Янги ҳаёт” газетаси вилоятдагина эмас, республикада ҳам кўзга кўринарли ижодий жамоа хисобланарди. Муҳарриримиз тилиям, дилиям тўғри, ўз соҳасининг пири, улфатларнинг гули зди. Зокиржон акамизни йўқлаб жуда кўп

ижодкорлар келиб турарди. Бир куни республикадан катта журналистлар келди. Чойхонада дастурхон ёздик. Улар битта сўрида, биз ёшлар чеккароқдаги сўрида ўтиргандик. “Катта” лардан бирининг пайпоги йиртиқ экан. Обидхўжага уни кўрсатиб “Қаранг, ўшаларчалик катта журналист бўлганда ҳам пайпогимиз янги бўлмас экан”, дедим. Хўжа кулиб, “дўстим, пайпогимиз бир умр йиртиқ бўлса бўлсин, юрагимиз бутун бўлсин” деганди. Ҳақиқатдан журналистнинг юраги бутун бўлсин. Машхур ёзувчимиз Абдула Қаххор айтганидек, “Ижодкорда истеъдоддан ташқари юрак ҳам бўлиши керак”.

Бугун устозларимиз Зокирjon Шарафутдинов, Абдуфаттоҳ Абдураҳимов, дўстимиз Обидхўжа Турсунов каби қалбимиздаги азизларимиз орамизда йўқ. Улар юраги бутун журналистлар эдилар. Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин.

Шаҳриён тумани, “Янги ҳаёт” газетаси.
2009 йил, 25 июнь.

“ОХИРГИ БОР ИЛТИМОС ҚИЛАМАНКИ...”

(Эллик беш йилдан сўнг кўришилар)

МУҲАРИРГА ХАТ

Хурматли муҳаррир! Бу мактубни сизларга умид билан ёздим. Мактубимни газетада чоп этсанглар. Зора бирор яқинимдан дарак бўлиб қолса.

Мен, Марайимжон Кўчкоров 1928 йилда Андижон обlastining Шаҳриён районида туғилганман. 1934 йилда онам вафотидан кейин қийинчилик сабабли отам мени Кува районидаги болалар уйига олиб бориб қўйган. Уйимиз қаердалиги ва қандайлиги тўғрисида тасаввурим йўқ. Лекин отам мени бир муддатга болалар уйидан олиб кетиб қўлимни ҳалоллаганини аниқ эслайман. Ўшанда уйимизга кетаётib Асаканинг “Чўнтак” чойхонаси ёнидан ўтганмиз, шу ердаги чархпалакни кўрганим ёдимда бор.

Мен Улуғ Ватан урушидан кейин армияда бўлдим. Хизматдан қайтиб отамни изладим. Шу кунгача турли газеталарга ёздим, Асаканинг “Чўнтак” чойхонаси яқинида яшовчи қариялардан суриштирдим. Лекин самараси бўлмади.

Оиламиизда акам ва синглим ҳам бор эди. Акам Иброҳимжон Кўчкоров, 1926 йилда туғилган. Синглим Зулфияхон Кўчкорова,

түғилган йилини билмайман. Орадан анча йиллар ўтди, лекин мен жигаргүшаларимни кўришни истайман.

АДРЕСИМ: Тошкент шаҳар, Ақмал Икромов райони, 6 пр. Хондамир кўчаси, 1-й.

Редакциядан: М. Кўчкоровнинг отаси, онаси ёки синглиси тўғрисида бирон бир маълумотга эга бўлган газетхонлардан бу хақда газетамизга хат ёзиб маълум килишларини сўрайман.

18 сентябрь, душанба.

Ишхонамизга кириб келган мўйсафид ўзини танишитирди. “Мен Ўринбой Жўраевман, шу ерда - шаҳарда, Ленин кўчасидаги 133-йда яшиман. Шанба куни ўз акасини, синглисини ахтараётган тошкентлик Марайимжон Кўчкоровнинг хатини радиодан ўқиб эшиттириши. Мен унинг акаси Иброҳимжон Кўчкоровни танийман. Зулфияхон деган синглиси ҳам бор... Улар “Андижоннефтепроми”да ўтиришади. Ўшанга сизларга ёрдам бергани келувдим”.

Оқсоқолга раҳмат айтиб, кузатиб кўйдим. Дарров дафтар-қаламни олдим, фотомухбиrimиз билан йўлга тушдик.

Шу куни соат тўртлар чамасида Андижон нефтилар посёлкасидаги Гагарин кўчасининг 55-йи дарвозаси олдига келдик.

Эшикни очган киши Иброҳимжон Кўчкоров экан, биз унга мақсадни айтдик. У киши бироз ўйланди. Кейин ўзини босиб олиб биздан укаси хақида суриштира бошлади. Биз унга Марайимжон аканинг редакцияга йўллаган мактубини бердик.

“НАҲОТКИ У ТИРИК”

Иброҳимжон ака хатни қайта-қайта ўқиб чиқди. Орада папирос чекди, чой хўплади, дори ичди. Унинг қўллари беихтиёр қалтирас, томоғига нимадир тикилиб, гапи тўхтаб қолар, кўзларига ёш қуилиб келарди.

“Укам топилибди, укам, югар, аммангни чакир”, деди у ўғлига. Орадан беш минут ўтмади. Аёл кишининг севинч сўзларини эшитдик: “Акам топилибди, акам-еў, тирик экан-а, вой акам, Марайим акам бор экан-а, Худога шукр, Худога шукр, эс таниганимдан бери Худодан сўрайман, акамни кўярмиканман деб”. Бу аёл Марайимжон аканинг синглиси Зулфияхон опа экан. У йиглар, гапирав, бизга раҳматлар айтар, ўзини кўйгани жой топа олмасди. Акасининг хатини кўзига суртди.

“Наҳотки у тирик, - деди Иброҳимжон ака, - хатда ёзилишича укам бечора кўп қидирибди-да. Биз уни аллақачон ўтиб кетган деб юрарканмиз қаранг-а...”.

ЙИЛЛАР ВА ЎЙЛАР

“Бизнинг оила Шаҳриённинг Оқмачит маҳалласида яшарди, - деб ҳикоясини бошлади Иброҳимжон ака. - Ўттиз учинчи йиллар бўлса керак, тақдир тақозоси билан отам билан онам ажрашган. Шунда отам бизни олиб Шаҳриёндан Асакага Сайдобод қишлоғига келиб қолган экан. Менимча тузукрок жой ҳам бўлмаган яшашга. Қишлоқдаги ўқитувчиларнинг маслаҳати билан Асакадаги болалар уйига мени ва укам Марайимжонни топширганлар. Эс-эс биламан, дадам ҳар ҳафта бизни кўргани борардилар. Орадан бир йилми-икки йилми ўтгач, болалар уйи Асакадан Кувага кўчди. Ўша жойда укамнинг бошига ёмон яра чиқди. Эсимда бор бошига чойшаб ёпишиб қоларди, эҳтиётглаб ажратардик. Ёз пайти бизни Толмозорга лагерга олиб кетишли. Орадан бир ой ўтгач, келдик. Келсан, укам йўқ, суриштирасам “кал баницага жўнатдик” дейишиди. Шу-шу уни қайтиб кўрмадим. Отамнинг уни излаб бормаган жойи қолмади. Тошкентга бориб Охунбобоев отанинг олдига кирганларини ҳам айтиб бергандилар. Роса ҳисобласам эллик беш йил бўлти. Нима ишлар килди экан укам? Бошидан нималар ўтди экан-а?...”.

Иброҳимжон Кўчқоров ҳақида билганларимиз:

У 1920 йилда Шаҳриёнда туғилган. 1940 йилгача болалар уйида тарбияланган. 1940 йилда ФЗУга ўқишга борди. Ўқишини битириб авиация заводида токарь бўлиб ишлади. 1941 йили қишлоққа қайтиб келди, аввал колхозда, кейин Андижон нефть бошқармасида тракторчилик қила бошлади. 1958 йилда шу бошқармадаги транспорт бўлимига бошлиқ бўлди. 1986 йил пенсияга чиқди. Аввал автомобиль техникуми, кейин пахтачилик институтини битирди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган нефтчи” унвонига сазовор бўлди. “Хурмат белгиси” ордени, бир қатор медаллар билан мукофотланди. Рафиқаси Маликахон ая билан саккиз фарзандни вояга етказдилар. Уларнинг деярли ҳаммаси олий маълумотли бўлди.

“Армонимиз шу эди, - дейди ним кулгу ва севинч билан Иброҳимжон ака. - Мана, топилибди, ҳозироқ жўнайман”.

“ДИЙДОР КҮРИШДИК”

20 сентябрь, чоршанба.

Ишхонамда телефон жиринглади. Трубкадан нотаниш овоз келди. “Мўминжон ака, сизми?”. “Ха”, дедим, “Тошкентдан амакимизни олиб келдик, тезда бизникига келинглар”.

Яна йўлга тушдик. Гагарин кўчаси, 55-йдада улар йўқ экан. Зулфияхон аянинг уйида тўйда эканлар. Ака-укалар, сингиллар, она ўз фарзандларини кўришиб, шоду хурсанд эдилар. Хил-хил пишган узумлар бошимиз узра осилиб турибди. Кузнинг сахий қуёши ҳаммани баробар эркалайди. Бири Андижон, иккинчиси Марғилон дўпписи кийган икки паҳлавон ака-укалар бир-бирига қараб, гапириб тўймайди. Уларнинг атрофидаги аёллар, кизлар, йигитлар, болаларнинг баҳтли кулгиси тўйга-тўй кўшиб юборгандай.

Ўтган кундаги узилиб қолган суҳбатимизни давом эттирмокчи эканлигимизни билдиридим. Дафтари очиб қаламни тутдим. Шу пайт Иброҳимжон ака менга кулиб “қалам-дафтарингизни кўйинг, менга қараб турсангиз гапираман”, - деди. Мен жон, деб рози бўлдим.

- Ўша куниёқ иним Абдумажид билан Тошкентга кириб бордик. Сўраб-суриштириб Хондамир кўчаси, 1-йини топдик. Тунги соат 3. Эшик қўнгироғини босдик. Аёллар товуши келди. Узоқ вақт эшик очилмади. Ниҳоят бу киши чиқиб келдилар. Биз бир-бirimизни суриштиридик, анча ишонқирамай турди укам. Охири “Онангизнинг оти Ҳуртожимиди?” деб сўраганимда хўнграб йиғлаб юборди. Ҳаммамиз йигладик. Буёгини ўзингиз айтиб бера қолинг.

ЕТИМ БЎЛГАН БИЛАР, ЕТИМ ҚАДРИНИ

- Менинг шунча оға-иним бор экану етимман, ҳеч кимим йўқ деб, эллик беш йилдан бери эзилиб юрибман, - деб ҳикоясини бошлади тошкентлик Марайимжон ака доридан капотиб.

Бошимга яра чиқиб Куба станциясидаги касалхонада операция қилишганини биламан. Дадам олдимда бўлган эди. Операция килдириб, бошимни бойлаб, болалар уйига олиб келиб кўйган. Хатда ёзганимдек қўлимни ҳалоплаш учун Асакага олиб келган. Ўшанда чархпалакни кўрганман, чойхона бўларди, баланд садақайрагоч тагида оч-ялангоч болалар тиланишиб ўтирадилар.

Куба болалар уйидан Тошкентга - касалхонага жўнатишиди. У ерда тузалганимдан сўнг Кувага қайтармай Кўқондаги болалар

уйига жүнатдилар. Бу өрдаги болалар уйида 1943 йилгача турдим, кейин риштонлик Йигитали деган ўртоғим билан кочдик. Риштонга бордик. Интернатта жойлашиб үкій бошладик. Интернатдан Марғилон ипак комбинатига жүннатиши. 1948 йилгача шу комбинатда ишладим. Кейин армияга кетдим. Марғилондан Горчаков станциясидан вагонга чиқдик. Вокзал тұла одам, ҳамманинг кузатувчилари бор эди. Мен уларға термулиб турдим, мен ҳам одамман, бирорта танишим чиқиб қолармикин, дедим. Ҳеч ким менга қарамади. Вагонда хұнграб йиғлаб кетдим... Одесса шахрида хизмат қылдым. Болалар уйида бўлганлигим учун армияда тезда обрў топдим. Икки марта отпуска беришди. Қаерга борарадим? Ҳеч кимим бўлмаса. Индамай хизматни қилиб юравердим. Муддат тугади. Унгача Тошкентга, Москвага, Андижонга хатлар ёздим, дадамни ахтардим, ҳеч қаердан жавоб ололмадим. “Адресни айт” дейишди, адресини ўзим билмасам... Армиядан тўғри ўзим билан бирга хизмат қилган Аминов Ғуломжонларникига келдим. Улар мени ўз фарзандларидек кутиб олишди. Армияда шофёрлик курсини битирган эдим. Фарғонада такси ҳайдовчиси бўлиб ишга кирдим. Тақдир тақозоси билан 1953 йилдан бўён Тошкентда яшайман, йигирма олти йил “Тез ёрдам” машинасини миндим. Ҳозир пенсиядаман. Турмуш ўртоғим Одила Умархўжаева “Шарқ Юлдузи” маҳалла комитетининг раиси, шахсий пенсионер. Беш фарзандимиз бор, ҳаммалари уйли-жойли, олий маълумотли мутахассислар, худога шукр, мана, акам Иброҳимжон, синглим Зулфияхон, иним Абдумажид, онам Хуртоғи, кўплаб жиян, қонқариндошларим билан кўришдик. Хурсандман, жигаргўшаларим бор экан.

БИЗ ҚИЗИҚҚАН ФАКТЛАР:

Иброҳимжон ака бедарақ йўқолган укаси Марайимжон хоти-расига набираларидан бирининг номини Марайимжон деб атадилар. Марайимжон ака, “Менинг жажжигина сингилчам бор эди, исми Зулфияхон”, дея кенжә қизининг номини Зулфияхон деб атадилар.

Икки оиласда 13 олий маълумотли мутахассис, кўплаб набиралар.

Марайимжон ака Асакага келиб ҳеч кимни дараклаб тополмай редакцияга хат ёзиб, хатни Ниёзботир қишлоқ почтасига ташлаб кетган.

“ИЗЛАРИНГНИ ИЗЛАЙМАН”

Кўчкорбой отанинг фарзандлари Иброҳимжон, Марайимжон акалар, Зулфияхон опа, ўтил-қиз, қариндош-уруғлар даврасида бобонинг қабрини зиёрат қилгани қабристонга бордик.

Оқсокол ўтганларга атаб фотиха ўқиди. Жимлик, сукунат, хеч ким ҳеч нарса дея олмайди.

“Мен келдим, дадажон, излаган ўғлингиз, кўролмай, тополмаганингиз, тирик туриб йўколган ўғлингиз Марайимжонман, Марайимжонман... келдим, келдим... дадажон қанисиз?!“.

Кир бағирлаб ётган қабрларга урилиб сакраб-сакраб осмону фалакка отилаётган бу нидо кимники? Ота меҳру муҳаббатини, онанинг иссиқ кўйинини ҳис эта олмаган, ака-укаларидан тирик туриб айрилган, олтмиш икки ёшгача “дунёда ёлғизман” деб ўқиб юрган инсон нидоси бу!

Сиз ва биз юракнинг тубидан чиқсан сўзларни, индамасдан ҳақиқатнигина гапира оладиган кўзларни, ўз жонини дадил тутадиган дўстларни, бир-бирига ҳамиша мадад ва далда берадиган одамларни севайлик! Эҳтимолки, ака-укалар, ота-болалар шунчалик меҳрга ташна бўлишмасди, юртимиизда илтимосларга жон-дил билан хизмат килувчилар, бироннинг дардини ўзиники деб биладиганлар кўпроқ бўлса...

Куйиб кулга айланмоқ осон,

Азоб билан яшаш - шон-шараф.

Орзу билан яша, эй инсон,

Кулиб кетсанг унга йўқ тараф.

Асака туман “Ленин йўли” газетаси,
1989 йил, 24 сентябрь.

ОНАГА УЗИЛГАН ЙЎҚ

Андижон ва Хонободда бўлган ноҳуш ҳодисалар ҳакида ўйлар эканман, Чингиз Айтматов тасвиридаги ўз онасини ўлдирган Жўломон ёдимта келди. У волидасига қараб ўқ узди. Она “ўтлим Жўломон” дея йиқилиб, жон таслим қилди. Бутун сахро бўйлаб йўқ, йўқ, бутун олам бўйлаб онанинг нидоси тарапди. Бола манқурт эди. У душманлар қўлига асир тушганди. Душманлар эса унинг бошига тuya терисини ёпиштириб, хотирасини бутунлай ўчириб ташлаган эдилар. Манқуртга на она, на ота, на ака, на ука, на Ватан... ҳаммаси йўқ нарсадир.

Киндик қони тўкилган азиз тупрокка, ювиб-тараб, тарбиялаб ўстирган она-Ватанга қарши курол кўтариш - манқуртлик, ўз онасини ўлдириш каби даҳшатли имонсизлиқдир.

Бундай мудхиш номаъкулчиликка Полосон қишлоғининг катта-кичик вакиллари ўз муносабатларини билдирилар. Қишлоғимизнинг энг мўътабар кишиси - 109 ёшли Олимжон ота шундай деди:

- Дилемизда Аллоҳ, тилимизда “Ла илаҳа иллаллоҳ”. Аллоҳ насиб этибди 109 ёшга кирдим. Яратганга тинимсиз шукроналар айтаман. Шунча йил давомида кўп воқеаларни бошдан кечирдим. Жаҳон урушлари, кирғин баротлар, очарчилик, қимматчилик, қаҳатчилик каби халқимиз бошига тушган кулфатларни кўрдим.

Ҳар доим ҳам Аллоҳнинг йўлидан эмас, шайтоннинг йўлидан юрганлар хору зор бўлган. Бу дунё ҳам, у дунё ҳам улар учун азоб, укубатдир.

Яқинда Андижонда, Хонободда бўлган фалокатни эшиитдим. Бегуноҳ фарзандимиз нобуд бўлибди. Бу гуноҳни қилганлар мусулмон эмас. Гуноҳкор бандаларнинг жазосини Аллоҳ, албатта, беради.

Ҳар куни беш маҳал намозимда эл-юрт тинчлигини Аллоҳдан сўрайман. Халқимиз тинч-омон бўлсин.

Шайх Мухаммад Содик Мұхаммад Юсуфнинг “Иймон” китобини варактайман. Олимжон ота Мамадиевнинг сўзларини тасдиқловчи фикрлар кўз олдидан ўтади. Террор - ўз мақсадига эришиш йўлида бошқаларнинг жони, моли ва обрўсига куч ва курол ишлатиш йўли билан зарар етказиш деб тушунамиз. Террорчиларнинг рўйхати бошида кўплаб одамларнинг ҳалок бўлиши туради. Кейин кишиларнинг молу мулклари, обрў-эътиборларига пуруретиши, халқлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви, дунёда хавф-хатарнинг бардавом бўлиши каби иллатлар ётади.

Ислом инсониятга зарар келтиришга мутлако қаршидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда “Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади. Ким уни тирилтираса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади” деган (“Моида” сураси, 32-оят).

Демак, бир беайб инсонни ўлдириш бутун инсониятни ўлдириш билан баробар оғир жиноят экан. Ўша котилвачалар Аллоҳнинг мазкур муқаддас сўзларини ўқиганмикан, эшигтанмикан?!

Қишлоғимиздаги азиз кишиларимиздан Иккинчи жаҳон уруши

қатнашчиси, фахрий ўқитувчи Султонбой Жўраев қаҳрланиб гапира кетди: “Дунёни эгаллайман деган Гитлер нима бўлди? Шарманда бўлди, ер юзидағи барча халкларнинг лаънатига учради. Бу босқинчлилк урушида эллик миллион одам қурбон бўлди-я...”. Қишлоғимиздан ҳам киркқа яқин йигитларимиз жон таслим килдилар. Етим фарзандлар, тул хотинлар тортган азобларни ўз кўзимиз билан кўрдик.

Террорчиларнинг мудҳиш ҳаракатлари барчамизни ларзага келтириди. Нияти бузуклар, албатта, жазосини олади. Унинг ақлини олган, қўлига қурол берганлар, тинч-фаровон ҳаётимизни кўра олмаётган ватанфурушлар, албатта, хор бўлди. Бунга ишончим комил”.

Талаба Гулбаҳор Деконовадан сўрадим.

- Бу воқеаларга нима дейсан?

- Университет талабалари бу мудҳиш воқеани эшлитиб, юртбузуқиларга нисбатан нафратимиз ошди. Университетимиз, шахар, қишлоқларимиз, ота-оналаримиз, ака-укаларимиз тинчлигини бузган бу манқуртларни лаънатлаймиз. Андижон Давлат университетининг ўқитувчилари ва талабалари жамоаси бу мудҳиш воқеликни каттиқ қораладик. Барчамиз бир бўлиб Ватанимизни кўз қорачигидек асрашга қарор қилдик.

- Маҳалла ахли фаоллари билан йигилишиб, ўз уйимизни ўзимиз қўриқлашга келишиб олдик. Тунги навбатчиликлар ташкил қилинди, - деди Полосон маҳалла фуқаролар йигини раиси Содикжон Солиев. – Турли ном билан соҳта текширувчилар, қаллоб одамлар маҳалла оралаб қоляпти. Энди маҳалла фуқаролар йигини маҳсус рухсатномасисиз уйларга киришни ман қилдик. Тўй-маракалар, ҳар қандай йигинларни кундузи, қисқа муддатларда ўтказишга келишиб олдик. Хушёрлик билан яшаш, меҳнат қилиш, маҳалламизда тинчликни сақлаш асосий ишимиизга айланди.

Мамлакат ҳаммамизники, демак, мамлакат душмани барчамизниң душманимиздир. Мевага тушган куртдек ичимизда юриб, кемирадиган душманларимиз ҳам йўқ эмас. Биз ҳар қандай душманга - ташқисигаям, ичкисигаям, турли хил ниқобларга ўраниб олганларига ҳам кучли зарба беришимиз зарур. Бу зарба - бизнинг ўз Ватанимизга, халқимизга бўлган муҳаббатимиз, республикамизнинг ёрқин келажагига бўлган юксак ишончимиз бўлади.

Шаҳриҳон тумани “Янги ҳаёт” газетаси.

2009 йил, 11 июнь.

ЁЛГИЗИМ, ДАРДКАШИМ!

(Сурат билан сұхбат)

Ассалому алайкум, Нурилло! Ёлгизим, дардкашим!

Бу йилги баҳор ғалати келди, ўрыклар гуллаб, дов-даражатлар күртак чиқарғанда бирдан кучли шамол елиб ҳамма ёкни остин-устун қилди. Ҳамманинг плёнка ёпилған капалари бузилди, энди үзини ростлаган помидор күчтаптари яланга қолди. Эртасига лопиплаб кор ёғиб берди. Худди менинг қалтираб турған юрагимга муз ёкқандай, худди сендан жудо бўлган кунларимдай... Ҳамқишлоқларим уясини сув босган чумолилардай шошиб қолишиди. Осонмас, фалон пулга згма темир, фалон пулга кўчкат, плёнка сотиб олиш... Ҳа, осонмас, бирор рўзғорини тутиб турған сиғирини сотди, бирор кимданdir қарз олди, бизники ҳам вайрон бўлди. Тоғангдан қарз олиб капани қайтадан ёпдик. Нима ҳам қиласардик, пешонадагини кўрамиз, сени йўқотиб кўйиб ҳам чида бояшамиз-ку.

Ёлгизим, сенга айтмасам дардимни кимга айтаман. Бирорга оғиз очмоқчи бўлсанг, сендан олдин фарёд қиласи. Яхшиси, сен билан гаплашаман, сен жим қулоқ соласан, жавоб қилмайсан, ёш тўла кўзларимга тикилиб турасан, чунки сен жонсизсан, оддий қофозсан, суратсан! Ҳа, майли, сурат бўлсанг ҳам борсан-ку.

Айб ўзимда, ҳамма сикқан Асакага сен сиғмадинг. Россияяга жўнатмасам бўларди. Нима бўлганини билмай қолдим. Отанг билан можароларинг кучайиб кетганидан кўрқдим, шекилли. Отанг ўша ўзинг билган отанг эди, унга на ота-она, на хотин, на бола керак, фақат ичкилик бўлса бўлди. Сендан ажралганда ҳам ўша арок лъянатидан айрилмади, ҳозир даволангани кетди, буниси учинчиси, билмадим, буёғи нима бўлади.

Ўғлим, онанг етимлик заҳрини роса тортиб катта бўлди. Дадам – сенинг опокдаданг ғўзага заҳарли дори сепадиган трактор минган ва заҳарланиб вафот этган. Онам ҳам узок яшамади, акаларим кўлида қолдим. Улар бокишиди, ўқитишиди, отангга узатишиди. У пайтларда отанг қишлоғимиздаги ягона олий маълумотли адабиёт ўқитувчиси эди, шеърлар ёзарди. Улфатчилик, ёру дўст деб ичкиликка кўмилиб қолди. Оғзидан Умар Ҳайём тушмасди. Шунчагам етмагандай сен ҳам...

Нима бўлди, билмадим сен ишлаб турған корхона ёпилди. Ўша

корхонани сотиб олган андижонлик бойлар бойлигига кўмилсин! Агар ўшалар штатларни қисқартириб, ўнта ишчидан биттасини қолдирмагандан сен Россияга кетмаган бўлардинг, шу ерда оз ойлик олсанг ҳам, тирикчилигингни қилиб юраверардинг. Бағримда бўлардинг болам!...

ДЭУга қилган ҳаракатинг ҳам бекорга кетди. Бир балл етмай қолди, дединг. Бошлиқларининг олдига бораӣ дедим, унамадинг. Бир миллионлаб пул беришиб синовлардан ўтишяпти, дединг. Йўғ-е, ҳақиқат бор, дедим. Сен ҳақиқат пулда, дединг. Пул ўлсин, бир миллион сўм бизнинг тушимизга ҳам кирмайди, Нурилло!

Қараја, заводга ўн мингдан ортиқ ёшлар ариза беришибди, улардан атиги беш юзми-олти юзми ишга кирибди, холос. Ким билади, қолган ёшларимиз қайга кетишди, уларнинг ота-оналари қандай ташвиш билан яшаяптилар экан.

Ҳар қалай, уларники менинг дардимдан енгилроқдир. Фарзандлари соғдир, омондир... Худога шукур, синглинг ёнимда, ўзимга Оллоҳ куч бериб турибди, мактабда тушгача дарс бераман, қайтиб келиб капага кириб, помидорга қарайман, ажабмас ҳосил яхши бўлиб беш-тўрт сўм кўлимизга пул тушса. Синглингни эл қатори узатишм керак, уям йигирмага кирди, яна бирор йил ўтса “қари қиз” бўлади-қолади. Кейин рўзгори бузилган, хотини ўлганлардан совчи келадими, деб юрагим зирқираб кетади.

Ёлғизим Нурилло! Фарзанди қазо килган ота-онани ўлган боласи у дунёда кутиб олармиш... ўғлим! Шу дунёда совук мурдангни бағримга босиб “дод” солиб йиғлай олмадимку, у дунёда мени кутиб оласанмикан?... Кемерово деган шахарда, ҳаётингнинг сўнгги кунларида “аяжон” деб термулиб турганингда сенинг олдингда бўлолмаган онагни кечира оласанми?

Азизим, жигарбандим! “Қобуснома”да дунёда энг катта баҳтсизлик-камбағалликдир, дебди. Дарҳақиқат, камбағалликка лаънатлар бўлсин! Кўлим калталик қилди, сени кўргани боролмадим, ҳатто, ўз қабристонимизга жасадингни қўя олмадим... Ҳафа бўлма, ўксинма, болам, албатта, сенинг олдингга бораман. Қачонлигини Оллоҳ билади, Кемеровода учрашамиزمи ёки боқий дунёдами...

Нурилло, ёлғизим, дардкашим, чимилдик кўрмай ўтдинг. Кеча мактабдан келаётib суюклигинг Дилафрўзни кўрдим. У мени кўриб уйга қочиб кириб кетди. Йиғлаганини эшитдим. Мен ҳам уйимизга

келгунча йиглаб келдим... Иложсизман, ўғлим... Кечә-ю кундуз Оллоҳдан сенга жаннатдан жой сўрайман, бу дунёда кўрмаганингни у дунёда кўргин. Ўзимга эса сабр, сабр, сабр...

Майли, хайр, болам, кеч кириб қоляпти, шам топиб қўяй. Электр ҳақини тўламадинг, деб ҳозиргина симларимизни узиб кетди. Хайр, яхши ором ол...

Садоқат ая ўғлининг суратини ўпиб, қўллари билан силаб, деворга илди. Камзулини чўнтагини ковлаштириб, қўчага шамга чиқиб кетди.

Асака тумани “Асака ҳаёти” газетаси.

2005 йил, 5 май.

ЧЎЛДА ТОБЛАНИШ ОСОНМАС

(Газетанинг биринчи муҳаррири билан сұхбат)

Бу йил туманимиз ташкил этилганига 35 йил тўлди. Туман ижтимоий-сиёсий ҳаётининг кўзгуси ҳисобланмиш “Улугнор” газетаси ҳам шу ёшда. Бугун биз бундан 35 йил бурун биринчи сони босмадан чиқкан “Комсомолобод тонги” газетасининг биринчи муҳаррири Мўминжон МАЪМУРОВ билан сұхбат курамиз.

МУХБИР – Мўминжон ака, янги ташкил этилган тумандаги газета муҳаррири сифатида иш бошлаган ўша йилларни қандай эслайсиз?

М. МАЪМУРОВ – Э, у даврларни эсламай бўларканми, худди тушга ўхшайди. Мана, ўшанга ҳам 35 йил тўлибди.

Мен Шаҳрихонда “Янги ҳаёт” газетаси муҳаррири ўринбосари бўлиб ишлардим. Комсомолобод тумани ташкил этилган ўша кезларда вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Дмитрий Александрович Данильян, вилоят партия қўмитаси пропаганда бўлими мудири бўлиб ишлаган Собиржон Шокаримов ва “Янги ҳаёт” газетаси муҳаррири Зокиржон Шарафутдинов янги туман газетаси муҳаррирлигига мени тавсия қилишди. Чўлга келдим. На идора бор, на ходимлар. Мени туман партия қўмитаси биринчи котиби Таваккал Топволдиев илиқ кутиб олди. Сариқсув қишлоғига совхоз клубидан 2 та хона ажратиб берди. Шу тариқа муҳаррирлик фаолиятим бошланди. Ҳар куни Шаҳрихондан қатнайман. “Узсельхозтехника” ишчилари билан “Оқ олтин” қишлоғига келардим. У ёғига Сариқсув қишлоғигача 4-5 чақирим пиёда

бораман. Газета ҳафтасига 3 марта чикарди. Тайёрлаган материалларни олиб, Чинобод қишлоғига жұнайман. Бу қийинчилик уч ой давом этди. Тұғрисини айтганда, чүлда тобланиш осонмас. Унинг инжиқтуклари, шамоли, күм күчкілари, жазира машинасы-ю, қаҳратон қишига чидаган одамгина бу ерда яшаб, ишлаб кета оларди. Дастанда мен хам қийинчиликтар олдиде бироз зсанкирадим. Лекин, билдирилген ишончни оқлаш керак-ку! Шунинг учун асло ортга чекиммадим.

МУХБИР - Хўш, кейинчи?

М. МАЪМУРОВ – Кейин нима бўларди. Ҳаммаси аста-секин изга туша бошлади. Жамоа, яъни таҳририят шаклланди. Бўздан Ўқтам Толиболдиев, Иномжон Темиров, Сайдтўра Юсупов, Шахрихондан Ғуломжон Қўзибоев, Чинободдан Ҳакимжон Йўлдошев (масъул котиб), Рустам Акбаров (суратчи), Рустам Қодиров, Маҳмуджон Мамадалиевлар келишди. Биласизми, 1974 йил 1 сентябрда “Комсомолобод тонги” газетасининг ilk сони босмадан чиқиб, чўлқуварлар қўлига етиб борганида роса кувонганман. Кечирган барча кийинчиликларим бир зумда ёддан чиккан ...

Нихоят, 1977 йилда таҳририятимиз Оқ олтин кишлогидаги икки қаватли замонавий бинога кўчиб ўтди. Бу вактга келиб таҳририятимизда қалами ўткир журналистлар сафи янада кенгайди. Ўшдан Қодиржон Собиров, Фарғонадан Исройлжон Иброҳимов, Андижондан Муҳаммаджон Абдукаримов, Бўздан Икромжон Акрамов, Комилжон Тошмирзаев, Марҳаматдан Иброҳимжон Зуфаров, Шахриёндан Акрам Ваҳобовлар сафимизга кўшилишиди. Улар ичидаги сиз ҳам бор здингиз. Қисқаси, ажойиб ижодий жамоа жамланган эди. Юкорида номлари зикр этилган ҳамкасларимизнинг кўпчилиги чўлда тобланиб, камол топиб, ҳозирда анчагина нуфузли лавозимларда ишлашяпти, айримлари пенсияда.

Йиллар ўтди. Мамлакатимиз мустақилликка эриши. Шунга монанд Комсомолобод ҳам Улуғнор деб атала бошлади. Туман кўзгуси бўлган газета “Улуғнор” деб номланди. “Улуғнор”нинг ҳозирги жамоаси ҳам ўз сўзи, ўз ўрнига эга. Шу чўлда тобланган Мукаррамхон Қодирова раҳбарлигида газетанинг ҳар бир сони ўқишли чиқиши учун астойдил изланмоқда. Уларга ижодий ишларида баркамоллик тилайман.

МУХБИР - Мўминжон ака, бироз лирик чекиниш қилсак-да, яна ўша дастлабки йилларни эсга олсак. Ўз ҳаётига таҳририят ҳаётида эсда қолган айрим воқеаларга тўхталсангиз?

М. МАЪМУРОВ – Юкорида айтиб ўтдим. Дастлабки йиллари Шаҳриҳондан қатнаб ишлардим. Бу эса кўп нарсаларга улгуришга ҳалакит берарди. Туман раҳбарлари шуларни ҳисобга олиб, менга уй беришди. Оилас билан кўчиб келдим. Ўзингиз биласиз, чўлнинг шамоли кучли бўлади, ҳамма ёққа қумларни учиради. Бир куни кечқурун шамол турди. Деразаларни очиб юборди. Уйга кум тўлмасин деб деразани ёпганча ушлаб тураверибман. Оғиз, бурним, қулоқларим, кўзларим кумга тўлиб кетибди. Шамол тингач, қарасам, деразаларнинг ойналари йўқ экан. Улар шамолда чил-чил синган экан.

Иккинчи воқеа - ҳандалак ҳа машина ҳангомаси. Ўша биз янги бинога кўчиб ўтган даврда туман марказида қурилиш ишлари авжига чиқкан эди. Одамлар ҳашар йўли билан биноларни тиклашарди. Биз ҳам ҳашарда қатнашдик. Кечки пайт туман партия қўмитаси биринчи котиби Т. Топволдиев “Бугун редакцияда чой ичамиз”, деб қолди. Дарров таҳририятдагиларга хабар етказдим. Таҳририят ҳовлисидағи ҳовуз бўйига жой қилинган. Атрофда гуллар ўсиб ётибди, дараҳтлар кўклаган. Биринчи котиб буларни кўриб роса ҳаваси келди. Таҳририятимизнинг ёши улуғ ҳодими Иномжон ака Темиров жуда миришкор эди. Стол устига янги узилган ҳандалакларни кўйди. “Ўзимизнинг томорқадан”, кўшиб кўйдим мен. Шунда Таваккил ака “Ёкубжон, қаранг, бизнинг райком ва раийжрокўм биноси олди ўт босиб ётибди. Бу ерда эса гуллар очилган, ҳатто ҳандалак ҳам пишибди”, - деб раийжрокўм раиси Ёкубжон Мўминовга қараб кўйди.

МУХБИР - Чўлда қанча тобландингиз?

М. МАЪМУРОВ – Роса 13 йил муҳаррир бўлиб ишлабман. Ўрнимни ёшларга бўшатиб бердим. 1987 йили “Асака ҳаёти” газетасига муҳаррир этиб тайинландим. Бу ерда 6 йил ишладим. Кейин “7x7” газетасида фаолиятимни давом эттирдим. Ҳозир пенсиядаман. 7 нафар фарзандим бор. Ҳаммаси олий маълумотли. Набиралар ҳам 20 нафар. Шаҳриҳоннинг Полосон қишлоғида умргузаронлик киляпман.

МУХБИР - Мўминжон ака, охирги савол. Улуғнорликларга тилакларнингиз?

М. МАЪМУРОВ – Шу 13 йил мобайнида чўлда кўплаб дўстлар, ошна-оғайнилар орттиридим. Гапнинг лўндаси, ҳар бир улуғнорлик мен учун жуда қадрдон. Уларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари хакида эшитсам, юрагим севинчдан ҳапқириб кетади. Ҳаммаларига сиҳат-саломатлик, узок умр, ишларида омадлар тилайман. “Улуғнор” газетаси таҳририятини, шу жамоада ишлаб кетган собиқ ҳамкасларимни касб байрамлари билан самимий муборакбод этаман. Доимо омон бўлинглар, азизларим!

Сұхбатдош: Юсуфжон УСМОНОВ,
Улуғнор тумани “Улуғнор” газетаси.
2009 йил 26 июнь.

СИЗНИ СОҒИНДИМ, ДАДАЖОН...

(Дунё таниған санъаткор Муножот Йўлчиеванинг ота уйида)

Биз қаҳрамонимиз журналист Тўхтахон Давронова билан Хўжаободдан Муножот Йўлчиеванинг қадрдон қишлоғи Ширмонбулоқнинг Оксувбўйи маҳалласига жўнадик. Ёзниг эрталабки шабадаси нақадар ёқимли, биз кетаётган “Дамас” эса секин–секин аллалар, худди “Муножот” куйи элитган шинавандалардек ҳис қиласидик ўзимизни.

Аллақачон тоғлардан юқорилаб кетган қуёш Ширмонбулук устига қайнок нурларини сочарди. Қишлоқ аҳли эса астойдил ишга киришган, ям-яшил пахта пайкаллари, тилларанг буғдоизорлар, меваларини кўз-кўз қилаётган боғлар, ариқ қирғокларидағи гулурайхонлар “хуш келибсиз” дегандай енгил тебранишади.

Қишлоқ манзарасини томоша қилиб, Муножотхоннинг хонадонига келганимизни ҳам билмай қолибмиз.

Ишкомларда узумлар терилиб турган, гулурайхонлар хиди анқиган, саҳнига сувлар сепилган хонадонга кириб бордик. Бизни икки мўйсафид кутиб олди. Уларнинг бири Муножотхон Йўлчиеванинг оталари Абдували ҳожи дада, иккинчиси у кишининг укалари Абдунаби ака эдилар.

Уйга кирдик. Ҳоналар покиза, саришта. Кўлларга сув куйилди. Даастурхон ёзилди. Бир пиёла чой устида сұхбатни бошлаб юбордик.

Биринчи бўлиб Ҳожи дадамиз гап бошладилар:

- Мен дунёдаги баҳтли одамларданман. Сабабини биласизлар, кизим Муножотхон орқали мениям, оиласизни ҳам эл-юрт таниди...

Айниқса, Маккага ҳаж сафарига борганимда ўша ерда Маҳсум ака деган ўзбек одам бор экан. Мени уч кун кафтида кўтаргандек олиб юрди: “Сиз Муножотхоннинг отаси экансиз”, деб (Хожи даданинг кўзларига ёш қалкиди, чукур нафас олиб, жўшиб келаётган хиссиётларини аста босди).

Ким эдим ука?... Битта ёғ босган тракторчидим, ялангоёқ юрганимиздан оёгимиз ёрилиб кетса, салдо суркаб яна тракторга ўтириб кетаверадиган қишлоқ одамийдим...

Муножот кизимнинг орқасидан Тошкентта бордим. Салимов деган раҳбар хонасига кирганман. Кирдиму ўзимни йўқотиб қўйдим. У киши яхши одам экан, келиб қўлтиғимдан олиб, “Қизингизни пойтахтга олиб келамиз, шаҳарда ўзи турмасин, уй берамиз”, деди. Кейин уй беришди, бувимни обордим, Муножот билан бирга яшашди. Қизим икки йил тайёргарлик кўргандан сўнг институтга ўқишига кирди, ашулачилигини давом эттираверди. Бу ёғи сизларга маълум.

Муножотхоннинг опаси Мухтарамхон ҳикояси:

- Онамиз Ҳамрохон (Худо раҳмат қиласин) яхши ашула айтарди. Менинг эсимда қолганлари “Фарғона тонг отгунча”, “Сумбула”... Далада кетмонни чолиб ашула айтиб кетарди, кейин қишлоқнинг хотинлари дала четига тўпланишиб онамнинг ашулаларини эшишишарди.

Муножотга ашулачилик онамдан ўтган, десак тўғри бўлади. Мектабда ўқиб юрганда мусика ўқитувчиси Маликжон Султонов, синф раҳбари Кўргонбой Абдазовлар Муножотни санъат даргоҳига етаклашди, кейинчалик тогам (Андижон театрида ишларди) Абдуллажон Мавлонов Муножот билан астойдил шугулланди. Вилоят, республика кўрикларига олиб борди. Айниқса, Фаттоҳон Мамадалиев, Мухаммаджон Мирзаев, Шавкат Мирзаев каби устозлар Муножотхонни бутун дунёга танидти.

Абдунаби Йўлчиев (Муножотхоннинг амакиси):

Муножотхоннинг қўшиқларини эшитсан йиглаб ўтираман, айниқса “Муножот”, “Ушшоқ”, “Омон ёр”ни айтса... Жияним санъат соҳасида баланд чўққини эгаллади, аммо зеб-зийнатга, бойликка берилмади.

Дарҳакиқат, шундай. У тугилиб ўсган хонадон, қўни-қўшилариникидан фарқ қилмайди. Тўйма-тўй юриб, қаср солган артистларнинг олдида... Эл билан қишлоқ хонадонида камтарона

яшаш нақадар уулуғлигини хис этдик.

- Кече телефонда гаплашдим, - деди ҳожи дада. - Муножотхон Францияга Париж шахрига кетэйтган экан. “Сафардан қайтгач, албатта, кишлокқа бораман, сизни соғиндим, дадажон”, деб айтди. Каерда бўлса ҳам омон бўлсин.

Муножот Йўлчиева Франция, Америка, Иордания, Швецария, Италия, Марокаш, Бразилия ва бошқа жуда кўплаб чет элларда бўлиб, ўзбек мумтоз санъати билан ўзга юртлик биродарларимизни койил қолдирмоқда.

Ҳожи дадага, унинг фарзандларига айниқса, Муножотхонга омад ва яна кўплаб яхшиликлар тилаб, эл суйган хонанданинг файзли ҳовлисидан чиқдик.

Тўхтахон ДАВРОНОВА,
Мўминжон МАЪМУРОВ,

Асака тумани “Асака ҳаёти” газетаси.

2006 йил, 6 июль.

ШЕЛЬЛАР

НОН ҲИДИ

Нон ҳиди!
Фақат шу қолибди жомадонимда.
Димокқа урилди
Үт чиқиб кетди баданимдан.
Кировли соchlари,
Қирмиз юзлари,
Күёшга оташ улашган күзлари...
Ох, онам күринди күзимга.
Ана у июннинг иссиқ кунида,
Тандир атрофига мудрайди.
Қошида тилласоч, она қиз қуёш,
Нўноклигидан ғудрайди.
Онам куяди, пишади.
Икки үт орасида,
Тандирда иссиқ нон пишади,
Менга - мендек боласига.
Онамнинг чехраси ёришар
Кулади: "Ҳайрият улгурдим"
Содда онам устидан кулдим.
"Ахир она, қимматчиликмас
Хар жойдан иссиқ нон толса бўлади
Онам ҳам жилмайиб қиласи ҳазил
- Ҳа ўғлим, ўзинг ҳам ёпсанг бўлади".
Нон ҳиди!
Фақат шу қолибди жомадонимда
Димокқа урилди. Үт чиқиб кетди баданимдан.
Дўстларим, дўконлар тўла нон
Буни биламан.
Кўнглим онам ёпган нонни қўмсайди
Нима қиласман?

Тошкент, 1969 йил, июнь.

ТУНДА

Хотиржам ёстикка бош кўйдингми ёр,
Ҳинду кўзларингни элтдими уйқу?
Ё бўлиб қошлиаринг кипригингта дор,
Нозик юрагингга кирдими кўркув?

Чертиб деразангни ҳазилкаш шамол,
Хаёлинг кемасин чайқадими а?
Осмон ҳам покиза дилгинанг мисол,
Ёш тўки, бирор сир пайқадими а?

Шундан сўнг юлдузлар кўзин юммади,
Ёргу деразангдан қарашиб минг бор.
Ой ҳам булатларга ўзин кўммади,
Қишлоғинг устидаги чертиб турди тор.

Не бўлди нигорим, тиллари болим,
Уйку ҳаловатни тарқ этдинг бугун.
Оғир тушмасмикан сенга саволим,
Фақат сени ўйлаб ўтиб кетди тун.

САДАРАЙҲОН

Кумуш сирға тақиб нурга беланиб,
Ошиқ ёрин кутган келинчак мисол.
Садарайҳонгинам аста зланиб,
Сўлим оқшомларда суради хаёл.

Ойдан нур сўроқлаб чиқар ҳар кеча,
Кундуз оташ олар саҳий күёшдан.
Қайноқ ариқлардан зилол сув ича,
Карашма ўрганар ҳар қалам кошдан.

Дехқон тешасининг ели текканда,
Титраб кетганини билмайди ўзи.
Дехқон ҳам кўзларин унга тикканда,
Мастлиқдан лоларанг бўлармиш юзи.

1970 йил, 24 август.

СЕНСИЗ

Осмон узра ярим ой кўрдим,
Сенинг қошинг каби қайрилма,
Унга бирпас тикилиб турдим,
Хаёл, мени ёрдан айрима.

Ойга томон югурдим куйиб,
У бўлса-чи йироқлаб кетди.
Томиримда қолди қон уйиб,
Вужудимни пачақлаб кетди.

Зил-замбилдек қадамлар оғир,
Ердан зўрга оламан узиб.
Қайтаману титроқ негадир,
Ортда ой ҳам келяпти сузиб.

Мен тўхтайман, тўхтайди у ҳам,
Сал юраман, у юрар пича.
Бир ой эмас телбадир олам,
Сенсиз ўтган ҳар битта кеча.



ЁЗАВЕРАМАН

Илҳом келишини кутмайман дўстим,
Ёзавераман, ёзавераман, ёзавераман.
Илҳом нималигин сезмасдан ўтдим,
Ўз билганимча ёзиб, чизавераман,
Ёзавераман, ёзавераман.

Помир тоғларининг кўксини ўйиб,
Инсон киёфасин яратгувчидаи.
Кафтига кўқдаги қуёшни кўйиб,
Оlamга оппоқ нур таратгувчидаи
Ёзавераман, чизавераман.

Дехконнинг кўлидан тушмайди кетмон,
Рассомнинг кўлида ўйнар мўйқалам.
Космонавт кафтида юлдузли осмон,
Ўшалар сафида юрибман мен ҳам
Ёзавераман, чизавераман.

Илҳомни кутишга вақтим йўқ сира,
Усиз ҳам умримиз кутишла ўтар.
Гоҳ лов-лов ёнаман, гоҳида хира,
Билмадим, кувватим қаерга етар,
Барибир ёзавераман.



ОРЗУ

Тонг ҳакида шеър ёзиш учун,
Тонг отгунча чекаман захмат.
Тонгда эса ортда қолган тун,
Жамолига бўламан тутқун.
Кундузлари хаёлан сўлим,
Кечаларда қиласман роҳат.
Қоп-қора тун бошланса йўлим,
Куёши менга узатар кўлин.
Тўлқинларда чайқалганимда,
Кўз ўнгимда дараҳтзор-хилват.
Қирлар узра от солганимда,
Кўм-кўк водий кулар ёнимда.
Ҳаёт шундай, етсанг орзуингга,
Аммо қалбда ўзгармас бўлиб
Яшаб келар ҳамон мұҳаббат.
Борлигимни алишдим, бироқ
Севгим қолди зиё каби оқ,
Юрагимда энг янги орзу -
Содик қолиш севгимга мангу.

1970 йил, 24 август.

ЯПРОҚЛАР ШИВИРЛАЙДИ

Йўқ, шаббода деманг тонг маҳал,
Борлигимни титратган ҳисни.
Менда жон бор, эмасман ҳайкал,
Кўмсаб қолган кўнглим олисни.

Узокларда бўлар хаёлим,
Хеч ким сезмас ўртанганимни.
Кумуш тонглар отгунча доим,
Илҳом дарди тебарар танимни.

УЧИНЧИ ҚАВАТДА

Учинчи каватда, балконли уйда
Ширин хаёллар қанотидаман.
Мана, мен фахримиз бўлган Тошкентнинг
Мўъжизакор хаётидаман,
Бугун меҳмонман,
Хоҳласам юриб,
Бағри кенг шаҳарни томоша килгум,
Хоккей майдонини, дорилфунунни,
Қандай яралганин келади билгум.
Ё тушиб “Ҳамзага”, ё “Муқимийга”,
Севимли артистларни кўргим бор.
Шукур - Ялангтўшу Ғанижон ака,
Лутфихон опамиз ёки Бахтиёр,
Қалбимни титратсан дейман,
Ёндириб, кулдириб, йиглатиб тоза.
Кўнгил гашликларин кўкка учирсин,
Тоғ суви қалбимдан олсин андоза.



ШАББОДА ЭСЯПТИ

Шаббода эсяпти, тунги шаббода
Муножот күйидек хазин ва босик.
Фикрим ўткирлашган, рухим ҳам тетик,
Гүё етти иклим тилсими очик.

Балкондан бокаман кўзим ўнгига
Милтиллаб ёнаётган чироқлар.
Шуълалар томонга талпинар қалбим,
Яқиндек кўринар йироқ-йироқлар.

Олис-олисдаги нурсиз юлдуздек,
Менинг ҳам чирофим ёниқ шу дамда.
Ҳеч кандай мўъжиза, хайрон колгудек,
Янгилик туғилмас менинг хонамда.

Билмам илхомим юзида кировлар,
Аста шеър ёзаётгандек бўламан,
Ноилож, кулса қулаверсин бировлар,
Мен кўнглими...г айтганини қиласман.

ҚУШЧА

Боглар ҳам гулга бурканмай,
Новдаларда кўринмай япроқ.
Хониш қиласар бир қушча тинмай,
Кечасию кундузи уйғоқ.
Ҳеч ким қулок тутмайди унга,
На табиат, на бирор одам.
Аммо сира тўхтамас қушча,
Мавжудотни куйга солар у.
Сесканаман, келаман қушга,
Ахир бу куш худди ўзим-ку!

КИПРИКДАГИ ҚОР

Кипригингга қор күнибди ёр,
Қор күнибди, ёр.
Шаҳлоларинг шайдоси бўлиб,
Ё борлиги ҳавасга тўлиб,
Кипригингга қор күнибди ёр,
Қор күнибди, ёр.

Мужтонингда лаҳза ёнди у,
Висолингга бир дам қонди у,
Ва томчига айланди мангу,
Кипригингга қор күнибди ёр,
Қор күнибди, ёр.

Қани энди учқун бўлолсам,
Оташингда зрисам колсам,
Юрагимга солиб рашк, алам,
Кипригингга қор күнибди ёр,
Қор күнибди, ёр.



ЗАМОНДОШГА

Коинотга қара, замондош,
Минглаб юлдуз порлаб турибди.
Этмоқчида́й үзига йўлдош,
Кенг самога чорлаб турибди.

Юлдуз бўлиб қолсанг мабодо,
Она еринг ишқида ёнгин.
Майли ёниб тошга айлансанг,
Куйиб кулинг ерингга қайтсин.

Ҳоки пойинг замин бағрида,
Ёқут каби ёнади, ишон.
Шунинг учун олам қаҳридан
Ҳайиқмасдан яшайди инсон.

Курашади, чирана́р мангу
Ерга берар топса неники.
Чунки бизнинг тиригимизу
Ўлигимиз она ерники!

СЕВАМАН, СЕВИЛГАНМАН

Мен қишлоқ ўғлиман, кўнглим кенг,
Ҳовлим кенг, далам кенг.
Кенгликни севаман.
Яшил майсалар билан фикрим тенг
Шудринг томчилар билан ёшим,
Оппоқ булутлар билан бошим тенг, теппа –тенг
Тенгликни севаман.
Отамнинг қўлида кетмон,
Онамнинг қўлида иссиқ нон,
Мен улар бағрида қайноқ жон.
Жондек севилганман.
Юзимда қуёшнинг ранги бор,
Тилимда япроқлар оҳангি,
Юрагим пахтамдай бегубор,
Мен азиз қишлоқнинг асл фарзанди -
Дехкондек севилганман.

ЎХШАШМИЗ

Бир куртак кўринса фасли баҳорда,
Янги олам туғилди деймиз.
Бир япроқ узилса кузги наҳорда,
Яланғоч тананинг ғамини еймиз.

Жудолик тушганда бошларимизга,
Чаман биёбондек бўлиб қолади.
Фарзанд туғилса-чи қошларимизда,
Дунё кўшикларга тўлиб қолади.

Қушларнинг хониши, гулларнинг рақси,
Одам кулгусига жудаям монанд.
Ҳа, шундай, ўхшашмиз, бўлмайди акси,
Чунки бу заминг ҳаммамиз фарзанд.

ШИЖОАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Килдай бели билан чумоли ҳалки,
Йўлбарсдек ваҳшийни қўзготар жойдан.
Панжаралар остида ўларди балки,
Шиҷоат отилиб чиқмаса жондан.

Филдек кувват бўлса ҳамки билакда,
Куён ҳолатига тушамиз гоҳо.
Чумолидек шиҷоат тошсин юракдан
Бизнинг кафтишимизда товлансин дунё.



СИРЛИ КЕЧАЛАРГА

Сирли кечаларга бўлмайман асир,
Күёшдек порлаган кунларимга ҳам.
Ва лаззат боғига қурмайман қаср,
Мабодо мен сени юракдан севсам.

Чирпирак қилсаю қуёш шамоли,
Қайси бир бурчакда оху воҳ десам.
Дардимни оларми сенинг хаёлинг,
Мабодо мен сени юракдан севсам?

КАМОН КУЙЛАЙДИ

Куй таралар, камоннинг куйи,
Куз ёшларни оқизар селдай.
Куй таралар, камоннинг куйи,
Ниҳолларни қуритар елдай.

Куй таралар қишлоғим узра,
Вабо каби даҳшатли, ваҳм.
Қалтирайди ҳар битта нуқра,
Куй таралар қилмасдан раҳм.

Куй таралар камоннинг сўзи,
Юракларни эзар, мижиғлар.
Куй эмас бу, онанинг ўзи -
Мархум ўғлин бошида йиғлар.



АНДИЖОН

Бахтинг кулди, бўлдинг обод Андижон,
Бахтиёрсан, хур ва озод Андижон.
Хар ерингда кайнаб ҳаёт булоги
Мўъжизалар айлар бунёд Андижон.
Мадхинг куйлар ҳатто ер ила осмон,
Сенга олқишиш, шону шараф Андижон.

Хар бир ишни бажармоққа тайёрсан,
Мехнат деса тунлари ҳам бедорсан.
Беллашганда ғалабалар сари сен,
Талпинасан мисли учқур тулпорсан.
Халқим кўрки - пилла, ок олтинга кон,
Яша доим, гўзал шаҳрим Андижон.

Зилол сувлар оқмокда шўх сойингда,
Янгиликлар қайнар ҳафта, ойингда.
Нурга тўлик, хур Ватанини олқишилаб,
Бахт куйлари янграр ҳамма жойингда.
Қишлоқ, шаҳарларинг бўлмокда бўстон,
Яша бунёдкорлар эли - Андижон.



ГУЛЛАРНИНГ АТРИ

Деразам олдида кўрсатиб юзинг,
Порлаб турарсан куёшдай бўлиб.
Мен сенинг атрингдан олганда нафас,
“Гўзал” дейман сени, шодларга тўлиб.

Жудаям гўзалсан, гўзалсан, гўзал,
Ва шодсан доимо, озод, баҳтиёр.
Сенда нур, саодат, меҳр ва вафо,
Адолат, нафосат гунчалари бор.

Сени ардоқлаш инсонга одат,
Сени ташламайди, севади ҳар чоғ.
Чунки сен инсонга бериб саодат,
Абадий юракка бўларсан ҳамроҳ.

Қизил гул, атиргул, сафсар гул бугун,
Жудаям чиройли бўлиб кетибсан.
Ўзингнинг ёқимли ҳидларинг билан,
Одамлар қўнглини хушнуд этибсан.

Мен ҳам шу инсонлар қатори сенинг,
Хушбўй ҳидларингдан бўлдим баҳраманд.
Шу атринг, она ер ва кишиларнинг,
Меҳрини қалбимга айлади пайванд.



ЧИРОГИМ СЕНСАН

Онажоним эшит, қалбим зорини,
Үз фарзандинг созлаб чертган торини.
Сенга айтай бугун мадхим борини,
Бахтим бирла порлок чирогим сенсан.

Сендан ўзга вафолини күрмадим,
Ўзгалардан ҳаёт сутин сўрмадим.
Сенсиз бахтим кокилларин ўрмадим,
Гулдасталар тўла кучогим сенсан.

Она десам, ғамлар бўлади адо,
Она десам, тоғлар чикарар садо.
Сенла, гўзалдир ёргулик дунё,
Инсонга жон берувчи булогим сенсан.

Сенсиз бўлармиди, боғлардаги гул,
Сенсиз куйлармиди, хушовоз булбул,
Сенла бахтли бўлди одамлар буткул,
Куч, мадорим, шухратим, қарогим сенсан.



СЕНСАН ЙОРАГИМ

Баҳор келди, гулу лола очилди,
Жамбилу райхоннинг ҳиди сочилди.
Даараҳатлар ёпинди зангори түнин,
Гўзалим, табиат ёзмади кўнглинг.

Осмонда оппоқ пар булутлар сузди,
Енгил куй овози ғам ўйин бузди.
Гул шохида қувноқ сайради булбул,
Шунда ҳам ҳасратинг кетмади буткул.

Ёки табиатга мадат унмасмисан,
Булбул овозига маст эмасмисан.
Ёки соғ севгидан берувчи дарак,
Керак эдими шу бечора юрак.

Майли, ол, сенга ҳадя қиласман,
Юрак ўрнида сени юрак биламан.

ҲИЖРОН ЎТИДА

Ёнмоқда юрагим ҳижрон ўтида,
Ширинсухан, типлари бийрон ўтида.
Кўрганда латофат нур ила кулиб,
Ақлимни айлаган ҳайрон ўтида.

Мұҳаббат боғини гуллатаётган,
Миришкор, соҳибу боғбон ўтида.
Юзлари ой мисол тунни ёритар,
Қалблари беғубор, осмон ўтида.

Хипча бел, соchlари қора қўнғироқ,
Шаҳло кўзли, кошлари камон ўтида.
Фалакка ўқ каби отилар сўзлар,
Номарддан мол каби сотилди сўзлар.

Бошида жаллоднинг турса қиличи,
Ҳақиқат бобини ботирлар сўзлар.

ШИРИН ХАЁЛ

Ширин хаёл сурдинг дедингиз,
Ширин хаёл-ширин сўзингиз.
Ширин ўйлаб юринг, дедингиз,
Ўйлардан ҳам ширин ўзингиз.
“Кўкнори”нинг ўйлари ўймас,
Мен чўмилган хаёл олдида.
Ташна кўнгил аразин қўймас,
Сиздек сулув аёл олдида.
Кўлларимдан етакладингиз,
Юлдузларнинг чорбогига.
Ҳижрон ила калтаклабсиз,
Фолиб бўлиб хаёл онига.
Ширин хаёл суринг дедингиз.
Сиз бормисиз ё хаёлмисиз,
Ишқингизда адо этдингиз.
Малҳамимсиз ёки болимсиз,
Пешонамда ўзиз боримсиз?

ЖАЙРОНА

Тоғдан тоққа тик учасан Жайрона,
Ой-юлдузни қучасан Жайрона.

Сенга қараб ўкирганлар шермикан,
Ёки тулки, қашкир қаро ермикан.

Кўз ёшларинг тушган тошлар ёрилсин,
Сохта ошиқ бўлган бошлар ёрилсин.

Юлдуз каби учма, сўнма Жайрона,
Алдовларга учма, кўнма Жайрона.

Илҳом богин тарк этмагин кез майли,
Бор-йўғимни ишқинг билан эз, майли.

Оёқларинг теккан тупроқ бўлойин,
Лабинг теккан сариқ япроқ бўлойин.

ШИФОБАХШ КҮЧА

Болалик пайтимда ёзниң күнлари
Кампирлар күчада ўтирар эди.
Оёғига суриб тупроқ, күмларни
Бир-бирига каромат уқтирар эди.


Эмишки бу күча тупроги азиз,
Хар қандай дардга ҳам бўлармиш даво.
Худоёр қолдирган эмиш бунда из,
Бу издан қанчалар топганмиш шифо.

Қишлоқ күчасида турибман шу чоғ,
Шўр тупроқ ўрнида асфалът теп-текис,
Аммо тол, тераклар ҳалиям шундок,
Ариқлар лабида ўшандай ялпиз.

Кампирлар сухбатин ўйлайман яна,
Қишлоқда шунчалар улуғмиди хон?
Ва лекин уларга қилмайман таъна
Оналар биз учун муқаддас инсон.

Бироқ мен бувилар галин тузатсан,
Хон эмас күчани азиз қилган жон.
Азиз, бувижонлар, мен сизга айтсан,
Оппоқ изларини қолдирган дехқон.

Унинг изларидан юраман мен ҳам,
Ўн минг хил дардимга топаман даво.
Хар битта қаричи қалбимга малхам,
Отам юрган кўча бу, қандай хушхаво!



МУНИС ОНАЖОН

Титрайди у
Ранглари сомон.
Калта-калта йўталар гоҳо¹
Чурқ этмайди
Мунис онажон.
Боласида унинг нигохи
Ҳалқа-ҳалқа ёшлар
Узилар.
Ажин узра юмалар
Пастга.
Бола эмас, она эзилар
Чалингандай худди у
Дардга.
“Ўғлим”! – дер она.
Тинглар самолар
Жим кулоқ солади
Шу азиз тупроқ.
Бирпас оқмай қолади
Ҳатто дарёлар.
Узилмай тўхтади
Тангадай япроқ.
Фақат ўғли унга
Кулоқ солмади.
Онанинг ёшларин
Кўрмади чоги.
У бир лаҳзагина
Жим қололмади.
Она нафасини
Сезгач кучоги
“Она”? - деди ўғил
Тинглади олам.
“Ўйнаб юрибдими,
Ўғилчам болам”.


ШАҲРИХОНСОЙ БЎЙЛАРИДА

Қуёш қалкир Шаҳрихонсой мавжларида,
Юрак ўйнап карнай-сурнай авжларида,
Элнинг кўзи паҳтакорим тожларида,
Фикрим учар Нодиранинг ўйларида.
Тарих кулар Шаҳрихоннинг тўйларида.

Маррадамиз элимизда режалар юз,
Паҳтакорнинг омади бу ёруғдур юз,
Бошдан олтин ёғдирмоқда бу саҳий куз,
Бугун келинг, Шаҳрихонсой бўйларига.
Сармаст бўлинг ширин қўшиқ куйларига.

Шаҳрихоннинг пичоғидай сўзи ўткир,
Ўғил бола дехқонимнинг ўзи ўткир,
Узоқларни илғагувчи кўзи ўткир,
Мехмон бўлинг, бўйиз бўйлаб бўйларига,
Буғдой тўла шаҳрихонлик уйларига.

Волидаи муҳтарамлар дуо айлар,
Тинчлик бўлсин куну кечса, йилу ойлар,
Юртимиизда кўпайишсин тўку бойлар,
Севинчларим Моҳларойим ўйларида,
Шодмондирман Шаҳрихонсой бўйларида.



ТАБИАТ ВА МЕН

Ўлтирибман анҳор бўйида,
Табиатнинг гўзал кўйнида,
Мажнунтолнинг хипча новдаси
Ўйнамоқда сабо куйида.

Қирғоқлари саховатли ёз,
Майсалардан солмиш поёндоз,
Хиёбондан қиё бокқан гул,
Қизлар лаби қилур жилва юз.

Шалдираган сувнинг мавжини,
Келтиради қалбнинг мавжини,
Қаёқладур хушнаво булбул,
Куйламоқда олам завқини.

Тўлин ой-чи, тақиб нур сирға,
Кулиб боқар водий-ю қирга,
Ёкутсимон маржон юлдузлар,
Сайр этгани чиқибди бирга.

Бу жаннатнинг гўзал сиймоси,
Хаёлларим олиб қўйибди.
Мени алдаб тоза қалбимга,
Ўз суратин солиб қўйибди.



ШАРПА

Қах-қаҳ отиб кулгандим ногох,
“Үпкаси йўқ”, деди бир шарпа.
Жим ўтиридим, ёнимда шундок,
“Ўлсин писмик”, деди бир шарпа.

Бир кулдим эшитди онам,
Кувончларим шамолдек елди.
Кулогимга узок-узокдан
“Тавба” деган бир шарпа келди.

1969 йил, апрель.

ОДАМ ҚИЛДИК СЕНИ, ДЕЙИШАР

Одам қилдик сени дейишар
Устозларим баъзи-баъзида.
Кўнглим ойдек бўлиб ёришар,
Куёш кўриб улар кўзида.

Шу қуёшдан олган зиёни
Авлодларга қилурман улаш.
Бермасинлар менга дунёни
Одам эди, дейишсалар бас.

КИЁ БОҚМАЙ

Киё бокмай ўтиб кетдинг,
Гадой олдидан.
Қарашга ҳам ҳазар қилдинг,
Бир ночор танга.
Аммо, узок умр тилаб,
Колди у сенга.

ОРЗУИМ ОЙДИН

Орзум ойдин, олам ойдин,
Ой осмонда очар ораз,
Одам ошиқ, олам ошиқ,
Ондин оғиз очай оз-оз.

Ой, осмондан олай офтоб
Ором олай оғушидан,
Ором олсин ошно олам
Ошиқ одам оғушидан.

ЯШИЛ ЯПРОҚ БҮЛИБ...

Яшил япроқ бүлиб яшагим бор
Кекса толнинг янги шохида.
Афсус ҳам йўқ, йўқдир ифтихор
Фақат умид йўлнинг бошида.

Кунлар ўтар яшил япроқлар
Умрин яшаб аста сўлади,
Сўнгунича кўм-кўк чироқлар
Бирга ёниб турсам бўлади.

ЁН, ЮРАГИМ, ЁН

Ён юрагим, тўхтама сира,
Дарёлардай қирғоқларга тош.
Ёна бергин тин олма лахза,
Оташлигинг бўлсин бир куёш.

1966 йил, сентябрь.

ТЎРТЛИК

Воажаб, икки кўзим икки томонни илғамас
Ўзи икки бўлса ҳам икки наводан йигламас.
Мисли икки кўз эрурмиз сен йигласанг мен бунда қон,
Сен агар кулсанг мабодо дилга нур тўлгай, ишон.

1969 йил, май.

ҒАЗАЛЛАР

КЕЛ, ҲАҚИҚАТ ИЗЛАШАЙЛИК

Кел, ҳақиқат излашайлик бу жаҳон бозоридан,
Барча дил кулгусидану барча жон озоридан.

Турфа гуллардан сўрайлик тўғриликми боғда деб,
Хам жавоб олсак ёмон бўлмас тикан агёрдан.

Не дегай осмонда юлдуз моҳитобнинг ҳукмига,
Не учун барглар тўкилгай изғирин-безоридан.

Куйласин булбул муҳаббат қўшигин тинмай яна,
Дарҳақиқат очдими юз гул анинг гулёридан.

“Ҳа” дегай булбул менга, “ҳа” дегай ғунача сенга,
“Биз ҳақиқат куйчисимиз, баҳту нур диёридан”.

Бу жавобдан ёқа ушлаб, лол қолурман ҳар қачон,
Сўнгра шодликка тўлурман, тўғриликнинг боридан.

Эй Мўмин, ўзингни отгин тўғриликнинг нахрига,
Марварид ҳар дам топилгай шу нахрнинг қаъридан.



ҚУЁШНИ СОҒИНИБ

Ёмғир ёғмокдадир бу тонг кўзим нечук ёшланмасун,
Юзда парда ила турсанг ҳижрон нечук бошланмасун.

Сенсиз кечам зўр базур ўтказганимдан дод этай,
Кўз очиб ҳолимни кўр демоқни истардим, нетай.

Келмадинг тонг бўлса ҳамки сўрамадинг дардимни сен,
Боғда гуллар қулса ҳамки ювмадинг гардимни сен.

Тун бўйи само боғида кездиму қон йигладим,
Кўрмадим юлдуз ётогида сани дил тифладим.

Йиглади Зухрою Моҳлар бечора ҳолим кўриб,
Тушдилар титроққа тоғлар сендейин золим кўриб.

Шунчалар кутдим бу тонгни билмадинг жоним қуёш,
Сезмадинг оху оҳангни тандаги қоним қуёш...

Ёмғир ёғмокдадир бу тонг кўзим нечук ёшланмасун,
Юзда парда ила турсанг ҳижрон нечук бошланмасун.



АДАШДИМ МЕН

Булбули гүё бўлиб бояни чаманда адашдим мен,
Тиллари бурро бўлиб яхши-ёмонга адашдим мен.

Ўт бўлиб ўтлар орасига ўзимни ташладим,
Учдиму юлдуз каби лаҳза замонда адашдим мен.

Душманим бағрини вайрон айламак истар эдим,
Дуст тутиб ёнимда турган ейи камонда адашдим мен.

Тавба, деб ёлғиз Оллоҳга ёлборурман туну кун,
Мўмину Мирзо бўлиб ёргуф жаҳонда адашдим мен.

СИЗ УЧУН

Сиз учун жоним фидо, десам куларсиз тўхтамай,
Куйдиму бўлдим адо, десам куларсиз тўхтамай.

Кундузим бўлди қаро юрагим ишқдан яро,
Малаксиз кизлар аро, десам куларсиз тўхтамай.

Бошима қўнди қўров, холима куймас биров,
Лабингиз бурмангиз дарров, десам куларсиз тўхтамай.

Суйганим хўп ёшмисиз , юрак бағри тошмисиз,
Ёки шўҳ бебошмисиз, десам куларсиз тўхтамай.

Оқар сувдай окармиз, жонни- жонга коқармиз,
Бир-бировга ёкармиз, десам куларсиз тўхтамай.



БҮЛДИ КЕЧ

Ким бугун маъшуқ элин дардига дармон бўлди кеч,
Булбули гўё мисол қалбидаги армон бўлди кеч.

Васлингиз қўмсаб нигорим ҳар кеча вайрон эдим,
Не қиласай, қалбим уйида юлдузли осмон бўлди кеч.

Бевафо деб юзларимга кора суртманг бунчалар,
Захри ғам тўлган юракка минг бир афгон бўлди кеч.

Ғунчадек қалбим аро армон ёзар панжа қанот,
Бир ғариб Мўминнинг ишқи тилларда достон бўлди кеч.


ОЙ ЯРИМ, ОЛАМ ЯРИМ

Тонг сахар кўк юзида, ой ярим, олам ярим,
Тонг қадар куйди роса, сен ярим, мен ҳам ярим.

Тун каби бўлди қаро, ҳар дами ҳижроннинг,
Тун дилинг этди яро, дард ярим, малҳам ярим.

Қонталаш бўлди қуёш, муждам ҳолинг кўриб,
Мен каби кўзида ёш, шук ярим, дил ҳам ярим.

Осмону ойга содик, сенгачи қалбим менинг.
Бир умрга бус-бутунмиз, бўлмагай бир дам ярим.



ОЙДИНОЙ ФОЗИЕВА

ОТАМ ИЗИДАН

(Хотиралар, маколалар, шеърлар)



Ойдиной Фозисна (*Мўминжон Маъмуроининг тўнгич фарзанди*) 1971 йил 17 августда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида таваллуд топган. Андижон Давлат университетининг филология факультетини 1993 йилда тамомлаган. Ҳозирда Шаҳрихон иқтисодист коллежида она тили ва адабиёт фанидан ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

2001 йилда «Ижодкор ўқитувчи» кўрик–танловининг Республика босқичи ғолиби, 2009 йилда «Йил аёли», 2010 йилда «Педагогик грандлар совриндори», 2011 йил «Йилнинг энг яхши она тили ва адабиёт ўқитувчиси» бўлган. «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» унвони, «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони совриндори, «Аёл қалби» шеърий ва «Она тили дарсларида интерфаол усуллар ва компьютер дастури» методик китоблар муаллифи.

ОТАМ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

Инсон түғилиши билан баҳтли күнларни бопидан кечираркан, яхши оиласа дунёга келиши унинг биринчи баҳти экан. Биз – фарзандлар шу баҳт билан түғилганимиз. Чунки бизнинг меҳрибон ота-онамиз бор. Улар бизнинг суюничимиз, кўргонларимиз, кўнглимизнинг юксак тоғларидир. Улар билан қанча фаҳрлансан, шунча оздир.

Менинг отам бир умр фаҳрланишга арзигулик инсон эди. Меҳрибон ота, жонкуяр журналист, меҳмондўст. Қаерга бормай, отам ҳақида яхши гаплар энитиб, кўнглим тоғдай кўтарилади. Беихтиёр фаҳрланиб кетаман.

1. ЧИНАКАМ ФИДОЙИЛИК

Отам бутун умрини журналистлик касбига бағишилаган. Бу касбнинг оғир-енгилини, аччиқ-ширинини тотган инсондир.

1974 йил Улуғнор туманининг “Комсомолобод тонгги” газетаси мухаррири этиб тайинланди. - 1974 йил 1 август куни газета чиқариш учун ҳаракат бошланди, - дейди отам ўша кунларни ёд этиб, - газета редакцияси Сариксув қишлоғида жойлашиб, босмахона Балиқчи тумани, Чинобод қишлоғида эди. Туман марказидан 30 км узокликда. Газета материалларини тайёрлаш жуда қийин кечган. Ходимлар уйига кетмай редакция биносида, босмахонада қолиб кетардилар. Чунки, чўлнинг кум шамоллари, бўронлари ёзнинг жазирама иссиқ кунлари, дам олишга қўймас пашшалари шунга мажбур этарди. Эҳ, канча қийинчилик кўрганимиз. Лекин, чўлқуварлар газетасини сифатли ва сўзини ўткир қилишга ҳамма баробар жон куйдирар эди.

Дадам шундай жафокаш инсонлар билан бирга ишлаб, “Комсомолобод тонгги” газетасини яхши, намунали газеталар категорига кўшди. Кейинчалик “Асака ҳаёти”, “7x7” газеталарида фаолият юритди.

«Журналист ҳар доим омма орасида қайнок ҳаёт қучогида бўлади. Муҳими эртанги кун ҳавоси билан нафас олиб яшайди. Бу ҳол уни ҳеч бир воқеликка лоқайд бўлмасликка, уни теран тахлил этишга, холис муносабат билдиришга ундейди. Зеро, бу инсондаги юксак фазилатлардан ҳисобланади» - дер эди дадам.

Қаерда ишламасин ўз қасбига содиқлик билан ишлаб обрў топди. Инсонларни иймон-эътиқодга, тўғрилик ва покликка чорловчи бир неча публицистик мақолалар яратди.

2. ФАХР ТҮЙГУСИ

Дадажоним Мўминжон Маъмуроғ ўз қасбининг устаси, жонкуяр инсон бўлганиданми биз фарзандлари қаерга бормайлик отамиз ҳақида мақтovлар эшитардик.

2001 йил “Ижодкор ўқитувчи” кўрик-тандовида иштирок этиб, ғолиб бўлдим. Танловнинг республика босқичи Самарқандда бўлиб ўтди. Самарқандда минораларни зиёрат қилас эканмиз, журналист, болалар шоири Олқор Дамин билан сухбатлашиб қолдим.

- Қизим, Андижонданмисиз? - сўради Олқор Дамин.

- Ҳа, Андижоннинг Шаҳрихониданман.

- Жуда яхши. Асака шаҳри сизларга узоқдир. Бир яхши инсон бор эди, танимасангиз керак.

- Айтаверингчи, Асака ҳам бизга яқин. Таниб қоларман, - дедим.

- Шу “Асака ҳаёти” газетаси мухаррири Мўминжон Маъмуроғ.

- Ия, бу менинг дадам-ку – дедим ҳайратланиб.

- Шундайми? – деди хурсанд бўлиб Олқор Дамин ва шошиб-пишиб сумкасидан “Асака ҳаёти” да берилган шеърларини олиб кўрсатди. Мени дўстларига, ёзувчи-шоирларга таништириб – Бу қизим, дунёдаги энг меҳмондўст, камтарин, очиккўнгил инсон – Мўминжоннинг қизи экан, – деб таништириди. Отангиз бизни Самарқанддан келган деб шундай меҳмон қилганки, шундай эътибор билан қараганки, ҳозиргача ёдимда, - дейди Олқор Дамин.

Мен Олқор Дамин билан дадам ҳақида узок сухбатлашдим.

Отам ҳақида туман, вилоятимиздагина эмас, балки, Самарқандда ҳам илик сўзлар эшитганим, мендаги фахр түйгусини юксалтириди.

3. БИР ДАСТА ГУЛ

Оиламизда олтинчи қиз туғилди. Дадам ишдан келиб, “машинаға чиқинглар, жижи уканғизни күриб келамиз”, деди. Биз беш қиз өткөнде өткөнде машинаға чиқдик. Яңги чақалоқ укамизни күриб чиқарканмиз коридорда доя (күшнимиз) Матлуба опа күриниб қолди ва дадамга:

- Чашалоққа нима исм қўйдингиз, Мўминжон ака, - деди.
- Дадам кулиб “Гулираъно”, - деб жавоб берди.
- Матлуба опа: “Вой, бунча чиройли исм. Бу нима маънони билдиради? – деди.
- Даста гул – деди дадам кулиб. Қизларимни бир даста гул килиб боғлаб кўйдим.

Ҳақиқатдан ҳам, даста гул килиб боғланган экан, еттинчи фарзанд ўғил туғилди.

Биз олти қизни отам битта қиздек улғайтирди. Университетни тамомлаётганимда диплом ҳимоясидан чиқсан, дадам бир даста гул билан турибди. Жуда ҳам хурсанд бўлгандим ўшанда.

Бир кун фотиҳага келган аёллардан бири тушида: “Ҷабристонда бир қабрдан нур ёғиляпти экан, ҳаммамиз вой Мўминжон аканинг қабри-ю” деяпмиз деганди, иккинчи бир аёл, Мўминжон аканинг қабрида ҳар куни бир даста гул чаман бўлиб узоқдан күриниб турари, Мўмин аканинг фарзандлари келибди-да деймиз, деб қолди.

Ҳа, дадам бизни бир даста гулларим деб катта қилган эди. Энди қабрида бир даста гуллар яшнаб турибди.

4. САНЪАТГА ОШУФТА ҚАЛБ

Китоб жавонидан альбомни олдим. Энди хотирага айланган суратларга назарим тушди. Сурат билан биргалиқда бир-бир дадам билан ўтказган баҳтиёр кунлар кўз ўнгимда гавдалана бошлади. Мана, биринчи сурати. Бунда барча оиламиз билан адирларни ўз гўзаллиги билан безаган қип-қизил лолақизғалдоқлар бағридамиз. Иккинчи сурат. Бунда Еттибулоқнинг шўх сойлари бўйидаги сўрида жамулжаммиз. Учинчи, тўртинчи суратларни бирида Шоҳимардан тоғлари бағрида бўлсак, бирида Наманган боғидамиз. Қайси суратни кўрманг, барчасида оиламиз баҳтили, баҳтиёр эканлиги күриниб турарди. Албатта бунга сабаб оиламиз бошлиғи отажоним эди. Дадам бизни хушнуд этишни жуда хуш кўтарди. Ҳаммамизни

машинага тўлдириб, то манзилга етгунча кўшик айттириб кетар эди. Биз ҳам шунақанг жўшиб, мароқ билан баланд овозда кўшик айттардик. Тўхтаб колсак, дадам яна ўзи бошлаб берар эди.

Ҳозир шуларни ўйлаб хайрон коламан. Баъзида фарзандларимиз кўшик айтиб словқин қиласа, “Бўлди, бас қил бошим оғрияпти”, деймиз. Дадамчи, аксинча кўшик айтмасак хафа бўларди. Кўнгли кенг, санъатга ошуфта инсон эди. Мени кичиқлигимда мусика мактабига рубоб чалишини ўрганишига берганди. Уйимизнинг тўрисидаги гиламда рубобим илинику турарди. Бир куни уйимизга Марғилондан меҳмонлар келишди. Дадам уларни жуда яхши кутиб олди. Меҳмонлардан бири рубобни кўриб хурсанд бўлиб кетди.

- Мўминжон ака, сиз санъатни қадрлайсиз-да. Мана келишимиизга рубоб ҳам илиб қўйибсиз, - деб меҳмон рубобни кўлига олди.

Меҳмонлар бирин-кетин кўшик айта бошладилар. Мен эса уларни сийдаги уйда маза қилиб эшитардим. Дадам ҳам жуда чиройли кўшик айтди. Шу куни меҳмонлар кўшик айтиб тонг оттирдилар. Бу воеа мени ҳам санъатга бўлган муҳаббатимни оттирди ва хотирамда бир умр муҳрлалиб қолди.

5. БЕШИҚДАН ҚАБРГАЧА ИЛМ ИЗЛА

Уйга келиб, китоб жавонини олдига бораман. Ундаги китоблар ўх-хў дадам умри давомида йиққан китоблар – дадамнинг энг катта хазинаси. У кишининг ҳар бир китобларини кўзларимга суртаман, чунки уларда дадам кўлларининг излари бор.

Дадам ҳастлигига бир куни хазина ҳақида гапириб қолди. Шунда мен дадамга “Дада, менга китоб хазинангизни бериб кўя қолинг, бошқа нарса керакмас”, – деб ҳазиллашдим. Дадам – “Йўқ, бу уйимизнинг маънаний хазинаси. Моддий хазинадан олсанг ўрнига бошқасини олармиз, лискин, бу маънавий хазина ўрнига тополмаймиз. Бу китоблар жуда кадрли китоблардир”, – деди.

Дадам ўз устида ҳар доим ишларди. Янги асарларни ўқиб, мазмунини сўзлаб берарди. Эскича деб “Куръони Карим” сураларини ҳам мазмунини кенг, батафсил тушунтириб берарди. Қачон уйга келсам, бирор китоб мутолаа килаётган бўларди. Ҳатто нафақага чиққач, араб тилини ўрганиш учун Андижон давлат университетига ўқишга қатнаган эди.



Мўминжон Маъмуроў



Мўминжон Маъмуроў турмуни ўртоғи Муқаддамхон
ва ўели Баҳодиржон билан



Мўминжон Маъмуроў оила даврасида



М. Маъмуроў дўстлари билан



М. Маъмуроў «Косонсой» сиҳатгоҳида



Суратда Мўминжон Маъмуроў, Муроджон ҳожи
Рахмонов ва Озодбек ҳожи Абдурахмонов



М. Маъмуроў маҳалладашлари билан «Еттибулоқ»
сайлгоҳида



Мўминжон Маъмуроў қизи Гулираъно, нсваралари
Гулибарно ва Гулизаҳро билан

“Сиз отангизга ўхшайсиз, отангиз йўлини тутдингиз”, дейишади одамлар. Йўқ, мен дадамнинг ўндан бир қисмига ўхшар эканман, холос. “Сен илмий иш қилишинг керак, ҳамиша изланишда бўлишинг лозим”, деб мени илмга йўналтириди. Илмий мақолаларим, китобларим чоп этилганда хурсандлиги ичига сифмас эди дадамнинг. Дадам мени фан номзоди, буюк шоир, катта ўқитувчи бўлишимни жуда хоҳларди.

“Ўз устингда ҳар доим ишла. Ўқувчилар умид билан дарсга келади. Ишлаганда ҳам масъулият ва иштиёқ билан ишла. Ўқувчиларга ўз фарзандингдек қара. Мехр кўрсатсанг, меҳр кўрасан. Ўқувчиларинг ўзи сени кўкка кўтаради. Қанийди қизим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи бўлсанг”, деб хаёл сурин қоларди. Фақат менгагина эмас ўқитувчи сингилларим, келинимизга ҳам дарс ўтиш усуулларини ўргатар эди.

Ҳатто оғриб ётибди-ю, ҳаммамизга қараб, “Боринглар дарсларингизни ўтинглар. Болалар сизларни кутиб колади”, деди.

Мендан “Биринчи устозингиз ким?” - деб сўрашади. “Бадий ижоддаги устозим отам”, - деб жавоб бераман. Отам мени ҳамиша ижод билан ҳамнафас бўлишга, иқтидорни ҳалқ билан баҳам кўришга ўргатди.

Ҳар гал уйга келганимда мен билан илмий, бадий изланишларим ҳакида сўради. Соат-соат гаплашиб ўтирадик. Тинмай ижод қилишга, изланишга ундарди. Ҳатто бироз дангасалик килган чоғларим койиб ҳам берарди. Ҳамиша ручка, дафтaring ёнингда турсин. Истевъод ҳалқники, уни ўзинг билан олиб кетишига хақкинг йўқ дер эди. Буни куйидаги шеъримда ифода этган эдим.

ЙЎҚДИР ҲАҚҚИНГИЗ

- Ҳа, қизим, ижодлар қалай?
Эшитайлик сиздан янги шеър.
Ҳижсолатдан бошимни эгуб,
Айтотмасдан мени босар тер.

- Дадажон, аёл эканман-да,
Юмушлардин тегмайди қўлим.
- Шеъриятга хиёнат қилмоқ,
Шоир учун ўлимдир, ўлим.

*Бир құлнгиз тебратса бешик,
Бир құлнгиз тебратсан қалам.
Бедорликка очинг, сиз, эшик
Үша гафлат, қылсан бир алам.*

*Сизга Аллоҳ берса истеъдод,
Чидам берса бедор сабрга.
Тебратмасдан қаламни бедод,
Олиб кетмоқчимисиз қабрга?*

*Истеъдод сизники эмасдир,
Керак эмас сизнинг аҳдингиз.
У халқники, элники, басдир,
Кўммоқча ҳам йўқдир ҳаққингиз.*

- Дадажон, келинг китобингизни чиқарайлик. Қанча шеърлар, ҳикоя, мақолаларингиз бор, - дедим дадамга кунлардан бир кун.

- Майли, қизим, лекин иккаламиз китоб чиқарамиз. Ота-бала китоб чиқарибди дейишади.

- Жуда яхши бўларди. Номини нима деб атаемиз, - дедим курсанд бўлиб.

- Китобни тайёрлайвер-чи қизим, номи ҳам топилиб қолар, - деди. Катта китоб қиламиш. Ўртасига оиласвий расмлар кўйдирамиз. Иккаламиз биргаликда расмга тушамиш...

Мен китоб тайёрлашни бошладим, лекин чоп эттиришга улгуролмадик. Дадам оламдан кўз юмар чоғида китобга шогирди Абдумуттал Абдуллаевга сўзбоши ёздиришимни, кейинчалик бадиий, публицистик ижодимда қайси журналистларга учрашим ва улар менга албатта ёрдам беришини таъкидлаб ўтди.

Дадам ўтгандан сўнг, анчагача қўлим ишга бормади. Мана, дадажоним оламдан ўтганига етти ой ҳам бўлибди. Хонада ўтирсам, бир ўқувчим кириб менинг ҳолимни кўриб:

- Опа, бизга бир ривоят айтиб берган эдингиз эсингиздами? - деб қолди.

- Қандай ривоят экан, эсимда йўқ, - дедим, кўз ёшларимни артиб. Ўқувчим ривоятни сўзлай кетди: “Бир подшоҳ қўшини сахродаги жангда ҳалокатга учрабди. Қўшинидан бирорта ҳам одам соғ қолмади. Севимли оти ҳам сувсизликдан ўлибди. Подшоҳ

“Қисматимга шу ерда ўлиш битилган экан-да”, деб ўйга чўмиб ўтиrsa, бир чумоли кум барҳанлардан қийналиб юриб тепага чиқса, яна кумлар устига тўкилиб, тагида қолармиш. Чумоли яна бош кўтариб кум устига кўтарилар экан. Шунда подшоҳ шу чумолида бор куч менда йўқми? У чумоли экан. Ахир мен инсонман-ку, деб ўзида руҳий куч топибди”.

Ўқувчим чиқиб кетгач, ривоятни шарҳлай бошладим. Бу ривоят менга руҳий куч берди. Мана қўлимга қалам олиб китобни ҳам тайёр ҳолга келтирай дедим. Ҳар куни “Дадажон, тушларимга киринг, китобингизга ном қўйиб беринг, бирор нарсани имласангиз ҳам майлига” деб сўрайман. Лек ҳеч ҳам тушимга кирмади. Бир куни дадамнинг расмлари, газеталари, мақолаларини йиғиб олиб, ном ахтардим. Ҳар хил ном қўйиб кўрдим. Бир мақоласига қўзим тушди: “Ёнаётган күш” Қақнус ҳакида ҳам ҳикоя келтирилган.

Топдим. “Қақнус” деб номлайман. Дадажоним ҳаётда ёниб яшадилар, дедим.

Эртаси куни дадам тушимга кириб қолибди ва менга:

- Жуда чиройли ном танладинг, қизим. “Қақнус” – ёнаётган күш, - деди.

Дадам умр бўйи илм излади. “Бешикдан қабргача илм изла” ҳадисига амал қилди. Оллоҳ маҳшар кунида дадажонимни олимлар, илмилар қаторига қўшин.

6. ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙСИЗ

Менинг меҳрибон дадажоним! Мана сизнинг оламни тарк этганингизга ҳам етти ой бўлибди. Мен эса сизсиз минг йил яшагандайман.

Дамасга чиқиб, ишга кетяпману бу олам шундай кўримсиз, ё кўзларим янада хира тортдимикин? Барча қасбдошлар, дўст-у дугоналар сўзлашади. Улар хафа бўлмасину сухбатлари ёқмасди. Кўнглим кимнидир, ниманидир жуда соғинади. Юрагим, йўқ қалбим, йўқ ич-ичим, йўқ бутун вужудим оғрияпти. Сизни, сизнинг сухбатингизни соғиняпман, дадажон.

Ўгитларингиз, насиҳатларингизни эшитгим, сиз билан тонглар отгунча сухбатлашгим келяпти. Наҳот, сизсиз бу олам рангиз, бўёқсиз, ёхуд кўзларимнинг нури сиз экансиз, дадажон.

Инсон оламни тарк этганда “бу яхши одам эди” деб уч киши айтса, у одам жанинати бўлар экан. Дадажон, эшигимизга сизни

Йўқлаб келган ҳар бир одам “Мўминжон жуда яхши инсон эди” дейишиди. Тириклигингизда қанча фахрланиб юрсам, ўтганингиздан кейин дўст-танишингиздан эшитган сиз ҳақингиздаги яхши сўзлардан кўнглим осмон қадар юксалди. “Ха, менинг шундай ажойиб дадам бор эди” – дейман фахрланиб.

Дадажон, сиз саҳий, очиккўнгил, одамларга ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам берувчи инсон эдингиз. Бирорни уйи куйибди деса, уйдан нима керак бўлса шуни, моддий қийналибди деса, дўконда нима бўлса шуни элтардингиз. Кўлингиз ҳам, кўнглингиз ҳам очик эди. “Савоб керак, қизим, савоб бўлади”, - дер эдингиз.

Эшлишимча, яхши, солиҳ фарзанд ўстирган инсоннинг савоб дафтари ҳеч қачон ёпилмас экан.

Менимча, сизнинг савоб дафтaringиз ёпилгани йўқ. Биз фарзандлар учун сиз хамиша барҳаёт, абадий, ҳар доим ёнимиздасиз.

Биз “Мўминжон Маъмуроғ” фарзандлари бўлиб, сизнинг савоб ишларингизни албатта давом эттирамиз.

ҚАЕРДАН ТОПАЙ?

*Ота, кўчамизга келдим мен мана,
Сиз юрган кўчанинг тупроғин ўпай.
Кўзларим излайди, изларни яна,
Отажон, изингизни қаердан топай?*

*Ота, дарвозангиз очдим мен яна,
Сиз кийган кийимни кўзимга суртай.
Излайман барча уйларни яна,
Ота, ўзингизни қаердан топай?*

*Ота, китоб жавонин очдим мана,
Суҳбатдош бўлмаса китобни ёпай.
Кўнгил дилдош излайди, излайди яна,
Ота, сўзингизни қаердан топай?*

*Ота, кечалар ойдиндир мана,
Ой нурларидан ойнамни ёпай.
Сизсиз Ойдинойингиз Ойдин ой эмас,
Ота айтинг, Ойдинликни қаердан топай?*

СОГИНДИМ СИЗНИ

*Согиниб тонглар отгунча,
Кутаман қүёш ботгунча.
Ярим күнглим тұлмас экан,
Йиеларман дарәт тұлғунча.*
(Күшиқдан)

*Тұнлар улашмоқда тонгларга,
Сизни үйлаб қүёш ботмоқда.
Куни билан сизни тополмай,
Согинч мен-ла бирга ётмоқда.*

*Согиниб тонгларим отгунча,
Юпанч туїзусини сотмоқда.
Юрагим-эй, қийналдим дея,
Мени оловларга отмоқда.*

*Согиндим, согиндим-эй сизни,
Вужудимда қийналяпты жон.
Күнгил үрттар сұхбатингизни,
Қайдан излай сизни, отажсон.*

*Хеч сұхбатдош тополмаяпман,
Сиздек рүхий мадад бергувчи.
Дил дафтарин ёполмаяпман,
Малжам бүлди бираам севгувчи.*

*Күзларимда шашқатор ёшлар,
Тилем сиз ҳақынгизда сүзлайды.
Күнгил сизни излашга бошлар,
Тополмасдан у ҳам бүзлайды.*

*Бугун тунга мұтлоқ шерикман,
Күлларимдан етаклар қайгу.
Бу ҳаётда токи тирикман,
Яшаяпсиз қалбимда мангу.*

2013 йыл, 7 июль.

МАҚОЛА ВА РИВОЯТЛАР

ГҮЗАЛЛИК НАДУР?

Адабиёт, одоб, булар маънавий фазилатлар хазинасиdir. Ундаги ҳар бир шеър, ҳикоя, эртак, қисса-ю роман инсонларга одоб-аҳлоқ, эзгулик баҳш этди. Ўқувчини яхшилик ва ёмонлик, тўғрилик ва эгрилик, эзгулик ва қабиҳлик каби жиҳатларни фарқлашга, мушоҳада этишга чорлайди, йўлга етаклайди. Лекин, ёзувчию шоирларнинг, мусаввиру файласуфларнинг ўй-фикрлари, қалбида жунбушга келган тўлқинларни, бу тўлқинларда ифода этилган гўзаллигу нафосатни, улуғворлигу фожиавийликни, олижаноблигу тубанликни ҳис этиш, ҳис этишга ўргатиш – эстетика фани мавзусидир. Чунки, бу фанда ривоят, ҳикоя ёхуд шеър ифодали айтилибгина қолмай, балки таҳлиллаб, ундаги ҳар бир сўз, ибора мағзи, мазасини билиб шундай сўзлаш керакки, токи дил торлари чертилиб, этлар жимирилаб, бутун вужуд билан ўша гўзалликни кашф этсин.

Файласуф фикрларини ўқийман ва ҳайратга тушаман.

Қадимги юонон файласуфи Арасту Искандар Мақдуний (Александр Македонский)га мураббийлик қилган. Искандар тахтга ўтиргач, ўз устози ва дўстига атаб ҳайкал барпо этди. Бу ҳайкалнинг пойида шундай ёзувлар бор эди: “Искандар ушбу ёдгорликни Никомахнинг ўгли, буюк донишманд ва авлиё Арасту хотирасига ўрнатди”.

Шарқ асотирларида ёзилишича, бир куни Искандар Зулқарнайндан сўрадилар:

- Не сабабдан устозинг Арастуни отанг султон Файлакусдан ҳам аъло кўрасан?

Шоҳ Искандар шундай жавоб қайтаради:

- Отам менинг жиссими ни тарбиялаб, осмондан ерга олиб тушибди. Устозим Арасту эса менинг руҳимни тарбия қилиб, ердан осмон қадар юксалтириди.

Демак, инсон ҳаётида устоз, устознинг маъноли ўгити муҳим омил экан. Тарбия, мисқоллаб, катра-катра йигилиб шаклланади, қалбни поклайди, руҳни тозалайди ва юксалтиради. Инсон қалбини поклашда, руҳини тозалашда гўзаллигу нафосат, уни дилдан ҳис этиш муҳим роль ўйнайди.

Бир куни Хитой файласуфи Ван Ямин дўстлари билан сайр килаётганда улардан бири қояларда барқ урган гулларга ишора қилиб сўради:

- Оламда ҳеч нарса дилдан ташқарида мавжуд бўлолмайди дейсан, аммо мана бу қоя бағридаги гуллар ўзидан-ўзи ўсади ва курийди. Қани айтчи, бу гул билан менинг қалбим ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин?

Ван Ямин дўстига шундай жавоб қайтарди:

- Гулларга қарамасингдан аввал улар ҳам, сенинг қалбинг ҳам осойишта эди. Гулларга кўзинг тушган онинг эса сен уларнинг рангини қалбинг ила англадинг. Шундан кўриниб турибдики, гуллар сенинг қалбингдан ташқарида қололмайди.

Гўзалликни қалб билан англамоқ керак. Гўзал нарса бизни ҳамиша завқлантиради, ёркин ҳис-туйғулар уйғотади, кайфиятимизни чоф қиласди. Гўзаллик ҳамиша бизни ўзига мафтун этади.

Ёғаётган оппок қорга, илк бор ниш уриб чиқаётган майсаларга, баҳорда илк бора очилган бодом гулларига қараб: “Қандай гўзал-а”, - дейсан киши. Кимнидир соғинасан, кимгадир интиласан, кимгадир бир умр баҳт тилаб яшайсан. Бу меҳр, бу муҳаббат. Меҳрга, муҳаббатга, гўзалликка ҳеч қачон инсон тўймайди.

Аллоҳ инсонни мукаммал, гўзал яратди ва у гўзалликни хуш кўради.

Жалолиддин Румий ёзади: Мажнуннинг замонида ҳам гўзаллар бор эди ва улар Лайлидан хуснлироқ эдилар. Мажнунга “Лайлидан чиройлироғини, хуснлироғини кўрсатайлик, берайлик”, дедилар. Бироқ, Мажнун уларни сезмади. Уларга қаратади: “Лайли қошимда бир қадаҳ кабидир. Мен шу қадаҳдан шароб ичаётирман. Чунки, мен шаробга ошиқман. Сизнинг ўзингиз эса фақат қадаҳ ичидагидан хабарингиз йўқ, гофилсиз”, деди.

Демак, инсоннинг ботиний ва зоҳирий олами гўзал бўлмоғи керак экан. Ташки гўзалликка ички қалб гўзалиги уйгунашгандагина гўзаллик кашф этилади. Ички гўзалик – хулқатвор чиройи, меҳнатсеварлик, эзгуликка интилиш. Гўзаликни ҳис этиш учун қалб осойишта, сокин бўлмоғи керак. Хитой файласуфи Сюон Сзи шундай дейди: “Қалби безовта инсон таом қанчалар лаззатли бўлмасин, унинг таъмини сезмайди, қанчалар ёқимли бўлмасин, қўнғироқлар жарангини ҳис этолмайди, кўзлари ажойиб нақшлар билан безалган либосни кўриб турсада, бу гўзалиқдан

завқ ололмайди. Агар инсон қалби осуда ва шод бўлса, гуллар одатдагидек мафтункорлик касб этмаса ҳам кўзи кувнайверади, оҳанглар одатдагидек ёқимли жарангламасада дили ором олаверади”.

Гўзалликни ҳис этганимиз сайин хунукликни, улуғворликни англаганимиз сайин фожиавийликни, юксакликни билганимизда тубанликни сеза бошлаймиз ва қалбимизга қулоқ соламиз. Қалбимиз эса ҳамиша гўзаллик ошносидир, ҳамиша меҳрга ташна. Ҳазин янграётган мусиқа қайси кўнгилни четлаб ўтиши мумкин?! Чиройли чизилган сурат олдида қандай ҳайратимизни яшира оламиз.

Жалолиддин Румий “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил”, дейди. Биз бу оламга кўнглимиз-ла боқсан, қалбимиз-ла назар ташласак албатта, гўзалликни ҳис этамиш. Гўзалликни ҳис этиш эса инсонларни ёмонликдан асрайди. Мехнатсеварлик дангасаликни, тўғрилик эгриликни, камтарлик манманликни енгиб ўтади. Қалб тозара бошлайди.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг “Бир ниҳол” шеърида шундай сатрлар бор.

*Юртдошим, богингга бир ниҳол қада,
Бу ниҳол номини яхшилик ата.
Ниҳолнинг ёнига бир гул экиб кўй,
Бу гулнинг номини Гўзаллик деб кўй.
Гулу ниҳолингга баҳши этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга меҳр деб қўй от.
Сендан фарзандингга боз қолсин, эй дўст
Богинг Ватан, деган ном олсин, эй дўст.*

Бундай гўзал сатрлар ҳар бир инсон қалбидан жой олади. Ишга шошилиб кўчага чиқдим, ёмғир майдалаб томчилай бошлади. Майнин шабада кузнинг ажиб тароватини олиб келди. Қалбим ажойиб ҳисларга тўлик.

Шунақанги кўтаринки, ажойиб кайфиятдаманки, буни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Фақат ўкувчиларимга шу кайфиятни улаша олсан, дарс мобайнида қалбларда озгина бўлса-да гўзаллик қашф эта олсан, мен ўзимни дунёдаги энг баҳтли муаллима ҳисоблардим. Зоро “Дунёни эзгулик ва гўзаллик куткаради”.

ОЛОВ БҮЛИБ ЯШАЯПМАН МЕН

(ёки мұхаббат чизгилари)

Машина силкиниб юра бошлади. Беихтиёр күзларим сұхбатдошим никохига түқнашди. Никохлар лаблар табассумини олғандек кулимсираб турарди. Бу никохларга күп маротаба бокқандим, бу күзлар неча бор учрашганди. Улар ҳар учрашганданда күнглім бу никохларни кашф этаётгандек эди. Лекин, бу сафардаги сұхбатим сұхбатдошим күнгіл құлфини очиб юборди.

Салқын сүрида ўтириб, у ёк-бу ёқни кузатаётган сұхбатдошим никохи сүридан пича наридаги ўриндикда ўтирган йигит ва қиза түшди-ю, “Эх, ёшлиқ, ёшлиқ”, деб менга ўгирилиб, дабдурустдан, “Ёшлигингизда севғанмисиз? Биринчи мұхаббатингиз армон бўлиб қолмаганими?”, - деб саволлар бера кетди. Мен кулимсираб, бошимни “йўқ” деб силкидим”.

- Ҳали, илк мұхаббатни хис қилмай туриб, шеър ёзаман, шоираман денг, - деди-ю, бир хўрсиниб кўшиб кўйди. – Агар илк мұхаббатингиз армонга айланганида, катта шоира бўлармидингиз?

- Эҳтимол, - дедим кулимсираб унга боқарканман. Унинг кўзларida ўзгача учқун пайдо бўлган эди.

Мұхаббат, мұхаббат... деди-ю, сұхбатдошим бир зум жим қолди. Сўнг нимагадир, мен билан дардини бўлишгиси келди чоги, қалбининг қаърига кўмилган мұхаббати ҳақида сўзлай кетди.

Ўша куни мен унинг ҳикояларини оддийгина эшилдим. Лекин, юрагимда нимадир пайдо бўлди. Ачинишми, қандайdir хўрсиниқми, билолмадим.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. У опани неча бор кўрсам, ўша ўтли никохларига боқсан, менинг юрагим шунча оғирлашаверди. Энди унинг ҳикоясини нафақат эшитиб, ҳатто хис қилиб бораётган эдим. Уни ҳар кўрганимда бир дардим минг дардга айланадаётгандек, гўё. Яна бир куни Дамасда учрашиб қолдик. – Озодбекдан бир кўшиқ кўйинг, ука, деди сұхбатдошим ҳайдовчига.

- Хўп опа, ҳозирда...

Машинада наво янгради:

Юрагим-эй, сенга раҳмим келиб кетди,

Армон сени яна бир бор олиб кетди...

Кўшиқни эшитиб кетаётган сұхбатдошимга тикилдим. У хаёл огушида эди. Ўйчан никохларига бокдим. Яна қалбимда хўрсиник,

оғирлик ҳис қилдим. Унинг изтироби менинг қалбимни ҳам ўртамоқда. Нигоҳларига боқиб туриб, юрагим унсиз йиғламоқда эди.

- Ёзмасам бўлмайди, опа – дедим сухбатдошим хаёлини бузиб. У секин мийигида кулиб бош силкитди. - Қачонгача сизнинг дардингиз билан яшай оламан, қийналиб кетдим. Қоғоз кораламасам бўлмайди, - дедим сухбатдошимга.

У менга кулиб кўйди ва жим қолди. Бир оздан сўнг:

- Ёзинг синглим, муҳаббат ҳақида қанча ёсангиз оз. Агар кўлимдан келганида у ҳақда ўтли роман ёзардим. Уни ўқиганки дил муҳаббат оловида ёнар, муҳаббатни қалбан ҳис этар эди. Синглим, айтинг, агар муҳаббат бўлмаса, шу оловдан сақланиб қолган бир парча қоғозни 35 йилдан бери кўзга суртгудай бўлиб авайлармидим?

Кўзим чеккалари оловдан кўйган бир парча қоғозга тушди. Унда шу сатрлар бор эди: “Мени кутасизми, Барно...”

Шу бир парча қоғоз муҳаббатдан эсадалик. У менга юпанч. У менга далда, у менга куч-куват, - деди сухбатдошим менга қараб, яна давом этди:

- Сочларга оқ тушди. Фарзандлар, турмуш ўртоғим меҳри ила ширингина оиласам бағридаман. Лекин, баъзан қалбнинг, юракнинг бир четига кўмилган муҳаббат мўралаб кўяётгандай. Унинг бир мўралashi ҳам қалбда илик туйғулар уйготаётгандай.

Бир кун ишдан қайтаётib Дамасга чиқдим. Ажаб, юрагим безовталана бошлади, унинг гупиллаши кулогим остида жаранглайти.

Муҳаббат деб тошлиар ютган бу юрак,

Муҳаббат деб ёшлар ютган бу юрак,

Бунча дукилайсан, безовта, сабаб?

- Ёнингда турибди шик бор *Муҳаббат*.

Не кўз билан кўрайки, ёнимда ўша мен севган йигит.

- Яхшимисиз, Барно?

- Яхшимисиз, - дедиму лов-лов ёнаётгандан, олов пуркаётгандан нафасимдан хижолатдаман.

Бир зум кўзлар тўқнашди. Бир зум кўзлар сухбатлапди. Дамасдан тушяпману унинг нигоҳлари мени таъқиб этмоқда эди.

Кўмандим қалбимнинг қаърига буткул,

Унутдим, дегандим ўйламай буткул,

Оҳ юрак, шитимос, ўзингни туткил,

Қоқилиб кетмайин нигоҳларидан.

Мен сұхбатдошим ҳикояларини икки-уч йил сабр билан зиши-тиб, қалбим қийноқда қолди. Лекин, унинг юраги 35 йилдан бери мұхабbat кийноғыда экан. Опа бу қийноқни хузур деб билади.

- Эхтимол, синглим, мен севгимга етишганимда бу даражада у инсонни севмасмидим, бу даражада мұхабbat олови мени ёқмасмиди? Бир нарса, ўша инсоннинг борига, Аллох шундай мұхабbatни қалбимга жойлаганига шукр қиласман. Чунки, шу нарса менинг қалбимда бир умр порлаб келди. Хар кимга ҳам севищдек, севилишдек баҳт насиб айласин. Инсон севмас, севилмас, мұхабbat йүқ деб яшаши мүмкін. Чунки, мұхабbatни унинг оловида күйгандар билади, - деди-ю, сұхбатдошим нигоҳини узоқ манзилларга тикди.

Мен унинг нигоҳларидан мана бу шеърни ўқидим.

Учқун бўлиб қалбимга кирдинг,

Олов бўлиб яшаяпман мен.

Мисқолгина меҳрни бердинг,

Тогдай дардан ошаяпман мен.

Юрагимга бир бор мўралаб,

Берид қўйдинг безовта юрак.

Қара энди, урад гупиллаб,

Илк бор мұхабbat.

Боринг учун шукрлар айтай,

Мұхабbatни кўрдим кўзим-ла.

Умид соҳилини унутай,

Аксинг чизай рангли сўзим-ла.

Мендан йироқ, мендан узоқда,

Яшаяпсан баҳтдан таҳт тилаб.

Кўнглим бироз йиғлаган чөгда,

Юпатади бошимни силаб.

Илк бор мұхабbat.

КИМ ЎГРИ?

(Ҳикоя)

Интизорнинг юрак ҳовлиқиши ҳали тўхтамай, уни бесаранжом қилас эди. Болаларига телевизорни ёкиб берди-ю, ўзи қўшни айвонга чиқди. Дераза ойналарини очди. Ташқаридан кирган баҳорнинг майин шабадаси юзига урилиб, димоғига ўрик гулларининг муаттар хидини олиб келди. У тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Оқшом чўкаётган шахарни, узокдан кўриниб турган қир-адирларни томоша қилди. Унинг уйи тўртинчи қаватда бўлганлиги учун бу манзара жуда чиройли эди. Лекин, Интизорнинг кўнглига бу ҳам таскин бермади. У чукур ҳўрсинди-да ойнадан телевизор кўраётган болаларига қаради. Улар жудаям хурсанд эди. Интизор йиғлаб юборишдан ўзини зўрга тийди-ю, кўзидан сизиб чиқаётган кўз ёшлиарини тўхтата олмади.

Интизор ёшлигига ҳам ёқимтойгина, юzlари оппок, кўзлари мовий, соchlари жингалак киз эди. Кулганида янаем гўзаллашиб кетарди. Шу боисми, киши эътиборини ўзига тортарди. Улар тоғнинг ён бағридаги кичкина қишлоқда туришарди. Қишлоқда эса унинг харидори жуда кўп эди. Нима бўлди-ю, уларнинг қишлоғига участка милиционери бўлиб келган Нодирнинг унга кўнгли тушиб қолди. Тез-тез совчи юборарди. Ота-онаси “уйингиз узок экан, Асака билан Ўш ораси чаканами? Қизимиз қишлоғимиизда қолгани маъқул”, дейишсада уларнинг ҳоли-жонига кўйишмади. Охири, Интизорнинг ҳам йигитда кўнгли борлигини билишгач, тўйга розилик бердилар.

Аввалига Интизор ўзини жуда баҳтиёр ҳис қилди. Нодир ҳам унинг кўнглига қарап, нима деса муҳайё қиласади. Баҳтдан бўлса керак, Интизор ўзининг узокдан тушганини, ота-она, қавм-қаринлошларнинг меҳрию соғинчини уччалик ҳис қилмади. Бир йил ўтар-ўтмас уларнинг уйида янги меҳмон – Аброрбек дунёга келиб, оиласа бир олам қувонч баҳш этди. Интизор унга қараб тўймас, кечгача у билан овора бўларди. Интизор бор меҳрини Аброрбекка бағишлиб қолдими, Нодир нимагадир ўзгариб кетди. Ишдан кеч қайтадиган, маст бўлиб келиб тўполон қиладиган одат чиқарди. Интизор буни ҳеч оғир олмади. Вазминлик билан қабул қиласади.

Орадан йиллар ўтди. Бирин-кетин Ахрорбек, Сарвинозлар

туғилди. Лекин, Нодирнинг килиқлари борган сайн кўпаяр, оиласда тинчлик йўк эди. Ота-она уришидан эса болалар таҳликага тушардилар. Нодирнинг эса парвойи фалак.

Бунақа хулқ-автори ишига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ишдан бўшатилди. Бироз қийналди-ю, ўзини савдо-сотикқа урди. Кўлига пул тушгач, яна аҳвол аввалгидай давом этаверди. Бундай уруш-жанжаллардан Интизорнинг силласи куриди, асаблари таранглашиб, ҳеч нарса юрагига сигмай қолди.

Кунларнинг бирида Нодир яна ичиб келиб, роса тўполнон қилди ва Интизорни ҳам, болаларни ҳам уйдан ҳайдай бошлиди. Унинг хўрлашларига чидолмаган Интизор болаларини олиб, коронгу ҳам демай уйдан чиқиб кетди. Аламдан қулоқлари том битган, Интизор болаларининг “Аяжон, тўхтанг, қаёққа борамиз? Коронғу-ку, ая” – деган гапларини ҳам эшиitmади.

Орқасидан икки боласи эргашиб кетар, қўлидаги боласини опичлаб холпишлаганча қанча юрганини билмайди. Охири, ҳолдан тойиб, кўча четидаги ўриндикка ўтириди-ю, хўнграб юборди.

У шу онда ота-онаси, қариндош-уруг, дўст-биродарлари узокда эканини, уларнинг меҳрига зор бўлаётганлигини ич-ичидан ҳис қилди. Отасининг “Маҳаллада қол қизим, ёнимизда бўл”, деган сўзлари ёдига тушди. Нодирга бўлган мухаббати деб бутун қишлоғи-ю ота-онасини, дўст-биродарлари, дугоналарини ташлаб келганди-я. Нима бўлди?! Шуми мухаббат?! Узокқа келиб нима рўшнолик кўрди. У ўзига савол берар, бу саволларга унинг юзини ювиб тушаётган кўз ёшларидан жавоб изларди.

Интизор ўша куни мактабда бирга ишлайдиган, эри вафот этган дугонаси Мехригулницида ту nab қолди. Бор дардини унга айтиб тўйиб-тўйиб йиғлади. Мехригул уни: “Дадаларингни ўзи одати шундай экан, эртага аччиғидан тушиб қолар, жаҳл чиқса, ақл кетади, деган гап бор. Эртага ўзи ялиниб келади, хафа бўлманг, синглим, ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз, ахир, муаллимсиз, тушунасиз. Ҳаёт шундай аччик-чучуклардан, пастубаландликлардан иборат. Шундай эрингиз бор, уни йўқотманг. Йўқотишдан Худо ўзи асрасин”, деб овутди. Эртаси куни Интизор болаларини боғчага, мактабга жўнатиб, ўзи ҳам мактабга ишга кетди. Дарсларини ўтиб бўлгач: “Мехригул, уйдан бир хабар олиб келайчи”, деди.

Мехригул: “Яхши киласиз Интизор, эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши, бора қолинг, ҳамманинг уйида тинчигани маъқул”, дея унга таскин берди.

Интизор уйга келганда дарвоза қулф эди. Афсус, уйнинг яна бир калитини олиб қолмаган экан. Қўшни томондан ўтсаммикан деб кетаётган эди, деразадан тўнғиллаган овоз эшитилиб қолди. “Вой Худога шукр, Нодир акам уйда экан”, деди-да чакира бошлиди.

- Нодир ака, Нодир ака!

- Ким? Бирор чақиряптими? – деган аёл кишининг овози эшитилди.

- Намунча қўрқасиз, - деди Нодирбек. - Қўшни дирда, эътибор берманг. Мен энди факат сизникиман. Бир ҳафтада тўй қиламиш. Шу уйларнинг маликаси сиз бўласиз-да энди.

Интизор карахт бўлиб қолди. Ич-ичидан титрок чиқиб, кўз ўнги коронгулашиб кетди. Нимага? Нима учун? Болаларчи? Қайта-қайта ўзига савол бериб, Мехригулнинг уйига етиб қолганини билмай қолди.

Эртасига Мехригулнинг ялинишига қарамай шаҳардан ижарага уй топди. Чунки, Мехригулнинг уйида кўпга кололмасди. Ижара уйи тўртинчи қаватда эди. Чиқиб-тушиш кийин бўлсада, уй жиҳозлари бўлганлиги учун анча қулайликлари бор. Лекин, биргина телевизор йўқ эди. Болалар бир-икки кун мослашомлай қийналишиди, сўнг бир мунча кўникишиди ҳам, аммо телевизорсиз улар учун жуда зерикарли. Аброрбек жиндай катта эмасми, телевизор кўргиси келса ҳам онасининг ичини оғритгиси келмасди. Ахрорбек эса буни тушунмас, “Оқшом эртаклари” кўраман, мультфильм кўраман деб кунда ҳархаша килар, ҳеч нарсага унамай, йиглаб-йиглаб ухлаб қоларди.

Бир куни Интизор болаларини мактабдан олиб келаётганди. Машинада Нодирбек ўтиб қолди. Ахрорбек “дада, дадажон”, деб бор товуши билан бақирди.

Нодирбек бир қаради-ю машинани тўхтатмади. Чунки, машинада бегона аёл бор эди. Болаларнинг ҳафсаласи пир бўлиб бўшашиб кетишиди. Иккаласининг ҳам кўзи жиққа ёшга тўлди. Чунки, улар дадасини соғинишганди.

Интизор кўнглидан нималарни ўтказди ўзи билади. Эҳтимол, ота-онасининг олдига кетса бунчалик қийналмасмиди? Йўқ-йўқ, у ерга қайси юз билан боради. Нима дейди? Ана сен ишонган

муҳаббат, дейишмайдими? Устидан кулишмайдими?

Тушдан сүнг яна уйда телевизор галваси бошланди. Бу сафар ичига ютиб юрган Аброрбек ҳам қўшилди. “Ҳамма нарса зерикарли. Дадам уришса, ярашиб олардингиз. Бизнинг айбимиз нима? Уйимизда яшайверишимиз керак эди”. Аброрбекнинг бу сўзи Интизорга қаттиқ ботди.

- Аброр, уканг ухлаяпти, қараб тургин. Мен бир жойга бориб келаман.

- Қаерга ая, кечиринг мен бунака демоқчи эмас эдим, - деди Аброрбек хижолат бўлиб.

- Йўқ, ўғлим, сендан хафа эмасман. Бир жойда ишим бор, борибла келаман, укаларингга яхши қараб тургин, - деб кўчага чиқди. Яшаган уйи томон юрди. Анча фурсатда етиб борди.

Дарвоза қулф, демак уйда ҳеч ким йўқ. Кўшни томон юрди. Кўшнисининг ҳовлиси очик, у секин ҳовлига кирди. Кўшнисиникида ҳам ҳеч ким кўринмади. Ичкаридан телевизор овози эшишилди. Интизор тезда юриб уйга ўтиб олди. Баҳайбат катта ит унга қараб югурди. Югурди-ю эгасини таниб сўйкала кетди. Йўлбарс, Йўлбарс унутмабсан? Мен ҳам сени соғиндим, деди Интизор секин овозда. Итнинг ҳам кўзида ёш қалқигандай бўлди.

Интизор ромнинг эшигини итарди, у қулфланмаган эди. Ромдан ичкари уйга дераза ошиб тушди. Уй четида телевизор турарди. Телевизорнинг ёнига келиб Интизор бир зум тўхтаб қолди. “Нима қиляпман ўзи? Ўғриликми? Наҳотки ўғри бўлсам? Йўқ, йўқ, ўғри эмасман, ахир бу телевизорга мен ҳам ҳисса қўшган эдим-ку”. У кўзини чирт юмди-ю, телевизорни кутига жойлади ва дераза ойнасидан олиб тушди.

Ит ҳам ўз эгасини билгани учун индамади. Кўшни ҳам телевизор овозиданми, ташқаридаги шарпани билмади, шекилли, ишқилиб ташқарига эсон-омон чиқиб олди. Таксини тўсди-да ижарада ўтирган уйи томон келди. Бир амаллаб тўртинчи қаватга олиб чиқди.

- Аям келди, аям келди, - югурди Ахрорбек, нима олиб келдингиз, аяжон?

- Зўр нарса ўғлим, зўр нарса.

- Вой телевизор, телевизор, - дея Ахрорбек иргишилади.

Аброрбекнинг ҳам кўзидан ўт чақнаб кетди. Ахрорбек аясининг юзларидан ўпди.

- Тезрок күйиб беринг, тезрок бўлинг, “Оқшом эртаклари” ўтиб кетади.

Интизор телевизорни сукди. Ахрорбек – “урей, урей “Оқшом эртаклари” бошланди”, - дея бакирарди.

Интизор яна бир бор болаларига қаради. Энди унга барибир эди. Ўгри дейишса ҳам майлига.

- Ая, ая, - Аброрбекнинг овози келди. – Келинг ўзингиз ҳам кўринг.

- Ҳозир, болам, ҳозир. Интизор кўз ёшларини артди-да хонага кирди. Болаларини бағрига босиб, телевизор кўра бошлади.

ЭНГ ГЎЗАЛ АЁЛ

Бир куни шаҳарда шошиб кетаётган эдим. Кўча тўла одам, айниқса, бозор атрофи тирбанд. Одамлар орасидан ўтиб борар эканман, кўзим бир жуфтликка тушди. Кўзи ожиз бўлган эрини етаклаб келаётган аёл. Уларга бир зум тикилиб қолдим. Аёл кўримсизгина эди. Бозорда, кўчаларда қанча аёлларни кўргандирман, улар эсимда йўк. Лекин, кўзи ожиз эрини етаклаб келаётган аёл хаёлимда муҳрланиб қолди. Дам-бадам бу жуфтлик эсимга тушарди. Ҳар сафар ёдимга тушганида “Сен дунёдаги энг гўзал аёлсан”, – дердим шивирлаб. “Минг бир ҳадис” китобини варақлар эканман, куйидаги ҳадисга кўзим тушди: “Агар бирор кишини бирор кишига сажда қилишга буюришим мумкин бўлганида эди, аёлларни эрларига сажда қилишга буюрган бўлар эдим”.

Бу хусусда яна бир ривоятда шундай дейилади. Чирой-чиммати жойида, ақлли, мард йигит ибо-ҳаёли, ақл-хушли қизга уйланмоқчи бўлиби. Кунларнинг бирида у шундай ақлли-хушли, ибо-ҳаёли қизни учратиби. Аммо қиз бироз кўримсиз бўлиб, юзида чечак касалидан қолган чандик доғлари ҳам бор экан. Йигит қизнинг ташки кўринишига эмас, ички дунёси гўзал эканлигига ишониб уйланиби. Улар баҳтли ҳаёт кечира бошлишибди. Кунларнинг бирида йигитнинг кўзи бирдан ожиз бўлиб қолиби. Аёл эрини меҳр билан эъзозлабди. Орадан йиллар ўтиби, фарзандлар кўриб, тарбия қилишибди. Улар баҳтиёр яшаётган бир пайтда аёл бетоб бўлиб, оламдан ўтиби. Аёлни сўнгги мансилига кузатаётib, қабрга кўйилар чоғи йигит “Мен аёлимни ўз қўлим

билан қабрга қўяман”, - деб жадал ҳаракат қилибди. Бу ҳолни кўрган ҳалойик ҳайрон бўлибди. Шунда йигит ҳалойикка қараб: “Менинг кўзим ожиз эмас, мен кўр эмасман. Аёлим ибо-ҳаёли, меҳнатсевар, солиҳа аёл эди. У менинг олдимда ўзининг хунуклигидан, юзидағи чандик доғлардан хижолат тортмасин деб, ўзимни ожиз қилиб кўрсатдим. Хотиним бирам ақлли, доно, ибо-ҳаёли эдики, унинг қалбига озор етишини истамас эдим. Менинг кўзларим очиқ эканлигини билса, у ўзининг хунуклигидан мулзам бўлар эди. Менинг учун эса дунёда ундан гўзал аёл йўқ эди”, - дебди. Ҳалойик йигит ақлига қойил қолиб ва гўзаллик қалбда, қалб гўзаллигига эканлигига ишонишибди.

Бир куни раҳматли дадам билан сұхбатлашиб, шу воқеаларни айтиб “Энг гўзал аёл” мавзусида бирор нарса ёзмоқчиман, сиз ҳам фикрингизни айтинг, - дедим. Дадам менга қараб “Дунёдаги энг гўзал аёл – бу онанг-да”, - деб жавоб берган эди. Эҳтимол, шунданми дадам хаётини сўнгги кунларида дўстлари билан учрашиб қайтгач, онамга қаратса, “Пошшам (онамни шундай атарди), мен ўн бешта ҳожи дўстлар олдида умр бўйи йиккан савобимни Муқаддамхонга (онамнинг исми) бердим, - дедим. Умрим бўйи, касаллик чоғимда ҳам менга жуда яхши қарадингиз”, - дебди. Буни эшишиб онам: “Вой, ўзингизга-чи, савоб керакмасми?” - десалар, “Сиздан қолган савоб ҳам, менга етади”, - деган экан.

Дарсда ўкувчиларни ёзуви Ўткир Ҳошимов ижоди билан танишириш мобайнида “Дунёнинг ишлари” қиссасини сўзлаб бергач, ўкувчиларга “Энг гўзал аёл” мавзусида иншо ёзишларини айтдим. Иншоларни текширас эканман, мен қуйидаги сатрларни ўқидим.

Абдуллажонов Ҳаётбек: Телевизор кўриб ўтирсам, чет элда “Энг гўзал аёл” кўрик-танлови ўтказилаётгани ҳақида кўрсатув бўлиб қолди. Бир-биридан ўзаман деган гўзал аёллар саҳнада намоён бўлди. Ясанган, соч турмаклари ҳам турли хил, юзларида упа-элик, лабларида кизил бўёқ. Кўрсатувни кўриб ўтириб, ёнимда кўрпача қавиб ўтирган онамга боқдим. Сочларига бироз оқ оралаган, юзларига ажин туша бошлаган, лекин сочининг оқи ҳам, ажинлари ҳам ўзига ярашиб турган, хеч қандай лаб бўёғисиз бироз кулимсираб турган лаблари, қора қошу бир олам меҳрга тўла нигоҳлари... Мана, - дедим ичимда, дунёдаги энг гўзал аёл – бу менинг онам.

Ғаниев Аброрбек: Оналарнинг меҳрибонлиги ҳеч туганмасдир. Баъзан уйқум келса, ёстикни эмас, онамни тиззаларини қидириб қоламан. Чунки онам тиззасига бош қўйсам, оташ қўллари билан бошимни силайди. Онам меҳрини туйиб, ухлаб қоламан. Менимча дунёдаги энг гўзал аёллар меҳрибон оналадир.

Йўлдашев Дилшодбек: Мен ўзбек аёлининг гўзаллиги миллийлигига – миллий кийими, миллий урф-одату миллатимизга хос ибо-ҳаёсида деб, - ўйлайман. Ҳозирги кунда айрим қизларда шу миллийлик йўқолаётганлигини кўриб ранжийман. Баъзи қизлар йигитлар кўзига тик қараб “Мен сизни яхши кўраман” дейишдан, ёхуд телефон килиб, йигитларни ўзига жалб этишдан, қандайдир бачканга европага хос кийимларни кийишдан уялмаётганлиги мени нафраллантиради. Ахир ўзбек аёлининг гўзаллиги унинг ибо-ҳаёсида-ку. Бир куни дарслар тугагач уйга шошдим. Қорним жуда очиқкан. “Келдингми болам”, - деди бир сават иссик нон кўтариб келаётган онам. Югуриб бориб, қўлидан саватни олар эканман, онажоним юзларига тикилдим. Икки юзи тандир иссиғидан қизарган, кора қошу қора кўзлари ўзига бирар ярашган, юзларida қандайдир ибо-ҳаё, меҳр мужассами бор. Шу онда онамни жуда яхши кўришимни англадим.

Козимжонов Иброҳимжон: Дунёдаги энг ширин нонни онам пиширади. Дунёдаги энг ширин таомни ҳам онам тайёрлайди. Дунёдаги энг зўр меҳрни ҳам онам беради. Демак, дунёдаги энг гўзал аёллар онамдек аёллар бўлса керак. Ҳар қайси миллат аёллари ўзининг нафис латофати билан ажralиб туради. Лекин ўзбек аёлида ибо-ҳаё, меҳр устундир. Келажакда уйимизга онамга ўхшаган келин келишини хоҳлайман.

Ғозиев Ҳамдамбек: Мен аёлларни ёнаётган шамга ўхшатаман. Ёнаётган шам ташки оламга ёруғлик бериб, ўзи тугаб бораётганини билмаганидек, аёл ҳам бор меҳр-муҳаббатини ташки оламдаги барча инсонларга – оиласи, турмуш ўртоғи, фарзандларига улашади. Аёл меҳри туганмас ҳазинадир. Аёллардаги сабр-бардошни япон сериалидаги Ошин тимсолида, ибо-ҳаёсини Кумушшибида, матонатини Тўмарисда кўришимиз мумкин.

Иншони ёзib бўлгач, иншодан таъсирланган бир ўкувчим ёнимга келиб менга бир сурат кўрсатди. Унда соchlари майда ўрилган, бошида дўппи, эгнидаги атласдан кўйлаги ўзига бирар ярашан, юзларida тўла нафислик, ибо, ҳаё ўйғунлашган бир қиз бор

эди. “Опа, - деди кўзлари хижолатдан порлаб турган ўкувчим, - шундай кизларни турмуш ўртоқ қилишни хоҳлардим, ҳаётда борми?”. “Албатта, ўғлим, токи ўзбеклик қонимизда жўш уриб турар экан, бундай гўзал санамлар топилади”, - дедим ва суратдаги қизга ўзим ҳам маҳлиё бўлдим. “Қани, энди менинг ҳам шундай келиним бўлса,” - дедим ичимда.

Ўкувчилар иншоларидаги фикрлардан таъсирланиб, улар ҳакида ўйлаб борар эканман, бир воқеа устидан чиқиб қолдим. Бир аёл бир йигит билан шунаканги жанжал қилаётган эдики, унинг оғиздан чиқаётган уят сўзлардан ҳатто эркаклар ҳам мулзам. Жуда кўп эркақ аёллар “бетинг курсин”, деб ўзини четга олишарди. Бир иккитаси арапашиб, уларни ажратди-да, аёлни “Дамас”га чиқариб юбориши. Аёлни оғзи тинмас, “Дамас” ойнасидан жаврар, ҳатто машина юраётганида ҳам эшикни очиб, уят сўзлар айтиб бақирдики, бутун кўча одамлари унга лаънат ўқиди. Қора қош, кора кўзли, чиройли кийинган бу аёл кўзимга шайтон бўлиб кўриниб кетди. Ўзимча ўйладим, шу аёлни ҳам фарзанди “Энг гўзал аёл” ҳакида иншо ёз деса, нималарни ёзар экан, онасининг бундай қилиqlаридан мулзам бўлиб, бошини эгар.

Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрларини келтирмоқни истадим. “Аёлга ифрат ва латофат хосдир, аёл ҳамиша қўл етмас орзу, юксак гўзаллик, манбаи нур, олижаноблик каъбаси. Тик қарааш, каттиқ гапириш, сўзи совуклик, ажабтовур либослар, эл олдидা ўзини тута билмаслик бизнинг хотин-кизларимизга сираям ярашмайди. Ёлгиз бир гўзаллик, айникса, она ва ёр бўлмиш аёлнинг сифатлари ҳар қандай тузумдан, ҳар қандай тожу тахтдан баланд турган ва шундай бўлиб қолажак. Демак, дунёда сира ўзгармас бир мавзу бор. У ҳам бўлса меҳр-мухаббатким, унинг асосий қаҳрамони мунис аёлларимиздир”.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, аёл – буюк ном эгаси. Шу буюк номга муносиб бўлмоғи лозим. Аёлларимизда ибо-ҳаё, дид-фаросат, мулоиммлик, ширинсуханлик, меҳр-мухаббат мужассам экан, у дунёдаги энг гўзал аёл бўлиб қолади.

*Юзларида ибо-ҳаё мужассами бор,
Ажисиб, нафис кулиб турар чеҳрада баҳор.
Садоқат-у вафодорлик унга ҳар дам ёр,
Будир дунёдаги энг гўзал аёл.*

*Унга қараб миллийикдан қувонар дилинг,
Миллатини эъзозлаган гўзалини билинг.
Майда кокил қизни кўриб шивирлар тилинг,
“Будир дунёдаги энг гўзал аёл”.*

*Оналарда кўринади гўзалик сири,
Сўзларида билинади одоблар тири.
Момосини азизлаган дўппили пари,
“Будир дунёдаги энг гўзал аёл”.*

ШИРИН БАХТ БУ – ОНАЛИК

БИР ОГИЗ ШИРИН СЎЗ

Она деган буюк номга эга бўлиш ҳар бир аёл учун катта баҳт бўлса керак. Чunksи, фарзанд берган қувонч, шодликни аёлга ҳеч ким беролмайди. Фарзанд ёнида экан аёл ҳаётнинг ҳар кандай зарбасига дош беришга тайёр. Боласининг кулгуси унга қанча-қанча куч-кудрат баҳш этмайди дейсиз. Буни эндигина янги меҳмонни кутиб олган аёлнинг юз-кўзидан англаш қийин эмас.

Она фарзандини қорнида тўkkиз ой кўтариб, минг тўлғоқ азоби билан уни дунёга келтиради. Айтишларича, бола дунёга келаётган вақтда, она ўлим билан олишар, фоний ва боқий дунё оралигига бўлиб, гўё бошигача тупроқка кўмилар, факат сочигина тупроқ юзида колар экан. Шунинг учун ҳам янги тукқан аёл онадан янги туғилгандек беғубор ва бегуноҳ бўлар экан. Шу онда аёл нима ният қилса, Оллоҳ ижобатига олар, орзулари ушалар экан.

Онанинг эсон-омон фарзандини бағрига босиши учун биринчи кўмак берувчи доя, унинг ширин сўзи малҳам бўлади.

ОРЗУЛАРИМ УШАЛДИ

Ҳамхонам Дилобарнинг айтишича, саккиз йил фарзанд кутишибди. Бормаган табиби, қилмаган дори-дармони қолмабди. Йиглаб-сиқтаб Оллоҳдан фарзанд сўраб куни ўтибди. Нима бўлибди-ю, табибларнинг муолажаси туфайлими, дори-дармонлар сабаби Оллоҳ унга фарзанд кўришдек бир баҳтни насиб айлабди.

Дилобарнинг ота-онаси, қайнона-қайнотаси, куёв бола-ю, кўйингки бу хабардан барча қариндошлар қувончи оламча экан. Шу

туфайлими уни қўйгани жой топишолмас, нима хоҳласа шуни мухайё қилишар эди. Шифокорларнинг боланинг эрта туғилиш ҳавфи бор, деганини ҳам унга айтишмабди.

Нима бўлди-ю, Дилобар коридордан ўқдай учиб кирди-да, хўнграб йиглаб юборди. У шифокорлар сұхбатини эшишиб қолибди. Дилобар шу куни ҳеч йигидан тўхтамади. Ким қўргани келса йиглаб-сиктаб жўнатаверди. Бу эса унинг соғлигига таъсир кўрсатмай қолмади. Шифокорлар унга, фарзандингизни фурсати бўлмаса-да, дунёга келтиришимиз зарур, йўқса, ўзингизнинг соғлигингизга дарз кетиши мумкин, - дейишиди. “Саккиз ойлик-ку, ахир. Туғилса, нобуд бўлиши мумкин”, - деб у ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмади. Охири ўзининг камтаринлиги, шириңсўзлиги билан беморлар қалбини эгаллаган Замира опа кирди. Дилобарнинг ёнига ўтириб, аста унинг ҳолатини тушунтира кетди. У ўзининг ишга келган вактлардан бери бўлган шунга ўхшаш воқеаларни сўзлади. Қизиқ-қизиқ гаплар айтиб ҳаммани кулдирди. Дилобар Замира опанинг гапларини уқди шекилли, муолажага рози бўлди. Фақат Замира опадан ўзи ёнида бўлишига сўз олди.

Эртаси куни янги хушхабар эшийтди. Дилобар киз кўрибди. Хонадошлар уни қўргани юқори қаватга кўтарилидик. Унинг юзидаги кувончни кўрсангиз оламча эди. Қизи ҳам соғлом экан. Дилобар биз билан сұхбатлашиб, кўз ёшларини яшира олмади.

- Орзуларим ушалди. Яхшиямки, Замира опадек шириңсўз шифокорлар бор экан. Шулар туфайли мен ҳам, болам ҳам соғ-омон колдик.

ЁҚИМЛИ ОВОЗ

Зарнигор фарзандининг туғилиши вақтидан ўтиб кетаётганидан ташвишда. Шунинг учун шифохонада муолажа олаётган эди. Шифокорлар уни ширин сўзлар билан тинчлантиришарди.

Бир кун кечаси унда оғриқ пайдо бўлди. Шифокорлар кўришди-ю, шивир-шивирлашиб кетишиди. Бирон нарса бўлдимикан, деб Зарнигорнинг ҳавотири ошди. Шунда бир шифокор келиб, қизим сиз ҳавотирга тушманг, фарзандингизни жарроҳлик усули билан олмасак бўлмайди. Фарзандингиз, ҳам ўзингизнинг соғлигингиз учун шундай қилишимиз зарур, - деди. Зарнигор бир оз ғалати ҳолатга тушди. Дардини бўлишгани, ёнида

далда бўлувчи ҳеч ким йўқ. Лекин, шифокорнинг фарзандингиз нобуд бўлиши мумкин, деганидан сўнг у операцияга рози бўлди.

Аравачада уни операция хонасига олиб кириб кетишар экан, хаёлидан нелар ўтмади дейсиз, уйда қолган икки фарзанди, отонаси, турмуш ўртоғи. Худди охиратга кетаётгандек хис қилди ўзини.

Шунда унинг ҳаёлини бир ёқимли овоз бузди: - Айланай қизим, кўрқманг Оллоҳ ўзи оқ йўл берсин, эсон-омон енгиллаб оласиз.

Оғриқ борган сари кучаяр эди. Ҳар сафар оғриқни ўша ёқимли овоз баҳам кўрарди. Зарнигорнинг қулоғида унга далда бераётган ёқимли овоз янграрди. У наркоз таъсирида ухладими ёки ёқимли овоз уни аллаладими билолмади.

Кечаси билан бироз оғриқ хис қилди. Элас-элас ўзига келгандек бўлару яна ухлаб қоларди. Эрталаб эса кўзларини дадил очди. Ҳамшира унинг жажжи ўғлонини олиб кирди. Кўзларида беихтиёр ёш қалқди, лаблари пичирлади. Оллоҳга шукр, эсон-омон эканмиз. Сизга ҳам раҳмат, шифокорлар.

Зарнигор қанча уринмасин ўша қулоғида янграган ёқимли овоз сохибини тополмади. Шифохонадан янги меҳмонни олиб чиқишаётиб, фарзандларимиздан биттасини, албатта шифокор қиласиз, - деб кўнглига туғиб кўйди.

*Алла билан тебранар олам
Фарзанд бўлса қувонар эшик.
Аёл шоддир, хурсанддир ҳар дам,
Она бўлиб, тебратса бешик.*

*Кўлларида қийқириб ўйнаб,
Шўҳи-шодон уйдир болалик.
Аёл учун ёргуғ дунёда,
Ширингина баҳт бу – оналик.*

ЗУЛФИЯ – СЕВГИ ВА ВАФО ТИМСОЛИ

Эртагалик дарс учун ишланма ёзмоқ учун иш режани очдим. Мавзу: Зулфия ҳаёти ва ижоди. Зулфия, Зулфияхоним ҳақида сўз айтмоқ, наинки сўз, дарс ўтмоқ, у ҳақда тўлиб-тошиб сўзламоқ даркор. Бир зум ўйга толдим. Дарсга мавзу танламоқ керак.

Лабларим аста унинг ўтмиш, ҳижрон дардларидан тилка-пора бўлган шеърий сатрларини айта бошлади:

*Эриб кетмагандим севгидан,
Бўлмаслик учун баҳтингдан жудо.
Бирга қолиш учун сен билан,
Куяман-у, бўлмайман адo.*

Дарсга мавзу топилди: “Зулфия – севги ва вафо тимсоли”. Китоб жавони олдига келдим ва шоира ҳаёти ва ижодига доир адабиётлар излай бошладим. Қўлимга Лазиз Қаюмовнинг “Зулфия” китоби тушди. Уни аста варакладим. Шоира шундай ёзади: “Ҳаётимнинг ўн йили, фақатгина ўн йили Ҳамид Олимжон билан ҳамнафас ва ҳамқадам ўтгани мен учун улкан баҳт бўлди. У энг гуллаган ёшлик чоғида, раңг-баранг, сира тугалмас, ёрқин истеъдоднинг камол чўққисига етганда фожиали ҳалок бўлди, дедим ҳаёлимда. Мана, ҳозир ҳам орадан йигирма йилдан ортиқ вакт ўтиб кетишига қарамай, у айрилиқнинг куйдирувчи аламларини бутун оғирлиги билан ҳис қилиб турибман”.

*Кўз очгани қўймайди алам,
Бошим қўйсам куйдирар болиши.
Юнатолмас китоб ва қалам,
Мисраларим қўтарар нолиши.*

Шоира қалбининг оғирлиги менга ҳам ўтди. Тўрт мисрада шунча ғам, шунча дард. Устоз шоир Миртемир Зулфия шеърлари ҳакида фикр юритганида Ҳиндистондаги бир одамни эслайди: “...ҳайратомуз ва даҳшатли томони шундаки, ўлган эркакни ёндиригданда, унинг тирик аёли ҳам ўтин устига чиқиб ўтирас ва бирга ёниб кетар эмиш... Ҳамид Олимжон оловли ва кутилмаган бир фожиа туфайли гўё ёниб кетди-ю, Зулфияхоним ҳам ўша оташда баробар ёнди, менинг назаримда. Фарзандларини отаси йўлида вояга етказиши... Ўша ишқ, ўша сук, ўша вафо Зулфияхоним шеъриятининг ўзак ғояси бўлиб қолди... Шундок! Икки ирмоқдан бир жилға оқмоқда эди, бири гўё тиниб қолди-ю, ўзга бири ҳамон оқмоқда. Ўша жилға, ўша оқим, ўша мавж, ўша тўлқин Зулфияхоним бу жилғада Ҳамид Олимжон учун ҳам оқмоқда. Унинг йўқлигини билдириш ҳаёлида ҳам йўқ, тўлиб-тошиб оқмоқда...”

Ҳа, Зулфияхоним ҳаёти давомида тўлиб-тошиб яшади ва ўз шеърлари билан ҳалқ қалбida мухрланиб қолди. Зулфияхоним

шундай деган эди: “Шеърлар мингларча кишилар ўз қалби ва дили билан хис этиб, ўзлариники килиб олгандагина поэзияга айланади”.

Шоира шеърларини халкимиз ўзлариники килиб олган ва олмоқдалар.

Мана дарс бошланди. Ўкувчиларга Зулфияхонимга атаб қурилган ҳайкал суратини кўрсатдим. Мана бу – креслода ўтирган, нигоҳида маъюслик, бироз ўйчан. Лекин унинг юзларидан меҳр ёғилиб турибди. Ҳа, бу Зулфияхоним тимсоли, ўзбек аёллари тимсоли. Дарсда “Сен қайдасан юрагим не балога этдинг мубтало!”, “Сенсиз”, “Ойдинда” шеърлари таҳлил этилди.

Ўкувчилар адабиёт хонасидан нафакат шеърлар билан, балки Зулфияхоним билан бирга чиқиб кетишган бўлса, не ажаб.

Ташқарига чиқдим. Баҳорнинг ёқимли ислари димогимга урилди. Бу баҳорлар Ҳамид Олимжоннигина эмас, Зулфияхонимни ҳам сўроқлаб келмоқда.

МУҲАББАТМИ ЁКИ ХИЁНАТ?

Дарсимни тугаллаб, ёзув-чиズув ишларим билан банд бўлиб ўтирадим. Хонам эшиги тақиллаб қолди. Эшикни очсан, бир бегона аёл. Аёлни хонага таклиф этдим.

- Мен сизни танийман, китобингизни ўқиганман, - деди ва ўзини танишитирди. Салом-алик билан сўрашиб бўлингач, хонага яна жимлик чўқди.

- Мен, мен, - деди хижолатомуз аёл, - сизга бир илтимос билан келган эдим.

Аёл сумкасини очиб, бир дафтар олиб менга узатди. Сиздан илтимос, шу дафтардаги ёзганларимни ўқиб чиқсангиз. Сўнг мен ҳакимда бирор нарса ёзсангиз.

Кечки овқатдан сўнг, сумкамга солинган дафтарни олдим. Мен дафтарда шеърлар бўлса керак деб ўйлагандим. Йўқ шеърлар эмас, бу кундалик дафтар экан. Аста вараклаб ўқий бошладим. Кундалик дафтарни ўқир эканман бир ҳайратланар, бир ачинар, бир у аёлдан нафратланар эдим.

Эртаси куни аёл яна келди.

- Ўқидингизми, опа – деди кўзларини яширгандек, у ёқ, бу ёқка қараб.

- Ўқидим, синглим, ўқидим. Хўп нима деб ёзишим керак?

Кечаси билан ёзганларингиз менга тинчлик бермади-ку. Сизни оклай олмайман, синглим. Кечиринг, ҳеч нарса ёза олмайман.

- Опа ундаи қилманг, майли менга нафрат кўзи билан бокинг. Майли, муҳаббатмас, хиёнат деб атанг, ҳаммасига розиман. Лекин шуни ёзид беринг. Токи ёзганларингизни ўқиган инсонлар аёлни меҳрга, эътиборга ташна бўлишини, шириңсўз қалбига малҳам бўлишини билсин. Ўзим ҳам айбимни биламан.

Биласизми, қадимда Шайбонийхонга ишқий мактуб йўллаб юрт дарвозасини очиб берган Зухрабегим хиёнати асрлар мобайнида коралангган. Ишқий мактуб йўллаган хиёнат бўлса, телефондаги ишқий муносабат хиёнат эмасми?

- Хиёнат, ха хиёнат, – деди аёл юзлари қизариб. Майли, ёзаверинг. Ахир, мен ҳам аёлман, мени ҳам яхши сўз эшитгим, қалбимга малҳам бўлувчи, дардимни бўлишувчи инсон бўлишини хоҳлайман.

Бу аёлга бир ачинар, бир ундан нафратланар эдим. Ўлаб-ўлаб, шу қарорга келдим. Келинг, китобхон сиз ҳам кундалиқдаги сатрларни бир-бир ўқиб чикинг. Ва сиз билан бирга ҳукм чикарайлик.

ДИЛСОРАХОННИНГ КУНДАЛИК ДАФТАРИДАН

“МУҲАББАТИМ АРМОНИМ”

Ўша куни ишга бориб, хонамни бир шамоллатиш мақсадида деразаларни очдим. Ташқаридан кирган майин шаббода юзларимга урилди. Бир хўрсиндим. Чунки, шу кунларда жуда дикқат бўлиб юрибман. Нима учун сабабини ўзим ҳам билмайман. Деразадан ташқарига боқиб турдим: кимдир шошиб ишга кетяпти, ёш болалар мактаб томон боряпти.

Бирдан телефон жиринглаб хаёлимни бузди.

- Алло, эшитаман.

- Яхшимисиз, – бир нотаниш йигит овози эшитилди. - Илтимос, менга битта савол жавобини топиб берсангиз, жуда муҳим, мукофоти бор, албатта.

- Майли, – дедим ҳайратомуз.

Йигит бир жумбокли савол берди. Жавобини уч кун ичидаги беришимни таъкидлади.

Мен саволни жавобини ахтара бошладим. Ҳамкаслардан, таниш дўст-биродарлардан ҳам савол жавобини топишга ҳаракат қилдим. У яна телефон қилди. Жумбокнинг мен топган жавоби хато

экан. Түгри жавоб жуда оддий эди.

Үша куни биз яқиндан танишиб олдик. У “саволимга жон күйдиріб жавоб истаган одам фақат сиз бўлдингиз”, деб айтди.

Шундан сўнг йигит ҳар куни телефон қиладиган бўлди. Гапларидан уни маданиятли, олижаноб инсон эканлигини сездим ва у билан дўст бўлмоқчи бўлдим. Чунки, мен бундай дўстга муҳтоҷ эдим. Аёллардан дўстларим бор, лекин эркаклардан ҳеч қандай дўстларим йўқ. Турмуш ўртогим дўст ҳам душман ҳам эмас, қалбан яқин ҳам эмас.

Телефондаги йигит эса менга қалбан яқинлашаётган эди. Энди у билан соат-соат турли мавзуларда сухбатлашардим.

* * *

Яна телефон жириングлади. Телефонни олдим. Яна ўша овоз. Бу сафар у ўзи ҳақида сўзлади.

Унинг исми – Ғайратбек эди. Миллати рус. Айтишича, у бой, ўзига тўқ оиласа катта бўлган, тагида машина, чўнтаги тўла пул экан. Аяси ва дадаси ажрашган. У аяси ва бобоси қўлида катта бўлган. Ўзи боксчи. Дадасининг оиласи бошқа экан. Ҳозирги кунда бобосининг оёқлари шол коляскада, аяси эса қон босими касаллигига чалингган экан.

- Сени сенсирасам, майлим? – деди Ғайратбек.

- Майли, - дедим. Чунки, унинг сенсираши менга жуда ёқарди. Биз янада яқинлашаётган эдик.

- Менга омад тила, мен бугун соат 18.00 да рингга тушаман, – деди. Мен унга омад тиладим. Соат 15.00 да унга далда бўлувчи СМС жўнатдим. Соат 18.00 да ундан менга “Мен учун ҳаёт тугади”, деган СМС келди.

Мен унга нимадир бўлганини билдим ва йиглай бошладим. Болаларга овқат солиб, ўзим ҳам овқатланмоқчи бўлдим. Лекин, томоғимдан ҳеч нарса ўтмади. Индамай йиглайвердим.

Қизим: - Ая нимага йиғлаяпсиз? – деди.

- Билмадим, - нимага йиглаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Ғайратбекка бирор кор-ҳол бўлди, деб ўйлардим.

Чамаси бир соатдан сўнг, телефон жириングлади. Бу Ғайратбек эди. Бошига оғир мусибат тушганини - бобоси ўша куни қазо қилганини, бобоси ҳолидан қўрқкан аясининг миясига қон қўйилганлигини, улар билан видолашишга ҳам уни киргизишмаганини сўзлади.

Ўша куни тўрт соат йиғлаб гапларини эшитдим. Нима деб далда беришни билмас здим. Йиглайвериб, қовоқларим ишиб кетган. Шу кундан бошлаб унинг ҳәёти билан яшай бошладим. Бу холат ихтиёрий—мажбурийга ўхшаган ҳолат эди. У ҳәётини ҳар кунини мен билан дардлашиб ўтказадиган бўлди. Мен унга шу қадар боғланган эдимки, ўзимни унга жавобгардек ҳис қиласардим.

Шундан сўнг у қайсиdir қурилишга ишлагани кетди. У ерда кирк кун ишлаб, оғриб колди. Менга боши кучли оғриётганини айтди ва ўзини текширирганида ошқозонида яра борлиги аникланди. Операция килдириб ярасини олдириди.

Операциядан кейин у опокисидан катта бойликлар қолганини айтди. Мен худди ўша бойликка эга бўлгандек суюндим. У дарров машина олди ва Гулистонда катта қурилиш бошлади. 260 миллионга битадиган бу қурилиш савдо маркази эди. У ишлари ҳақида шундай қизиқиш билан гапиравар, ниятлар қиласар, ҳали иккаламиз пулни тагида қолиб кетамиз Дили – дер эди. Лекин, уни иккинчи мусибат кутиб турган экан. Энди ҳар куни болаларимга кечки овқатни бериб бўлгандан сўнг телефонда гаплашардик. Баъзан сухбатимиз соат 20.00 дан бошлаб 22.00 гача давом этарди.

Бир куни у менга яна ташвишли ҳолда телефон қилди. Худди у мен билан охирги марта гаплашаётгандай эди. Мен яна йиғладим, унга ўрганиб қолганимни айтдим. У эса менга насиҳат қиласарди: “Сен соддасан, қалбинг лок, сени бирорвога ёмонлигинг йўқ. Лекин, ҳамма ҳам сендаймас, сен доим хушёр яшашинг керак. Шундай турурли бўлгинки, ҳатто эркаклар лол қолсин”, дерди.

У менга худди севгилисидеқ мумомала қиласарди. Менинг ёшим ундан анча катталигини жуда кўп маротаба айтсамда, у “Сени қалбингни, дунёқарашишингни, фикрлашингни, гапиришинг-у, кулишингни, ҳатто йиғлашингни севдим. Менга сенинг ёшинг, ташки кўринишишингни умуман қизиги йўқ”, – дейищдан тўхтамасди.

Мен эса бундай ширин сўзлардан сархуш эдим. Чунки, хеч ким менга севги изҳор қилмаган, хеч ким унингдек кукларга кўтармаган эди.

Мана кеча ҳам у шундай деди: “Мен сени осмондаги юлдузлардан ҳам кўп севаман. Ерда сочилган тупроқлардан ҳам кўп севаман. Агар турмуш курганимизда ҳар куни ишдан келиб сени кўтариб бир айлантирадим. Уйимизнинг биттасига факат сенинг суратларингни илиб кўярдим. Ҳар йили туғилган кунингда нечага

кирган бўлсанг, ўшанча гул совға қилардим". Бу сўзларни эшишиб мен ёш болага ўхшаб роса йиғлардим. Чунки, буларнинг ҳаммаси хаёлда бўларди.

У менга ҳар доим учрашишни таклиф қиларди. Лекин, боришини ҳечам ҳайлимга сиғдира олмасдим.

Орада Файратбек тренерининг қизига мажбуран уйланди. Уйлангандан кейин ҳам у мен билан соатлаб гаплашгани вақт топарди.

Бир куни "Нима бўлса бўлар, сен келмасанг, мен бораман олдингга", - деди. Мен унга "Ташвишли учрашувни кераги йўқ, сизга бир гап бўлса мен нима қиласман", - дедим.

Август ойининг охири кунлари. Яна телефон жиринглади. Бу сафар Файратбек ўзининг фалсафий фикрлари билан менга далда берди.

- Сен баҳтлимисан? – сўради у мендан.
- Ҳа, баҳтлиман – дедим мен. - Фарзандларим бор, яна мени севган инсон бор.

- Мен эса баҳтли эмасман, - деди хўрсиниб, - мен севган инсон мен билан биргамас, мен уни кўрмаяпман. Ҳа, майли сенга шундай сўзлар айтай, ҳар доим кулогингда бўлсин.

* Тасаввур қил сен бир ниҳолсан, фарзандларинг бу сенинг илдизинг, сен севган инсон у ниҳолни парваришловчи. Агар парвариш бўлмаса ниҳол ниҳоллигича қолиб кетади.

* Сен осмондаги ой ҳам бўлма, ердаги қўзиқорин ҳам бўлма, сен тупрок бўл. Тупрокни кўлларинг орасида қанча сиқимласанг у ерга тўклилади, лекин ҳеч нарса бўлмайди.

* Ўз қадрингни билиб юр, сени бир тийинга олмаганларни сен ярим тийинга ҳам олма.

* Сендан бирор гап сўрашса, бирорлар ҳақида билмадим, кўрмадим деб айт, ўзингни балога тиқма.

* Аёл бўлсанг ҳам лафзинг бўлсин, айтган гапингни қил, ваъдангни бажар кийин бўлса ҳам, бебурд бўлиб қолма.

* Бошингни тик тут, номардларга ялинма, шундай гурурли бўлки ҳатто эркаклар лол қолсин. Мен севган аёл ҳеч качон маломатга қолишини истамайман. Бу галларимни ҳамиша ёдингда тут. Ҳали кўрасан эринг қайтиб келиб ҳамма хатоларини англаб етади, қадрингга етади. Лекин сен унгача ўзингни эҳтиёт қилишинг керак, бирор касални орттирмаслигинг керак, - деди.

Унинг гапларига хўрлигим келиб йиғлардим. Шу гапларни нега менинг эрим айтмади. Ойлаб телефон қилмайди. Телефон қилганда ҳам болалар билан гаплашади. Мен билан узоги беш минут, жуда расмий оҳангда. Ҳудди у Россияяд турини бошлиқ, мен эса уни бу ердаги иш юритувчисиман ёки болаларининг энагаси.

* * *

Мен Ғайратбек билан кўришишни хоҳласамда бунга ботина олмасдим. У 8 сентябрь куни Россияянинг Краснодар шаҳрига кетди. Кетишдан олдин телефонда узоқ гаплашдик. Самолётга чиқаётганда ҳам охирги марта гаплашдик. Мен уни овозларини, гапларини телефонда ёзиб олдим. Мана кетганига 8 кун бўлди. Ҳар куни кечкурун уни ёзиб олган овозларини эшитаман.

Орадан анча вакт ўтди. Ғайратбек телефон қилмади. Мен ҳам телефонини янги номерини билмадим. 11 октябрь куни унинг ўзи менга телефон қилди.

У гапининг охирида шундай деди: “Эсингда бўлсин мен сени юракдан севдим, ҳеч қачон унутмайман. Сенга муҳтоҷ бўламан, барибир сен билан учрашмасам, бу хаётдаги энг катта армоним бўлади. Ўзингни эҳтиёт қил”, - деди.

* * *

Сендан дарак бўлмагани сари сени унугтим келяпти, лекин буни қилолмаяпман. Сен шундай яқинсанки, менинг ичимда, юрагимдасан. Хафа бўлсан сен билан дардлашаман, хурсанд бўлсан аввал сен билан баҳам кўраман. Сен саробсан, сен йўқсан. Сендан бирор нарса умид килиш нодонлик. Лекин, барибир сени севмай кўймайман. Сени унтиши ёки унумаслик, севиш ёки севмаслик менинг ихтиёrimга боғлиқ эмас. Сўз сехри нақадар кучли эканки, ширин сўзлари, эркалашлари, овутишлари учун мен уни севдим. Умримда кўрмаган инсонни жуда-жуда соғиндим.

* * *

Ғайратбек хотини билан яшаб, фарзанд кўришмади. Докторлар хотинини фарзанд кўрмайди дейишибди. Бу эса хотинига қаттиқ зарба бўлган. Эрига бошқага уйланинг деса, у бу таклифни қабул қилмабди.

Кунларнинг бирида хотини ўзини осиб кўйибди. Ўша оғир, ғамга ботган кунлари менга телефон қилди. Унинг кўнглини кўтаришга сўз ҳам тополмасдим. Шунда мен ҳали ҳаёти олдинда эканлигини, қолаверса менга берган ваъдаси (кўришиш ҳақида)ни эслатдим. Агар ваъдангизни бажармасангиз номардлик қилган бўласиз. Ўзингизга яхши каранг, сиз менга кераксиз, – дедим.

Гапларим унга оз бўлса-да таъсир қилди. Мен гуноҳ иш қиляпманми ёки кимгадир руҳий мадад бериб савоб иш қиляпманми? Шуни аниқ биламанки, мен юрагим буюрган ишни қилаяпман.

* * *

20 февраль куни яқиндан кўришишимиз ҳақида иштиёқ билан ёзилган бироз беҳаёроқ СМС келди. Бундай СМСни биринчи ёзили эди. Мен жавоб ёзмадим. Бир хафтадан сўнг у телефон қилиб Тошкентга келишимни, рингда бокс тушаётганида ёнида туриб, далда беришимни илтимос қилди. Ринг ичидаги кўзларим сени ахтаради, сен менга катта руҳий куч бўласан, деди. Мен роса ўйландим. Қандай бораман. Ҳатто у билан кўришишдан кўркяпманку. Ҳаёлан учрашиб, оёқ-қўлларим қалтираб, сўзлар сўзимни тополмай қоляпманку.

Эртасига у телефон қилди. Мен унга “боролмайман, мени кечиринг”- дедим. У индамай қолди ва ундан бўлса - “Прошай”- деди. Мана 24 кун бўлди. Ундан дарак йўқ. У мендан қаттиқ хафа.

Наҳотки, мен уни бир умрга йўқотдим. Мен уни жуда согиндим. Лекин телефон қилмайман. Мени унугашни истаган экан, унга ҳалал бермайман. Лекин уни сира унумайман. Ўзи менга айтган қўйидаги гаплари қалбимга далда бўлади. “Бахт – бу севган инсонинг билан доим бирга бўлиш эмас, бахт бу севганингни баҳтили, хурсанд яшаётганини кўриш, унинг ютуқларини эшишиб яшаш”.

*Кўзларимнинг нури эдинг,
Ёлғизим, ягонам эдинг.
Қалбда армоним бўлдинг.
Кўзда ёш, лек ийғламайман.*

* * *

Кундалик дафтаридағи битикларни окқа күчириб ҳам әдим, ўқитувчилар йиғилишга чақириб қолишиди.

Бирор соат давом этган йиғилишдан сўнг хонамга тушсам, бир шоир ўқувчим хонада мени кутиб турган экан.

- Опа, шеър машкларимни олиб келгандим, ўқиб чиққач, фикрингизни айтасиз, - деб эшик томон йўналди. Лекин эшик олдида бир зум туриб қолди.

- Менда яна гапингиз борми? – сўрадим ҳайратланиб.

- Опа, анови аёлга айтинг, бу йўлдан қайтсан. Ахир фарзандлари, гулдек оиласи бор экан. Ота-оналарнинг кўнгли, кўнгил хушликлари учун фарзандлари бир умрга мулзам бўлиб колишлари керак эмас. Ҳайр, опа, - деди-ю эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Мен бу нарсани ёзишга қанча бош қотирган, ўйланган бўлсам, ёзиг бўлгач, яна ўйга толдим. Эркакларга ҳам мурожаат этгим келди: “Сиздан илтимос, аёлингиздан эътиборингизни дариг тутманг. У сизнинг ширин сўзингиз, озгина эътиборингиз учун жонини фидо қиласи. Сиз эҳтимол аёлингиз шароитини яхшилайман, чиройли уйлар қураман, тилла тақинчоқлар олиб бераман деб оиласигиз учун жонингизни фидо қилиб қийинчиликларни бўйнингизга олиб ишламоқдасиз. Лекин, аёл кўнглини тақинчогу-тилла зираклар, дабдабали кошона уйлар эмас, сизнинг ширин муомалангиз, эътиборингиз кўкларга кўтаради”.

Агар қаҳрамонимиз Дилсораҳоннинг турмуш ўртоғи ҳам бунга амал қилганда, Дилсора бундай йўл тутмаган бўлармиди. Ўқувчим Абдуллажонов Ҳаётбек менга бериб кетган шеър дафтарини аста вараклаб, шеърларини ўқий бошладим. Undagi бир шеър менинг эътиборимни тортди.

*Аёлга керакмас турфа тақинчоқ,
Зумраду ёқутдан бир шода мунчоқ.
Икки оғиз ширин сўз, табассум-ла,
Совга айланг, унга гуллар бир қучоқ.*

*Шунданда аёлнинг боши осмонда,
Унданда баҳтли йўқ ёргуз жаҳонда.
Боримсан деб, бир сочини силанг,
Жамики дардлари кетар шул онда.*

*Саёҳат айламанг дунёни бирга,
Уни олиб чиқинг лолазор қирга.
Шарт эмас, олиб борманг Париж, Римга
Ундан кўра айтинг: "Бор бўл баҳтимга".*

*Аёлга керакмас турфа тақинчоқ,
Зумраду ёқутдан бир шода мунчоқ.
Икки оғиз ширин суз, табассум-ла,
Ҳадя айланг, унга гуллар бир қучоқ.*



ШЕЬРЛАР

ВАТАНИМДИР БУ

Бошимни силовчи меҳрибон онам,
Кўлимда қўйқираб ўйнаган болам,
Кўнглимда очилган бир гўзал лолам,
Бирдамликда бир жони, бир танимдир бу
Энг улуг, энг азиз Ватанимдир бу.

Ёфас уруғидир азиз, мукаррам,
Жаннати диёрдир бир Боги Эрам,
Кўргондир ирода метин, мустаҳкам.
Бирдамликда бир жони, бир танимдир бу
Энг улуг, энг азиз Ватанимдир бу.

Нажмиддин Кубродек аҳди бор бунда,
Жалолиддиндик мард шаҳди бор бунда,
Фарзандларнинг гўзал баҳти бор бунда,
Бирдамликда бир жони, бир танимдир бу
Энг улуг, энг азиз Ватанимдир бу.

Бобур армонлари ёйилиб кетди,
Мухаммад, Чўлпонлар мақсадга етди,
Кўркамликда Андижон Париждан ўтди,
Бирдамликда бир жони, бир танимдир бу
Энг улуг, энг азиз Ватанимдир бу.

Саҳарда ёпилар иссиқ-иссиқ нон,
Хуррамлик, жўшқинлик кўринар ҳар он,
Келажак ёшлари урмоқдадур бонг,
Бирдамликда бир жони, бир танимдир бу
Энг улуг, энг азиз Ватанимдир бу.

Йигирма ёшинг - навқирон ёшдир,
Ўзбекистон кўчаси ҳадя куёшдир,
Бугун кўзларимда севинчда ёшдир,

Бирдамликда бир жони, бир танимдир бу
Энг улуг, энг азиз Ватанимдир бу.

Қалдирғоч чұғурлар ҳар бир уйингда,
Райхонлар уфуар сенинг бүйингдан
Үзбек элим фидо сенинг түйингда
Бирдамликда бир жони, бир танимдир бу
Энг улуг, энг азиз Ватанимдир бу.

2011 йыл, июнь.

АЛИШЕР ВА ГАДО

(Ривоятни ўқиб)

Алишер Самарқандда,
Зукко талаба бўлган.
Тақдир бир оз бўлсада,
Кийинчиликка солган.
Лек Алишер шеър назмининг,
Оҳангига мафтункор.
Хаёт жилvasи билан,
Кўринарди фусункор.
Шеър ишки қалбин олган,
Ўқирди шеърий китоб.
Бор эди унда сеҳр,
Чорлагувчи бир хитоб.
Мадрасага бораркан,
Ўтар бозор ёнидан.
Бир гадо хиргойисин,
Тинглар дили жонидан.
Ёш Алишер гадонинг,
Кўшигин тингларди хўб.
Бу байтга ошиқ бўлиб,
Эшитарди қайта кўп.
Гадонинг соз овози,
Ёқимли эди бирам.
Гадонинг бу байтига,
Ошиқ бўлди чинакам.

Бир кун Алишер йўлда,
Яна тинглар навони.
Яхши кўрар шу байтни,
Уни куйлар гадони.
Йўл–йўлакай такрорлаб,
Хужраси томон юрди.
Шира овоз қулоғида,
Тинмай жаранглаб турди.
Ухломади Алишер,
Байт ишқида ёнарди.
Ўзига бериб савол,
Яна ўзи тонарди.
“Харидор бўлсам байтга,
Сотармикан, ё сотмас”.
Байтга эга бўлмаса,
Қалби осуда топмас.
Эртаси яна уни,
Эргаштириди ўзига.
Гадонинг орқасида,
Махлиёдир сўзига.
“Кўкрагимдир субҳнинг
Пироҳанидин чокрок,
Кипригим шабнам тўкилган
Сабзадин намроқроқ”.
Харобасига етгач,
Олди гадо қўлини:
“Отахон, менга сотинг,
Ғазал икки йўлини.
Ақча берай, етмаса,
Тўнимни пуллаб берай,
Йўқ, демангиз, отахон,
Бу байтдан гулзор безай.”
Гадо қах–қах уриб,
Кулиб, бошин чайқади.
Алишерни бир қашшок,
Муллалин ин пайқади.
Шунда деди отахон:
“Байтни сотиб олишдан.

Кечинг, текин олинг—да,
Бошланган—да ёд олишдан.
Бунга моне эмасман,
Қандоқ бўлайин қарши.
Бу бир шундоқ байтда,
Мен ҳам эмасман баҳши.”
Алишербек шундай дер:
“Ота, байт—ла тўлурсиз,
Сотиб олсам, ул ҷоғда,
Байтдан маҳрум бўлурсиз.”
Бу даъвони эшишиб,
Гадо кулиб чайқар бош:
-“Кучингиз етмас, балки,
Алишмасман, берса тож.
Чунки, бу байт отамдан,
Мерос кирқ йилдан буён.
Қорин тўяр, шу билан,
Бола—чақа—ю, қумғон.”
- Отангиз шоирмиди?
- Богбон эди шоирмас,
Дараҳтларни у пайванд,
Парвариш қиласр ўқиб,
Шу байтни баланд—баланд.
- Бир байтмиди ё газал?
- Йўқ—йўқ, отам ҳам
Шу байтни такрорларди.
Хиргойи килиб, айтиб
Кўнгил кўзи порларди.
- Қайси зотнинг ғазали?
- Билмам, ҳатто отам ҳам,
Билмагайдир бу ҳақда.
Алишербек жим қолди,
Сукут чўқди сония.
Сўнг ота: “Розиман,
Айтиб юринг, кифоя.”
Алишербек умидини,
Узид ҳужрага кайтди.
Орадан нёча фасллар,

Йиллар бирма-бир ўтди.
Энди ёш Алишер,
Бўлди ғазал султони.
Эл уни ҳурмат қилур,
Ҳазрат дерлар: “Навоий”.
Самарқандга бир меҳмон,
Бўлгали келди бир он.
Эслади у гадони,
Сўзладилар қадрдон.
Гадо кексайиб қолган,
Энди юролмас бозор.
Букчайиб ўтирганча,
Байт куйлайди беозор.
Навоий ота томон
Шошилди. Уни топди.
Салом—алиқдан сўнг,
Аста ўзин танидти.
Чол синчков назар ила
- Қайтмадизми даъводан?
- Йўқ, ота, мафтун ҳамон,
Қалбим байту маънодан.
Чол деди: - Сотаман—у,
Етармикин курбингиз?
- Балки, етиб қоладир,
Ахир у қалб дурингиз.
Кексайиб қолдим болам,
Баланд овозим ҳам йўқ.
Ҳақ сўз – жонимга тегди,
Гадолик ҳаёти чўғ.
Курбингиз етса, болам,
Тегирмон ва бир эшак.
Ховли, уй–жой берсангиз,
Байт сизникидир, бешак.
Тегирмончилик қилиб,
Сизга омонлик тилай.
Умр тугагунча алқаб,
Ҳаққизга дуо қиласай.
Навоий хурсанд бўлиб,

Ижобат этди барин.
Үзиники бўлди байт,
Оҳанглари бир заррин.
Навоий йиллар ўтиб,
Байт васлига етди,
Матлаъни давом этиб,
Гўзал ғазални битди.

*“Кўкрагимдир субҳнинг пироҳанидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намророк.”*

*Бу кўнгил гамнокидин то шодмон кўрдим сени.
Истарам ҳар дамки ўлгай хотирим гамнокроқ.*

*Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида роҳат гами.
Ким, ийӯқ эрди манзил ул водийда андин бокроқ.*

*Ўйла, Мўжғон ҳанжарига етишибдур дард анинг.
Ким, магар андин тиним ийӯқдир vale бебокроқ.*

*Одамийлик тупрогин берса фано элига чарх,
Оҳқим, ийӯқтур киши аҳли фанодин чокроқ.*

*Неча ўқланса Навоий кўнгли замин чок бўлур.
Кўрмадик, золимни тиккан сори бўлгай чокроқ”.*

Навоий биргина байт,
Ишқида шунча ёнди.
Бино бўлган ғазалдан,
Ошиқлар қалби қонди.
У ғазал сultonидир,
Туркнинг буюк инсони.
Ҳар ўзбек фахр этар,
Навоийдек тимсоли.
Навоий асарларин,
Шарҳлаб бўлмас адоси.
Неча–неча инсонлар,
Навоийнинг гадоси.

РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТАНИ ЁМОН КҮРИБ ҚОЛДИМ-А

Ажиб күй таралади,
Етаклаб кенг самога.
Гүзәл түйгулар ила,
Сингардим мен навога.

Мұхаббат күйидир бу,
Титрар түйгулар жони.
Юрак ёноғи ял-ял,
Наво әшитар они.

Ромео ва Жульетта,
Ошиқ қалблар титроғи.
Дөвонлар ошган севги,
Мұхаббат гул япроги.

Оҳанг әспитган сари,
Кирадим гүзәл қасрга.
Энди-чи унинг дардин,
Тўкмоқчиман назмга.

Бир кун дадажонимиз,
Телефон олиб қўлига.
“Ромео ва Жульеттани”,
Кўймиш гудок ўрнига.

Мусика янграр эди,
Ана күй, ана наво.....
- Алло, әшитаман, - дер
Дарров айниди ҳаво.

Эрталабдан то кеч,
Гүзәл наво янграр чоғ.
“Алло”, “Алло” бузарди,
Түйгулар сочиқ ҳар ёқ.

Мусиқа янграпАлло,
Мусиқа.....Эшитаман.
Олманг телефонни қўлга,
Ҳозир ёниб кетаман.

Чойни ичаверинглар,
Жавоб берай телефонга.
Ошни еяверинглар,
Жавоб берай телефонга.

“Жим”, тек туринглар,
Гаплашаман, йўл-йўлак.
Ромео ва Жулъетта,
Янгтарди бўлак-бўлак.

Туғилган гўзал туйғу,
Шапатидан хуркарди.
Дарров туйғу ўрнида,
Ғазаб жаҳл пуркарди.

Эҳ, аяси, аякониси,
Кулар бўлди мұхаббат.
Ромео ва Жулъетта,
Яна чалинди факат.

Гудок асабни бузар,
Ажаб роса толдим-а,
Ромео ва Жулъеттани,
Ёмон кўриб колдим-а.

Эҳ, дўстларим, гудок учун,
Буюк асарни қўйманг.
Уни бўлак-бўлаклаб,
Қалбларимизни ўйманг.

Шекспир туйғулари,
Достонда лаҳча чўғдир.
Ўчириб-ла қўйгали,
Хеч кимнинг ҳакки йўқдир.

1912 йил, апрель

БҮЮК НОМ

Она меҳру, она муҳаббат,
Ҳар зот учун муқаддас она,
Фарзанд баҳтин ўйлайди фақат,
Фарзанд учун куйинар ёна.

Онам - бу менинг онамдир,
Ҳар инсонга якка-ягона,
Фарзанд фаҳр этиши учун,
Умр бўйи бўлар мардана.

Она кўриб қизин ол, - дерлар,
Чунки она ўрнакдир қизга.
Яхши ҳар дам покликни дерлар,
Ёмон эса дод солар изга.

Она – бу ном жуда улуғдир,
Унда поклик меваси мавжуд,
Гарчи бу ном, гардга тўлугдир,
Қалб йиглайди, титрайди вужуд.

Онамизми, она бўлайлик,
Буюк номга эгамиз ахир
Меҳру муҳаббатла тўлайлик.
Насллар ҳам этсинлар фаҳр.

Мактуб йўллаб Шайбонийхонга,
Бермиш шаҳар, ой Зуҳрабегим.
Ишқий мактуб ёқса-да хонга
Демади: “Ой, руҳсорим келгин”

Султон Али Мирзонинг боши,
Бутун тарих бўлиб қолди ҳам,
Боши узра тегирмон тоши ,
Ғалволарни солди чинакам.

Ҳадиҷа бегим тақрор этмиш,
Хиёнатми, ох, жаҳолат бу.
Мўмин Мирзо гул мисол сўлмиш.
Тахтиравон, ох, маломат бу.

Тарих узра қанча ёғди қор,
Аср оша юва олмади.
Ҳали-ҳануз жароҳати бор,
“Нафрат” сўзин ёзиб толмади.

Оналар бор, уларнинг номи,
Аср оша күёшдек балқар.
Авлодларин кўкракларига,
“Фаҳр” деган унвонин тақар.

Бибихоним, Гавҳаршодбегим,
Моҳимбегим Бобур малҳамим,
Увайсию Нодирабегим.
Нурлар билан тўлар қадами.

Самарқандда сайқал ҳар ёна,
Миноралар дилларга пайванд.
Болажон, деб куйинган она
Номини ҳам кўтарар фарзанд.

Азизликни хуш кўради хок,
Чунки, унда улуг зотлар бор,
Шунинг учун қадам бўлсин пок,
Ният соғу диллар беғубор.

Онамизми, она бўлайлик,
Буюк номга эгамиз ахир,
Мехр-муҳаббатла тўлайлик,
Наслимиз ҳам этсинглар фаҳр.

ОЙ ЮЗИГА БОҚИБ, ТИКИЛСАМ

Ой юзига боқиб, тикилсам,
Кўзларимдан тўкилса-да ашк,
Нигоҳ маъюс ойдек ўкинсан,
Ёрим қийнар, қандайдир бир рашк.

Тонгнинг шаффоф нурлари ила,
Юзларимга ёғилса ёғду.
“Кимга бу табассум”, - дея
Ёрнинг рашки беради оғу.

Сиз билмаган битта қаср бор
Маликадек кезаман гўё.
Бирам тоза, бирам мусаффо
Қани шундоқ бўлсайди рўё.

Пештоқига битилган унинг
Эзгу-ният дилларда қат-қат.
Мени мафтун этган бу қаср,
У шеърдир, шеър, шеърият.

Узун сатрлар қўлини чўзиб,
Кучмоқчилик хипча белимдан,
Рашк олови ёндириган ул ёр,
Қизғонса бўларди шеъримдан.

МУҚАДДАС ОИЛА

Мерос Одам Ато Момо Ҳаводан
Ўзбекона урф—одату наводан
Садо келар майн эсган сабодан,
Ўзбегимда муқаддасдир оила.

Оиладир мустаҳкам, буюк қўрғон,
Тарбия ўчоғидир билимга кон.
Не-не зотлар улғайтирган бу макон,
Ўзбегимда муқаддасдир оила.

Асли оиладан бошланар Ватан,
Ота-она, дилбанд бир жону бир тан.
Яхшилик улашиб уйғонар ҳар тонг,
Үзбегимда муқаддасдир оила.

Ватанда камол топиб, олади хусн,
Оилани ҳимоя қилас қомусим.
Оиламдир жону шавкат, номусим
Үзбегимда муқаддасдир оила.

Ўзбекона урф-ордатлар қонимизда,
Кумушбиби, Ширинлар ёнимизда.
Шарқона ибо-ҳаё онгимизда,
Ўзбегимда муқаддасдир оила.

Юртбошимиз оилани улуғ – дер,
Наслларга, фарзандларга илм бер.
Менинг наслим, авлодим, деб кўкрак кер,
Ўзбегимда муқаддасдир оила.

ОНА

Она ўзи
таъриф этмоққа
тилларим ожиз,

Она сўзи
уни ёзмоққа
юрак этар жиз.

Она, нури
шафак олдингда
чўқаяпти тиз.

Она хуру
фаришталари
бино этган из.

Она кўзи
уни кўрмоққа
борлиқ меҳри оз.

Она, она
фақат сен-ла
калбда жўшқин соз.

БАХОР

Қировларнинг остида турган,
Юзларини совуқлар урган,
Дарак бериб барибир кулган
Гули бошқача-да баҳорнинг.

Иликликлар ҳадя айлаган,
Жилвалари ила бойлаган,
Ўзини хуш келин сайлаган,
Нури бошқача-да баҳорнинг.

Қир-адирга майса буркаган,
Ўрикларга гунча қадаган,
Кўнгилларга шодлик улаган,
Тафти бошқача-да баҳорнинг.

Деҳкон бобо ишга шайланган,
Енг шимариб, белин боғлаган,
Тупроғи зар, дилни чоғлаган,
Кафти бошқача-да баҳорнинг.

Сумалаклар дошқозонларда,
Кўқдан таом, хўп ажабсандা,
Келинлари жуда пазанда,
Шавқи бошқача-да баҳорнинг.

Қизларжонлар ойнага бокқан,
Ўスマлари ҳаммага ёққан,
Толпопукдан гулчамбар таққан,
Завқи бошқача-да баҳорнинг.

Майнин еллар аста еляпти,
Юртимизга баҳор келяпти,
Табиатга хусн беряпти,
Бўйи бошқача-да баҳорнинг.

Байрам билан қўяди қадам,
Карнай-сурнай ярашар бирам,
Илҳом билан тебранар қалам,
Тўйи бошқача-да баҳорнинг.

2012 йил, февраль.

ТИТРОҚЛАРИНГДА ҚОЛДИМ

(Ғазал)

Севги оташи ёнган титрокларингда қолдим,
Ёниб куйса-да тонган, титрокларингда қолдим.

Маҳзун бўлган кўнглингни четидан сизаётган,
Кўз ёшилиз бўзлаган, йиглоқларингда қолдим.

Армон ханжари тифида оҳлар чекиб қора тун,
Титраб-титраб сўзлаган, ингроқларингда қолдим.

Ингроқларинг ажиб куй, ажиб нола чекадир,
Қалбим ўртаган «Чўли Ироқ»ларингда қолдим.

Қаро тун бунча узун, гафлат уйку домида,
Балки сен англомаган, мудроқларингда қолдим.

Илҳомлар бериб сенга, кечани этмиш Ойдин,
Битилмиш шеър, қўшиғинг, туроқларингда қолдим.

2012 йил, март.

УСТОЗГА

Бу бир ривоятмас, ҳеч ҳам эртакмас,
Дунёни забт этган фотих Искандар.
Оlamга келтирган отага эмас,
Устозга атаб тиклайди ҳайкал.

Ундан сўрашибди: “Бу кандай бир ҳол,
Искандар, айт бизга тушунтириб бер?”
Осмону фалакка тикилиб бир бор,
Зулқарнайн аста сўзлаб шундай дер:

“Отам кўқдан олиб тушиб заминга,
Инсонга хос жисмимни бино этди.
Устоз эса руҳим этди тарбият,
Шундан менинг бошим осмонга етди”.

Навоий бобом ҳам ўгитин айтар,
Ҳақ йўлида бир ҳарф ўқитган инсон,

Хаққини адо этолмас, ҳарчанд
Дуру гавқар, мингта ганж ила ион.

Устозга таъзимда буюк сиймолар,
Ердан осмон қадар күттарған устоз.
Уларга минг байту минг битта құшик,
Хаққин адо этгани минг ҳайкал оз.

УЛ НАДУР?

(Құшик)

Титрогимда түлғонган,
Ажиб ҳислар уйғонган,
Хаәлларга чүлғонган,
Ул надур?

Рұмолига боғлаган,
Висол сари өзғланган,
Чоғлаб туриб дөғланган,
Ул надур?

Қалбим сари бүйлаган,
Мұхаббатдан сүйлаган,
Үйлаганим, үйлаган,
Ул надур?

Титроқларим туганмас,
Кетган ёр қайтиб келмас,
Суоклиги мен эмас,
Ул надур?

Юрагимга тош отдим,
Ҳиссизликка мен ботдим,
Туйғуларимни сотдим,
Ул надур?

Йиллар ўтиб күрдим мен,
Ұша малак, ұша сен,
Титрадим қалбим-ла тенг,
Ул надур?

2012 шіл, декабрь

ОНАЖОН

Күнглим маъюсликни этиб ихтиёр,
Бўйсунмайин қолди тилакларимга.
Юрагим кимгадир бўлиб интизор,
Куч бермас у ҳатто билакларимга.

Онаジョン，мен сизни соғинибман-у，
Соғинчлар қалбимни қийнабди жуда.
Мехрингиз мен учун овунч экан-у，
Ёнимда бўлсангиз қанийди.

Юрагим дардига ўзингиз дармон，
Кўзимда қалқийди фақат соғинч ёш.
Сиз борсиз, йўлдошмас менга хеч армон，
Бахтлиман, кўксингиз узра кўйсам бош.

Сиз дамлаб келтирган чой ҳам бошқача，
Бошқача шириндир сиз қилган таом.
Суҳбат курсам дейман саҳар тонғгача，
Юрагим сиз билан бутун, Онаジョン。

Кўзимда ўйнаган севинч ўзингиз，
Эшигим қоқолмас ҳеч қандай қайғу，
Қалбим гулларидир ҳар бир сўзингиз，
Сиз билан дилимда мусаффо туйғу，
Онаジョン。



СТОЛБАДА ҚАСДИ БОР

Мен Тошкент шаҳрига
Юмуш билан йўл олдим.
Таниш Каромат опа
Үйида бир дам қолдим.

Опа бирам самимий,
Камтарин инсон экан.
Бисотида бир эри,
Учта ўғли бор экан.

Хўжайини Россияда,
Иккинчи ўғли билан
Катта ўғли Санжарбек
Турдим Дониёрбек билан.

Санжарбек оғир, вазмин,
Бола эди ажойиб.
Дониёрбек-чи шўх-шодон,
Қиликлари ғаройиб.

Кулса, бир ўғри тиши,
Кўриниб турар эди.
Жиянларидан ҳам,
“Тиш қалай?” сўрар эди.

Уйи “Күшбеги”нинг
Тўққизинчи қаватида.
Лифт билан кўтарилидим,
Айтсан сўз навбатида.

Шундоқ эшикдан кирсам,
Туриби-я велосипед.
Тўққизинчи қаватда ҳам,
Минар экан велосипед.

Қават бинолар ичра,
Бир шоир от боққанди.
Ажабланиб инсонлар,
Хайрат күз-ла боққанди.

Велосипед ҳам отни,
Бир турида ахир.
Фақат авария бўлса,
Дил бўлади хўп тахир.

Дониёрбек мактабидан,
Келди-ю чойин ичди.
Велосипедни олиб,
Пастга томон у учди.

Учиб юрар велосипед,
Мазза қилас Дониёрбек.
Атиргуллардан узди,
Онасига совға деб.

Бирам сайд зўр бўлди,
Дониёрбек хушнуд эди.
Лек ўшшайиб турган,
Столбага бир урди.

Бу ёнда Дониёрбек “вой”,
У ёнда столба дер “вой”.
Иккисини кўзидан,
Ёш оқарди худди сой.

Дониёрбекнинг тишида,
Столбанинг қасди бор.
Ёки Дониёрбекни
Столбада қасди бор.

Ўгри тиши текисдай,
Тишлар синиб кетганди.
Унинг оғриқ азоби,
Миясига етгандай.

“Дод”, деса бўлмайди ҳеч,
Ҳамма устидан кулар.
Инданай аста ўзи,
Ўрнидан илдам турар.

Онасини олдига,
Кирди бир оз шумшайиб.
Нима десангиз, дейинг,
Турарди у тумшайиб.

Шифохонада ҳам у,
“Дод” демади чидам бор.
Бундай бир ҳолатига,
Чунки, ўзи айбдор.

Ўз ичидан ўтганин,
Ўзи билар ёр-ёр.
Дониёрбекни столбада,
Катта бир алами бор.

Энди тахтига чиқди,
Велосипед уйида.
Дониёрбек столбани
Бир соларди ўйида.

Столба ҳам Дониёрбекка,
Ўз сабогини берди.
“Энди велосипедни
Секин минаман”, - деди.

Эҳ, болалар, болалар,
Эҳтиёт бўлинг, ҳар дам.
Эҳтиётлик яхшида,
Кўнгил бўлар хотиржам.

Хуллас, Дониёрбекдек,
Шўх йигитлар яшасин.
Шаҳарнинг кўчасида,
Шўхлигини ташласин.

ТОЖМАҲАЛНИ ҚУРИБ КЕТГУМ

- Маҳбуб:** - Ажаб, бу ишқ куйдиргувчи,
Индамасдан ёнаман-а.
Оҳ, бу титрок билдиргувчи,
Тилларимда тонаман-а.
- Маҳбуба:** - Билмайсизми, наслларим,
Ишқ, ғазал ила сүйдиргум.
Севсангиз гар назмларим,
Зебинисодек куйдиргум.
- Маҳбуб:** - Сиз ишқи шоҳ онингизда,
Ҳам гўзалсиз, ҳам мардона.
Титраб – титраб ёнингизда
Тугайдурман ёна–ёна.
- Маҳбуба:** - Сизга атаб қаср қурай,
Чунки ишқи шоҳлик оним.
Бир сүйдираій, бир сүйдираій,
Аждодимдир Бибихоним.
- Маҳбуб:** - Ишқ сахроси олов бўлди,
Наво сехрин солиб кетинг.
Хазинамда неки бўлса,
Мухаббат-ла олиб кетинг.
- Маҳбуба:** - Туйғуларим бокира, бек,
Хазинангизни мен нетгум.
Кетар бўлсам, Нодирадек
Ўзингизни олиб кетгум.
- Маҳбуб:** - Ишқ қийноғи дилни янчар,
Унга даво ширин висол.
Ҳижрон эса тиғлар санчар,
Маҳбубам кел, кел, кела қол.
- Маҳбуба:** - Энди бу ишқ боқий эзур,
Оловларда юриб кетгум.
Мумтоздек Тожмаҳални
Юрагизга куриб кетгум.

ТҮЛҒАНАР ЙОРАК

*Она, шеър ёзишни менга ўргатшиг. Менинг
ҳам шеър ёзгим келяпти, - дегуачи, шоирликка
ҳавасманд ўқувчиларимга.*

Дунё яралибди ижод мاشаққат,
Қалғинанг дардидан түлғонар юрак.
Туйгулар жүш урап, бўлар катма-кат,
Ўйлайсан, нимадир ёзишим керак.

Оташ муҳаббатга интилади дил,
Шоирга муҳаббат жуда керак, бил.
Қалбинг хаёлинг-ла сўзлашади тил,
Ўйлайсан, нимадир ёзишим керак.

Қогоз ва қаламни қўлингга олиб,
Титроқ туйғуларингни назмга солиб.
Соатлаб қоғозга тикилиб толиб,
Ўйлайсан, нимадир ёзишим керак.

Юрагингда нола, тошмоқда хислар,
Наволар чалинади, босилар излар.
Қаршингда илҳоминг - бир даста қизлар,
Ўйлайсан, нимадир ёзишим керак.

Кўзларингда бу оламнинг сеҳри ёр,
Хисларга бой юрак, қалбда оппоқ қор.
Сенда болам, шоирликдан дарак бор,
Ўйлайман, нимадир ёзишинг керак.



ОНАЖОН, ОНАМ

Отам күрмай кетган кунларим ҳакқи,
Армонда қолганим тунларим ҳаққи,
Сахарда бўзлаган унларим ҳаққи,
Узок умр кўринг сиз, онажон, онам.

Токи отам меҳрин олайн сиздан,
Үйимизда қолган ис, ҳид-у издан,
Минг бора ўргилиб, ўғил-қизидан,
Узок умр кўринг сиз, онажон, онам.

Кампир бўлиб юриш насиб айласин,
Майли, ҳасса ушланг, сиздан айлансин,
Касаллик йўллари шундоқ бойлансин,
Узок умр кўринг сиз, онажон, онам.

Отам оқ яктакка чорсини бойлаб,
Оппоқ соқолини авайлаб силаб,
Чол бўлиб юрмади дуолар тилаб,
Узок умр кўринг сиз, онажон, онам.

Баъзан оппоқ сокол чолларга қараб,
Юрагим ўртайди қандайдир азоб,
Ўксийман, гоҳ ҳasad қиласман ё раб,
Узок умр кўринг сиз, онажон, онам.

Яраланган қушман, қаноти синик,
Қанотсиз қушга ҳаёт нотиник,
Юрагим сиз учун интиқдир интиқ,
Узок умр кўринг сиз, онажон, онам.

Тиланчи бўлайин, мен, умрлар сўраб,
Минг бора ўргилай, дуога ўраб,
Оллоҳ, умр бер, ризқ бер, онамни алқаб,
Узок умр кўринг сиз, онажон, онам.

ИЖОД ҲАҚИДА СУҲБАТ

Ижод – бу ўзини қийнай, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидоийлик демакдир.

И.А. КАРИМОВ.

Ижод - бунча менинг қалбим қийнайсан?
Юрагимни ўртар хислар түғёни.
Тўлғонган юрак, ахир, сен шоирсан,
Забт этмоқчисан-ку бутун дунёни.

Ижод - қалбим билан диллашмоқда тил,
Сўзлар ғалаёни, юрак тинчимас.
Шоирнинг тили ва дили бирдир бил,
Ёлғон кўйламаклик элга керакмас.

Ижод, сенда ҳаёт, азоб керакми?
Нақ юракка мўлжал, урасан ханжар.
Нима ижод қилиш сенга эрмакми?
Ўртанган дил сўзни юракка санчар.

Ижод, мени ўртаб қийнайсан, лекин
Мен сенсиз ҳаётда яшай олмайман.
Чунки, ижодкорлар мен билан тирик,
Зўр илҳом беришдан сира толмайман.

Ижод, машаққатдан сўнг ғалаба суюқ,
Оҳ енгиллик, парвоз қиласман күшдай.
Мен билан машаққат чеккан зот буюқ,
Мехнат заҳматлари ҳуддики тушдай.

Ижод, дардинг ҳудди оғрик тўлғоқдай,
Тугилар олам-у, тугилар башпар.
Ижод маҳсуллари ҳудди боладай,
Ёзилмас, тугилар ҳақиқий асар.

2013 йил, 18 август.

СИЗНИ КУТИБ

Тун. Дарагт шохидан күринади ой,
Бирам чиройлики, түлин, хусни бой,
Тикилиб боқаман, ёлғиз, ҳойнахой,
Сизни кутиб.

Яхшиямык, тебранар күлда қалам бор,
Мени ёлғиз қўймас, илҳом менга ёр,
Оппок варакларга тўкилар ашъор,
Сизни кутиб.

Мехрим билан тузаганман дастурхон,
Чунки, уйимизда сиз султон, сиз хон,
Кўзим соат миллиаридадир ҳар он,
Сизни кутиб.

Қачон келар, келяптими дадажон,
Нима олиб келар менга, аяжон, -
Дея-дея ухлаб қолди болажон
Сизни кутиб.

Ажаб, рух капалаги айвонимда,
Қайнонам, балки дадам хаёлимда,
Ёлғизмасман, улар менинг ёнимда
Сизни кутиб.

Жиринглаб қолди-ку, ана телефон,
Келяпсизми, дадаси, бўлдим ҳайрон,
Деди: “Дарвозани очасиз қачон,
Турибман сизни кутиб”.

2013 йил, 26 август.



ҚҰЛІНГНИ БЕР

Дунё аталади, бу олам, ҳаёт,
Ҳаёт күнларидир қувонч, ташвишли.
Умр ўтиб боради, тұхтамас, ҳайхот,
Баъзан баҳор, ёз, куз, баъзида қишли.

Ишонч-ла сен дадил қадамлар босиб,
Мағрур қабул қылғин ҳар қандай кунни.
Фам-аламларингни дорларга осиб,
Қувонч, шодлик-ла кут ойдинли тунни.

Үзингга ишонгин, тақдирга ишон,
Кулиб боқ оламга, яшнасин олам.
Ҳаёт синовида тобланар инсон,
Захматни енгган куч ҳақиқий инсон.

Катта мақсад, улкан умидни улаб,
Одил қадам ташла, билмайин тиним.
Гар йиқилсанг, сени тургувчи сүяб,
Мана мен турибман, күркмагин ўғлим.

Қўлингни бер, кафтларимдан маҳкам тут,
Кулмагин, гапларим йўйма ҳазилга.
Ёркин орзу билан келажагинг кут,
Умидлар етаклар бизни манзилга.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Абдумутталлиб Абдуллаев. Оталар ибрати хақида китоб..... | 5 |
| Мўминжон Маъмуроў дўстлари хотирасида | 7 |
| ДЎСТИМ МЕНИНГ – АЗИЗ ОДАМЛАР | |
| Ёнаётган куш | 13 |
| Хаёсизда имоя йўқ | 20 |
| Ижодкорнинг юраги бутун | 23 |
| “Охирги бор илтимос киламанки...” | 25 |
| Онага узилган ўқ | 30 |
| Ёлғизим, дардкашим | 33 |
| Чўлда тобланиш осонмас | 35 |
| Сизни соғиндим, дадажон | 38 |
| ШЕЪРЛАР | |
| Нон хиди | 41 |
| Тунда | 42 |
| Садарайхон | 42 |
| Сенсиз | 43 |
| Ёзавераман | 44 |
| Орзу | 45 |
| Япроқлар шивирлайди | 45 |
| Учинчи каватда | 46 |
| Шаббода эсяпти | 47 |
| Күшча | 47 |
| Киприкдаги кор | 48 |
| Замондошга | 49 |
| Севаман, севилганман | 49 |
| Ўхшашмиз | 50 |
| Шизоатли бўлайлик | 50 |
| Сирли кечаларга | 51 |
| Камон кўйлади | 51 |
| Андижон | 52 |
| Гулларнинг атри | 53 |
| Чирогим сенсан | 54 |
| Сенсан юрагим | 55 |
| Хижрон ўтида | 55 |
| Ширин хаёл | 56 |
| Жайрона | 56 |
| Шифобаҳаш кўча | 57 |
| Мунис онажон | 58 |
| Шахриҳонсой бўйларида | 59 |
| Табиат ва мен | 60 |
| Шарпа | 61 |
| Одам қилдик сени, дейишар | 61 |
| Қиё боқмай | 61 |
| Орзум ойдин | 62 |
| Яшил япрок бўлиб | 62 |

| | |
|---|-----|
| Ён, юрагим, ён | 62 |
| Түртлик | 62 |
| ҒАЗАЛЛАР | |
| Кел, хақиқат излашайлик | 63 |
| Күёшни соғиниб | 64 |
| Адашдим мен | 65 |
| Сиз учун | 65 |
| Бұлды кеч | 66 |
| Ой ярим, олам ярим | 66 |
| ОЙДИНОЙ ФОЗИЕВА. ОТАМ ИЗИДАН | |
| ОТАМ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР | 69 |
| 1. Чинакам фидойилик | 69 |
| 2. Фахр түйгуси | 70 |
| 3. Бир даста гул | 71 |
| 4. Санъатта ошуфта қалб | 71 |
| 5. Бешикдан қабргача илм изла | 72 |
| 6. Қалбимизда мангу яшайсиз | 75 |
| МАҚОЛА ВА РИВОЯТЛАР | |
| Гүзәллик надур? | 78 |
| Олов бўлиб яшапман мен | 81 |
| Ким ўғри | 84 |
| Энг гўзал аёл | 88 |
| Ширин бахт бу – оналик | 92 |
| Зулфия – севги ва вафо тимсоли | 94 |
| Мухаббатми ёки хиёнат? | 96 |
| Дилсораҳоннинг кундалик дафтаридан | 97 |
| ШЕЪРЛАР | |
| Ватанимдир бу | 105 |
| Алишер ва гадо | 106 |
| Ромео ва Жульєттани ёмон кўриб қолдим-а | 111 |
| Буюк ном | 113 |
| Ой юзига бокиб, тикилсам | 115 |
| Муқаддас оила | 115 |
| Она | 116 |
| Бахор | 117 |
| Титрокларингда қолдим (Ғазал) | 118 |
| Устозга | 118 |
| Ул надур? | 119 |
| Онажон | 120 |
| Столбада қасди бор | 121 |
| Тожмаҳални куриб кеттум | 124 |
| Тұлғанар юрак | 125 |
| Онажон, онам | 126 |
| Ижод хақида сұхбат | 127 |
| Сизни кутиб | 128 |
| Құлингни бер | 129 |

8000 ₸

Адабий-бадий нашр

**МҮМИНЖОН МАЬМУРОВ
ОЙДИНОЙ ФОЗИЕВА**

ҚАҚНУС

(Хотиралар, хикоялар, мақолалар, шеърлар)

| | |
|-----------------|--|
| Мухаррир | Нусрат Абдусалом |
| Техник мухаррир | Толибжон Кўзибоев |
| Мусаххилар | Нигора Тожиматова, |
| Саҳифаловчи | Нилуфар Юлдашева Кумринисо Ашуррова |

Ноширлик лицензияси AI № 175. 11.06.2010 йил.

Босмахонага 2013 йил 1 августда берилди. Босишга 2014 йил 24 январда рұхсат этілди.
Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 8,75 босма табок. Нашриёт табоги 8,5. Times New Roman
гарнитурасы, оффсет көғози, оффсет усулида чоп этілди. Буюртма № 197. Адади 200 нұсха.

"Andijon nashriyot-maibaa" МЧД босмахонасида чоп этілди.
Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳхӯчаси, 71-үй.